

**ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
САМАРҚАНД БЎЛИМИ
АКАДЕМИК Я. ФУЛОМОВ НОМЛИ АРХЕОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ**

А.А. ГРИЦИНА
М. СОДИКОВ

**ЭСКИ ХОВОС ВА УНГА
ҚЎШНИ ХУДУДЛАР ҚАДИМ
ВА ЎРТА АСРЛАРДА**

Самарқанд-2010

Масъул мұхаррир
ҮзР ФА академиги Ю.Ф. Буряков

Мұхаррир
т.ф.н. Ш.А. Рахмонов

Тахирчилар
т.ф.д. Б.Х. Матбобоев
т.ф.н. Б.Б. Тўйчибоев

СҮЗ БОШИ

Осиё моддий маданияти тадқиқотчиси А.А. Грицина ҳамда тарих ўқитувчиси, ўлкашунос М. Содиков қаламларига мансуб бўлиб, унда кам ўрганилган ўлкалардан бири Уструшона ҳакида сўз юритилади. Уструшона қадимий давлатлар: гарбда Сўғд, шимолда Чоч (Чачан) ва Фарғона оралиғида жойлашган. Шарқ жуғрофларининг маълумотларига кўра, у хозирги шимолий Тожикистон тоғли туманлари жанубда Сирдарё вилоятининг Сирдарё ва Жиззах кенгликларини камраб олиб, шарқда Сирдарё соҳилларигача етиб келган.

Яқин-яқинларгача бу сувга тақчил худуд ниҳоятда катта бўлиб, дашти биёбон ўз номига мос Мирзачўл деб юритилган. Қиши совуқ, ёзи жазира мақоми иссиқ бўлган бу юртда ўз вақтида қўргон харобалари бўлган. Будда ташвиқотчиси Сюан-Цзан Уструшонани: “Жанубида тоғлар, шимолида чўл ҳукумрон ўлка”... деб таърифлаган.

Улуғ бобомиз Загиридин Мухаммад Бобур келтирган афсонага кўра, сўнгги ўрта асрларда ўлканинг номи “Ха дарвиш” бўлган. Яъни бу ерларда қор ва бўронли қаҳратон қишида дарвишлар бир-бирларини “Ха, дарвиш”, Ха дарвиш” деб излашган.

Хозирда жанубдан шимолга томон ўтказилган Мирзачўл канали сахрои азимни сугориб, унга ҳаёт баҳш этмоқда. Чўлқуварлар билан бирга бу ерга археологлар ҳам ташриф буюрдилар. Уларнинг маълумотларига кўра, бу ерларда қадимда ҳам ҳаёт қайнаган. Мирзачўл орқали ўтган Буюк Ипак йўли йўналиши бўйлаб савдо карвонлари ўтган. Савдогарларни шаҳар ва қишлоқ бозорларида, карвонсаройларда ва зилол сувли сардобаларда меҳмондўст ҳалқ кутиб олган. Ўлканинг бозорлари маҳаллий маҳсулотларга бой бўлиб, савдогарлар уларни узоқ юртларга олиб кетишган.

Ушбу китобча ана шундай шаҳарлардан бирига бағишлиланган бўлиб, унинг харобалари буғунги кунда Эски Ховос деб юритилади.

У шунчаки катта йўл бўйида жойлашмаган, ўрта аср манбалари маълумотларида келтирилишича, Ховос Самарқанддан шарқка йўналган йўлнинг чорраҳасида жойлашган. Ундан бир тармоқ Ховосдан Куркат орқали Хўжанд ва Фарғонага, иккинчиси тўғри “Шош дарёси” - Сирдарё кечувидан сўнг шимолга, йирик Бенакет (Шоҳрухия) шаҳрига ва ундан эса, иккинчи йирик шаҳар Харашкентга ва кейин Чоч пойтахти Бинкетга борган.

Бундан ўттиз йиллар муқаддам китоб муаллифларидан бири, хозирда машхур олим, тажрибали археолог А.А. Грицина Ховос харобаларига илк бор мутахасис сифатида эътибор қаратди. Яна 15 йиллардан сўнгроқ Ўзбекистон Республикаси ФА Археология институти Чоч-Уструшона экспедициясининг А.А. Грицина раҳбарлигидаги Сирдарё отряди ёдгорликда археологик қазишмалар ўтказиб, унда қадимий қатламлар мавжудлигини аниқлади.

Бироқ ўша пайтда экспедиция олдида ёдгорликларнинг қадимий жойини аниқлаш, унинг карвон йўллари, мозор ва кўргонларини тадқиқ этиш каби ўта муҳим вазифалар туради эди. Фақат охирги йиллардагина Ховоснинг маҳобатли харобаларига навбат келди. Бу тезда археологларга тухфа сифатида ўз натижаларини берди. Эндиликда Эски Ховос ўзининг мустаҳкам истеҳкомларига эга бўлган Сирдарё вилоятининг илк эллинистик даврига оид энг қадимий шахри бўлиб чиқмоқда. А.А. Грицина Ховос харобаларини ниҳоятда яхши тасвирлайди: археологик қазишмалар мобайнида юзага келган қийинчиликлар, қатор янги топилмалар ва сизот сувларининг қазишмалар жараёнига таъсири оқибатида шахарнинг энг қадимий даври сахифаларини очишга имкон бермаган лаҳзаларни ёрқин ва чиройли кўрсатиб беради.

Аммо мақсад эса фақат бу ажойиб қазишмалар таърифи ҳам эмас. Ховос тарихи бутун Уструшона шаҳар маданияти тарихи юзасида талкин қилинади. Бу эса, нафакат унинг ўрнини ўлканинг унчалик кўп бўлмаган шаҳарлари орасида белгилаш, балки Сирдарё тарихининг бир қанча муаммоларини очиш имконини ҳам беради. Аввало, Уструшона ва қолаверса, Ховоснинг энг қадимий ахолиси кимлар эди ? деган савол юзага келади. Бундай олганда жавоб аниқ: антик муаллифларини хабар беришларича Яксарт-Сирдарё бу сўғдийлар ва саклар чегараси. Шундай экан бу ўлка ва шу жумладан Ховос музофоти ҳам Сўғдиёна таркибига, у билан бирга эса Ахмонийлар салтанати, сўнгра Буюк Искандар хукмронлиги таркибида бўлган. Шундан келиб чиқиб эса, Уструшона ахолиси ҳам суғдийлар бўлган дейишимиз мумкин.

Ҳакиқатдан ҳам Ховоснинг бой топилмалари: истеҳком колдиклари, хунарманд чиланглари, Бактрия ва Сўғд маҳсулотларидан қолишмайдиган кулолчилик буюллари, ёзма маълумотлар бўлмасада муаллиф, Ховоснинг антик даврдаёқ шаҳар сифати-

да шаклланганлиги тўғрисида хulosага келишимизга ундейди. Мана Сизга ишончли ва ёрқин археологик манба! Бу факат бошланиши. Ховос тарихи орқали бутун вилоят тарихи очилади - унинг ўтроқ ва кўчманчи маданияти алоқаларининг асл тўпламларига эга турлари ва кенг маданий эҳтиёжлари кузатилиди. Бу алоқалар Сирдарёning ўрта ҳавзасидаги йирик Чоч ва Фарғона ўлкалари билан боғлиқ. Милодгача биринчи асрларда кудратли Қанғ қабилаларининг юзага келиши яни, Уструшона йўллари ва халқларининг қуий Сирдарё қабилалари билан алоқаларининг фаолиги кўзга ташланади.

Бунинг барчаси – қалъя ва қўргонлар чиройли, қўшни минтақаларга хос аммо, ўзининг қадими Уструшонанинг тоғ ва дашт маданиятини юзага келтирди. Шундай қилиб, китобнинг номи анчай-ин қисқа “Эски Ховос...” бўлсада, у ўкувчига антик Уструшона халқлари тарихи билан боғлиқ бўлган кўпгина муаммоларни очиб беради. Археологлар томонидан яна илк ўрта асрларга оид мажмуаси то-пилган бўлиб, улар орқали уструшоналик сулолалар - афшинларнинг даврий шажарасини аниқлаш мумкин бўлади. Улар номи илк араб тарихчилари маълумотларида илк тўқнашувлар ва сўнгра ҳарбий босқинчиллик ҳаракатлари даврларидан маълумдир. VIII аср бошларида ташкил топган уструшоналик сулолалани асосчиси сифатида Хара Бугра афшин номи Ат-Табарийнинг Ўрта Осиёнинг араблар томонидан босиб олиниши тафсилотларида эслатилиди. Бу даврда ўлка ҳокимиятида турк тудун ва маликлари турганлар. Илк ўрта асрлар даври тадқиқотчisi О.И. Смирнова Уструшонанинг биринчи афшинини турк бўлган деб хисоблаши ҳам тасодиф эмас. Аммо муаллифнинг ўзи уни турклигига асос кўрмасада, бизнинг назаримизда “Қора Бугра” номининг ўзи ғарбий туркларнинг юқори бўгинига тегишлигини кўрсатиб турибди.

Яна бир муаммога тўхтаб ўтмоқчи эдим, муаллифлар маҳсус лавҳада маънавий маданият ва сифиниш билан боғлиқ бўлган то-пилмаларни тадқиқ этиб, уларнинг илдизларини қадим даврлардан исломгача ҳам сақланиб қолган мустаҳкам алоқаларини кўрсатиб берадилар. Бу табиий, машхур афшинларнинг драматик тақдирларида уларнинг ҳатто, халиф атрофидаги биринчи шахс даражасига кўтарилиши ҳам муаллифлар томонидан чиройли кўрсатиб берилган.

Умуман олганда, ўлканинг бу бебаҳо археологик ёдгорлигига муносабат муаллифларда катта таассурот қолдирди. Оқибатда улар бепо-

ён Уструшона минтақаси тўғрисидаги антик ва ўрта аср ёзма манбала-ри маълумотларини бутун Ўрта Осиё сиёсий тарихи маълумотлари билан шарқда Еттисув сарҳадларидан то Сомонийлар пойтахти Бухоро ёки ҳатто Марказий Араб Халифалигигача бўлган худуд билан боғлайдилар. Бу эркин мурожаат бўлиб, Уструшонанинг Мовароун-нахр ва Ҳоросон музофоти маданияти даврасидаги ўрни ва мақомини кўрсатиб бера олади.

Умуман китобнинг археология манбаларига багишлиланган тарихий кисми – “Археология ёдгорликлари ҳакида сўз” билан тугалланади. Бу кичик боб шундай ёзилганки, у китобнинг биринчи бобида турса арзиди. Зеро муаллифларнинг Ўзбекистон қадимий тарихининг “олтин мероси” ҳакида эҳтирос ва ҳаяжонли сўзлари замирида гўё ташландик сопол синиқлари, заҳматкаш аждодларимизнинг истехком ва қасрлар, ибододхона, ҳунармандчилик устахоналари ва уй-жой ҳаробалари колдиқлари кўзга ташланади. Афсусларки, баъзан уларни кўра била туриб, қандайдир бўлмагур мақсадлар, арзимайдиган фойда учун бузиб ташлайдилар. Ким билсин, балки бу илмий-оммабоб, қадим тарихимизга бағишлиланган бу китоб, ватанпарвар ҳалқимизнинг қалбига йўл топиб, қадимий ёдгорликларни муҳофаза қилувчилар сафига кирап. Зеро муаллифлар ўз асарини Сирдарё вилоятида сақланиб қолган археология ёдгорликларининг мажмуаси билан якунлайди.

Мен аминманки, китобхон бу археология ёдгорлигини ўзи учун қимматбаҳо хотираларнинг бир бўлаги сифатида саклаб қолади. Чунки муаллифларнинг таъкидлашича, унинг мазмуни авлод аждодларимизнинг “асрлар давомида қилган бунёдкорликлари ва ғам ғуссаларини қамраб олади. Зеро улар, бундан ҳам яхши ва акллироқ яшаш йўлига ундан, меҳнатларининг зое кетмаслигига даврлар “абадий коронгуликлари” ютиб юбормаслигига ишонар эдилар.

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси,
профессор Ю.Ф. Буряков.

КИРИШ

Эски Ховос шаҳар харобаси Сирдарё вилоятининг, қолаверса, бутун Мирзачўл музофотининг энг катта ва муҳим археология ёдгорлигидир. Ўрта асрларда гуллаб-яшнаган ушбу шаҳар харобалари буғунги Ховоснинг жануби-гарбида Карвонсарой қишлоғининг қаршиисида жойлашган.

Эски Ховос шаҳар харобаларида илк бор 1974 йилда бўлган эдик. У пайтларда Тошкентдан Самарқандга Мирзачўлнинг Сирдарё, Баҳт, Гулистон ва Янгиер шаҳарлари орқали борилган, чунки у вактларда хозирги Катта Ўзбек тракти йўли қурилмаган, узоқ йўл азоби саккиз соатдан кўпроқ вақтни олар эди. Ховосга куннинг энг иссиқ пайтида, кундуз соат учларда етиб келинарди. Автобуснинг кора парда тортилган ёпиқ деразасидан катта шаҳар харобаси кўриниб туради. Бу Мирзачўлнинг марказида эди! Шаҳар харобалари чўл бағридаги сароб-узун «столга» ўхшаб ястаниб ётарди. “Стол” эса унчалик ораста эмас, шўр тупроғу, саргайган ўсимликлар; янтоқ, юлғун, бурган ва қамишзорлар билан қопланган эди. Кучли гармсел автобусни чайқалтирап ва одамни ҳаёл оғушига чорлар эди. Ўшанда бизда бу шаҳар харобаларини тамоша қилиш ва археологик жиҳатдан ўрганиш хисси пайдо бўлди. Бу ният анча йиллар ўтиб амалга ошди. Аммо шаҳар харобаларининг археологик ўрганиш тарихи анча йиллар бошланган эди.

Эски Ховосниг биринчи тадқиқотчилари – Туркистон ҳаваскор археологлар тўғарағи (ТКЛА) аъзолари—унга бир неча бор эътибор берганлар. Н. Лиқошиннинг Мирзачўллик кексалардан ёзиб олган хикоясига кўра, ўз вақтида Шахристондан Ховосга томон оккан катта дарё орқали кемалар қатнаган (Лыкошин, 1896, 9 бет). Кейинчалик йирик мутахассис, Ўрта Осиё тарихининг билимдони, профессор М.Е. Массон Мирзачўл марказидаги катта тепаликни ўрта асрлардаги Ховоснинг марказий харобалари деб талқин қиласди. Аммо у вактларда тепа устида кўплаб аҳоли яшаган (дастлаб тепа устида атрофи сув тўлдирилган хандак билан ўраб олинган Беклик қалъаси ва кейинчалик 1953 йилларгача эса, Эски Ховос қишлоғи уйлари жойлашган), оқибатда ёдгорликда археологик изланишлар олиб бориш амалда мумкин бўлмаган. Шу туфайли археологик ўрганишга эътибор унинг яқинидаги Шахристон ва Ўратепа хар-

баларига қаратилади. Уструшонанинг сугориши иншоотларини ўрганиш муносабати билан эски Ховос харобаларига А.И. Билолов мурожаат қиласди (Билолов, 1980, 37 бет). 1984 йилдан бошлаб Хавос харобалари Сирдарё археологик отряди томонидан ўрганилади. 1988-1989-йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институти Сирдарё археологик отряди илк бор Эски Ховос харобаларида қазишма ишларини олиб боради. Натижада ёдгорликнинг энг қуий қатламларидан (тин ерга ета олмаган бўлсаларда), олинган археологик манбалар манзилгоҳнинг камидаги милодгача I ва милодий I асрларда пайдо бўлганлигини кўсатди. Бошқача айтганда, эски Ховос камидаги икки минг йиллик тарихга эга эканлиги ва у бутун Сирдарё вилоятидаги энг қадимги шаҳар харобаси қолдигилиги исботланди. Шу йилларда Ховос ва унинг атрофларида Шўрбулоқ сойнинг (Нижонисой) юқори оқимида, сув манбаи бўлган худудда катта Нуртепа шаҳар харобаси очилади. Бу ерда қайд қилинган археологик ашёлар милодгача VI ва V асрларга оид бўлиб, улар Ховоснинг антик ёзма манбаларда келтирилган қадимги Уструшона манзилгоҳи қолдиги бўлганлигини кўрсатади.

2003-йилдаги археологик қазишмалар туфайли бу ердан илк юононлар даври мудофаа деворлари қолдикларининг очилиши юқоридаги маълумотларни тасдиқлади. Эътиборли томони шундаки, мазкур деворлар янада қадимирик қатламлар устига қурилган эди. Кейинги 2004-йилда янада натижаларга бой бўлди, яъни эрамиздан олдинги IV-III асрларга оид девор қолдиклари ва сопол идишлар мажмуаси топилди. Бу ердаги 14 метр қалинликдаги маданий қатламлар ёдгорликда қадим даврлардан бошлаб XX асрга қадар ҳаёт узлуксиз давом этганлиги кузатилади. Амалда эски Ховос шаҳар харобаси бутун Уструшона учун этalon ёдгорлик хисобланади. Ваҳоланки, Истравшондаги Мугтепа (Ўратепа) ва бошқа шаҳар харобаси ёдгорликлари қатламларидаги сезиларли узилишлар кузатилади. (Рахимов, 2002, 105-106 бетлар).

А.А. Грицинанинг 1992 йилда рус тилида чоп қилинган “Сирдарё вилоятининг археологик ёдгорликлари” китобининг тарихий лавҳасида ҳам Ховос тилга олинган. Шу билан бирга ушбу китобда вилоят археологик ёдгорликларининг тўлиқ рўйхати эълон қилинган.

Маълумки, қадим ва ўрта асрлар даври тарихи бўйича ёзма ман-

балар маълумотлари кисқа ёки умуман бўлмаган ҳолларда археологик ёдгорликлар аниқ ва ишончли манба бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам археологик ёдгорликларни ҳисобга олиш тизими ҳозирда уларни сақлаш ва қўриқлашда муҳим масала бўлиб қолмоқда. Шундан келиб чиқиб муаллифлар вилоят археологик ёдгорликларининг ўзбек тилидаги рўйхатини китобга илова тарзида киритишни фойдадан холи бўлмайди деб ҳисоблайдилар. Аввалги археологик ёдгорликлар рўйхати 1985-1989-йилларда Сирдарё вилоятининг илгариги маъмурий чегаралари асосида тузилган. Мазкур рўйхат эса, янги маъмурий атамаларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча ва тузатишлар билан қайта тузилган. Яна айнан мазкур рўйхатдан олдин археологик ёдгорликлар тўғрисида тасаввури кам ёки умуман бўлмаган ўқувчилар учун “Археологик ёдгорликлар хақида сўз” боби жой олган. Кимки, шу хилдаги ўқувчи бўлса, китобни айнан шу бобдан бошлаб ўқишини тавсия этган бўлар эдик. Шунда кўплаб сахифалар мазмуни янада аникроқ намоён бўлади.

Муаллифлар археологик қазишишмаларни ташкил этиш ва ўтказиша қатнашган ва китобни нашрига ҳисса қўшган барча инсонларга ўзларининг чуқур миннатдорчилигини билдирадилар. Аввало, Ховос қазишишмаларининг биринчи иштирокчилари, ҳамда Б. Абдулгазиева, Г.И. Богомолов, К. Рахимов, маҳаллий тарихчи йўлкашунос Б.Х. Азимовларга ўз миннатдорчиликларини изхор этадилар. Китобда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г.И. Улько ва мусаввир Т.А. Грицина расмларидан фойдаланилди. Муаллифлар китоб муҳаррири Ю.Ф. Буряков, тақризчилари Б.Х. Матбобоев ва Б. Тўйчибоевларга амалга оширган таҳририй ишлари учун алоҳида миннатдорчилик билдирадилар

ХОВОС ЙИЛНОМАЛАРИ САҲИФАЛАРИ

Ховос Уструшона манзилгохларидан бири бўлиб, у амалда барча IX-X асрлар йўл йўрикномаларида Сўғдан Уструшона орқали Чоч, Хўжанд, Фарғонага бориш ва қайтиш йўли манзили тарзида эслатилиди (Хордадбех, 1986, 64-б.; Истаҳрий, 1973, 21-б.; Волин, 1959, 205-216-бб.; Грицина, Пардаев, 1990, 177-179 бб.; Буряков, Грицина, 2002, 89-91-бб.). Ўз вақтида “Ховос йўли” ва “Бенакент йўллари” ҳам баравар машҳур бўлиб, бир бири билан мустаҳкам боғлиқ бўлганлар.

В.В. Бартольднинг таъкидлашича, Чирчиқ воҳасида (Тошкент вилояти) икки йўл: бири Ховосдан ва иккинчиси Дизакдан борган (Бартольд, 1963, 227-б.). Худди шундай Ховоснинг ўзидан ҳам икки йўл: бири анчайин кисқа, Мирзачўл орқали, ҳозирда Хушкет шахри деб талқин қилинаётган Сирдарё вилоятидаги Нурота шаҳар харобалари бўлса, бошқаси узокроқ ва хавфсиз Сирдарёнинг ўнг



Эски Ховос арки

киргоги бўйлаб борган (Грицина, 2000, 214-223-бб.). Бундан ташқари, Ховосга вилоят маркази Бунжикат шаҳридан Уструшонанинг бошқа йирик шаҳри Сабот орқали ҳам йўл бўлган. “Катта йўл” жануброкдан Сабот орқали ўтган бўлишига қарамай, савдо карвонлари одатда Хўжанд ва Фарғонага Ховос ва Фурқат орқали боришини қулай деб билганлар (Бетгер, 1957, 21-б.). Ховоснинг аҳамияти, унинг стратегик қулийлиги, бир томонда ғарбдан шарққа ва шимолдан жанубга Бунжикат орқали Бактрияга ўтган қадимий муҳим савдо ва ҳарбий йўналишлар чорраҳасида бўғанлигидадир (Неъматов, 1957, ҳаритага қаранг, 1-расм).

Шундай қилиб, милоддан олдинги IV асрнинг иккинчи ярмидан то XIX асргача қадар Ховос қадим Фарғона, Чоч ва Сўғдда савдо ва ҳарбий ҳаракатлар йўналишлари чорраҳасидаги қулай ва муҳим манзил вазифасини бажарган (Грицина, Иваницкий, Рахимов, 2004, 61-64-бб.; Грицина, Матбоев, 2004, 48-51-бб.).

Йилномалардаги савдо ва ҳарбий йўллари эсталикларида Ховос савдо йўли чорраҳасидаги манзилгоҳ сифатида кўплаб келтирилса-



З-қазишма. Ховоснинг энг қадимги деворлари



З-қазиши жараёни

да, аммо бевосита шаҳар тўғрисида маълумотлар йўқ.

Аммо ҳамма нарса тартиби билан...

Бевосита Ховос тўғрисидаги ёзма манбалар маълумотлари IX асрга тўғри келади. Ибн Хордадбех ўзининг машхур “Йўллар ва мамлакатлар” асарининг алоҳида “Зоминдан Фарғонага йўл” бобида “Зоминдан Ховосгача 7 фарсоҳ ва Ховосдан “Шош дарёси” соҳилларигача 9 фарсоҳ деб кўрсатади. Сўнгра кўприк орқали Бенакетга ўтилади (Хордадбех, 1986, 64-б.). Кудама (Х асрнинг биринчи ярми) маълумотлари бўйича Зоминдан Ховосгача 6 фарсоҳ йўл бўлса, “... Ховосдан Шош дарёси (Сирдарё) кечувигача 5 фарсоҳ. Бу кечувдан Бенакетгача 4 фарсоҳ (Буряков, 1975, 13-б.; Хордадбех, 1986, 177-б.). Ибн Руста (Х асрнинг биринчи ярми) бўйича Зоминдан Ховосгача бир кунлик йўл (Волин, 1959, 342-б.). Ал-Истархий (Х аср) бўйича эса, “Зоминдан Ховос йўли орқали Фарғона йўлидан чапга Курқатгача 13 фарсоҳ” (Истархий, 1978, 21-б.). “Кимки Ховос орқали Зоминдан Хўжандга бормоқчи бўлса, у Курқат орқали ўтади” деб Ибн Хавкал (Х аср) маълумот беради (Бетгер, 1957, 21-б.).



З-қазишма. Эллин даври ғиштлари. Мил. авв. III аср

XI аср бошларида Ховос Сомонийлар сулоласининг сўнгги вакили Мунтасир (Абу Иброҳим Исмоил ибн Нуҳ) ва қорахоний илоқи ўртасидаги жанг тафсилотларида тилга олинади (Ғафуров, 1972, 388-б.). Ёқутнинг (XIII аср) маълумоти бўйича, “Ховос – бу Уструшонадаги қишлоқ” (Хордадбех, 1986, 177-б. Изоҳга қаранг). Ас-Сомоний (XII аср) қишлоқ номи ёзилишининг *Хавус* шаклини келтиради (Камолиддинов, 1993, 99-б). Кейинги манбаларда юқоридаги маълумотлар кам тўлдирилади. Абул-Фид (XIV аср) Ибн Хордадбек маълумотларини “Ховосдан Хускатгача дашт бўйлаб 7 фарсоч” деб тўлдиради.

Амир Темур ҳаётлигига ёзилган Низомиддин Шомийнинг машхур “Зафарнома” асарида ҳам Ховос тилга олинади. Жумладан, унинг маълумотига кўра, Амир Темурнинг ўzlари ҳам Ховосда бўлганлар. 1367-1368 йилларда амир Ҳусайн ва Амир Темур ўрталарида бўлган кўплаб тўқнашувлардан бири бўлиб ўтади. Бу жангда Соҳибқирон кўшинлари ўз харакатини Ховосдан бошлаб, рақибининг сон жиҳатдан ниҳоятда устун бўлган кўшинини торморм қиласи (Шомий, 1996, 69-б.). Бу воқеа тафсилотларига қуйида

яна қайтамиз.

Ховосни қишлоқ тарзидә бир неча бор Бобир Мирзо (XVI аср) тилга олади. Жумладан, унинг маъумоти бўйича, “Умар шайх Султон Аҳмад Мирзо билан Шоҳрухия ва Ўратепа оралиғидаги Ховос қишлоғидаги жангда мағлуб бўлган (Бобир Мирзо, 1993, 34-35-бб.).

XV асрнинг иккинчи ярмида Ховосда машхур шоир Абдураҳмон Жомий ҳазратлари ва машхур сўфий Хожа Аҳрори Вали бўлганлар (Воҳид Абдулло ва Ботурхон Валихўжаев, 1969, 235-б.). Ховос ҳақидаги сўнги хотиралар Аҳмад Донишнинг “Бухородан Петербургга саёҳат” китобининг Бухоро амири Музаффарнинг Сирдарё соҳилларида руслардан енгилиб қочганлиги ҳақидаги бобида келтирилади. “Амир Музаффар руслардан енгилиб қочганида ҳаттоқи, отдан тушмай бўшангандиги айтилган. Кечкурун у Ховос қишлоғида тўхтаб, 200 минг кишилик қўшинни уйларга жойлаштиради (Дониш, 1976).

Яна Сирдарё вилояти тарихи ҳақидаги бир китобга эътибор бериш мумкин. Унда Ховос номининг келиб чиқиши тўғрисидаги маълум афсона келтирилади. Сурат тагидаги изоҳда *Ховос IX асрда*



Раскоп 4. Помещение 11-12 вв.

деб ёзилган (Примкул Дўст Муҳаммад, 2002, 55-б.) Амалда эса суратда Сурхондарё вилоятидаги XIX асрга оид Шеробод беклик кўргони акс эттирилган (Аршавская, Ртвеладзе, Ҳакимов, 1982, 46-47-бб.), бу билан муаллиф беихтиёр ўқувчиларни чалкаштиради. Аммо, маҳаллий қарияларнинг маълумотлари асосида биз Ховосни “дастлабки” кўринишини тасвур қилишимиз мумкин. Қалъа ба-ланд пахса девор ва сув тўлдирилган чукур хандаклар билан ўраб олинган. Зомин қалъасидаги сингари унинг буржларида тўплар бўлганми ёки йўқми билмаймиз. Ҳар қалай, русларнинг ҳарбий йилномалари ва тадқиқотчиларнинг асарларида Ховос эслатилмайди ва унинг мақоми анча паст бўлганлигини кўрсатилади. Ховосликлар Самарқанд тарихида маълум ўрин тутишган. XVIII аср бошлирида ўзаро ички урушлар натижасида Самарқанд вайрон қилинади ва уни аҳолиси ташлаб кетади. “Мовароуннаҳрда очарчилик бошланди... Ҳамма жойда, одамлар ўз жойларини ташлаб, ҳар томон тарқаб кетдилар. Самарқанд шаҳри “даштга” ўхшаб қолди” – деб ёзган эди, Муҳаммад Ёқуб Бухорий (Абрамов, Пугаченкова, 1969, 264-265-бб.). XVIII асрдаги Самарқандда одамларни оммавий



Современное русло Шурбулаксая

жойлашишида бошқа уструшоналиклар қатори ховосликлар ҳам фаол қатнашдилар. Улар шаҳарнинг шимолидаги Ҳайдаробод қисмida ўз гузарларини ташкил этдилар. Гузар икки: Ховоси якум ва Ховоси дуввум қисмларига бўлиниб, шимолда Юсуфбой, шарқда Минори каж ва Бибихоним масжиди билан, жануби-гарбда эса Пастқишлоқ (Маховхона) билан чегарадош эди. Гузар худудида икки масжид – Масжиди Бологузар ва Пастгузар, мактаб, мадраса, беш мозор ва карvonсарой бор эди (Абрамов, 1989, 35-36-бб.). Ховос тарихи бўйича маълумотлар ҳозирги замон нашрларида ҳам учрайди. Аммо улардаги қадим ва ўрта асрлар даври бўйича маълумотлар ноаниқ ва асосан XX асрнинг иккинчи ярмидаги воқеалари акс эттирилган (Турдикулов, 1996; Пиримқул Дўст Мухаммад, 2002, 55-б.). Ховос тарихи бўйича ёзма манбалар маълумотларини такрорлашдан чўчимасдан шуларни тилга олиш мумкин. Улар ниҳоятда тор ва қиска парчалардан иборат бўлсада, археологик маълумотлар билан биргаликда Ховос ва умуман Уструшона тарихини тиклашга ёрдам беради.

АФСОНАВИЙ ХОВОС

1988 йил, биз ховослик оқсоқол Махмараимбобо Ҳожибоев (1903 йилда туғилған) уйида меҳмондамиз. Бир пиёла кўк чой устидаги унинг сокин ҳикоясини тинглаймиз. Унинг айтганларига ҳеч нарса қўшмасдан, ҳатто жуъзий таҳрирларсиз келтиришни лозим кўрдик. Ким билади, балки тўсатдан айтилган сўз ҳам ўша тарихий воқеаларни тушунишга асос бўлиши мумкиндир.

Мана у афсона: Мухаммаднинг Исмоил исмли отадоши бўлган (Исмоилнинг отаси Истроил) Исмоил Мухаммаддан овга чикишга рухсат сўраган. У рухсат беради. Улар йўлда Ругунд қишлоғида тўхтайдилар. У ерда коғирлар билан ҳарбий тўқанашув юз беради. Коғирлар Исмоилни ўлдиришади. Бир куни Ҳазрати Али Шер Худо Мухаммаддан “Исмоил кетди ва йўқолди. Келинглар уни кидирамиз” деб сўрайди. У (Ҳазрати Али Шер Худо) 18 ўғли билан биргалиқда тўғри ов қилинган жой - Қаҳқа шоҳ бошқарган Шаҳристонга келадилар. Улар кечки пайт етиб келишди. Ҳазрат ўғилларига чодир қуришни буюриб, эртага шоҳ хузурига борамиз деди. Улар чодир қура бошлади аммо уларга катта тош халақит берар эди. Ўғли Ҳусан бу ҳақда отасига айтди. Шунда Ҳазрат тош билан ўзи шуғулланишини айтди. “Менинг билишимча Қорасақолда (Шаҳристон) шундай ҳавода муаллақ турадиган тош бор (маълумотчи ҳам уни кўргандай бўлган). Ҳазрат у тошни оёқлари билан итариб, сўнгра кучоқлаб осмонга, Қорасоқол томонга улоқтириди тош эса ҳавода муллақ қолди. Шундан сўнг улар ухлашга ётдилар, эрталаб эса Ҳазрат ўғиллари билан, карнай садоллари садоси остида шаҳарга (Шаҳристон) кириб, шоҳга мурожаат қилдилар. “Биз дорбозлармиз, ҳалкни тўпланг биз сизларга томоша кўрсатамиз “Қаҳқа ҳалойиқни йигди, Ҳазрат эса дор тортди. Томоша кўрсатишдан олдин улар “Лангар чўпини кўй пиrim Али Шери Худо” дедилар (хозир ҳам дарбозлар шундай дейдилар). Ниҳоят навбат курашга келди. Қаҳқа “Менинг полвоним бор, у ҳар куни қиркта кўй ейди” деди. Ҳакиқатдан ҳам полвон бақувват жуссали эди. Кураш бошланди. Ҳазрат Ҳасанга “Полвон билан кураш” деб айтди. Кураш бошланди, “Ҳасан уни қўлидан тутиб кўкка улоқтиради. У дарахтта урилиб парча-парча бўлиб кетди. Қаҳқа шоҳ ҳайратда қолиб, Ҳазратни ўлдирмоқчи бўлди. У қиличини

олиб уруша бошлади. Ҳазратда пайдо бўлган қилич шохни иккига бўлиб ташлади. Ўғиллар ҳам уруша бошладилар. Уруш шундай шиддатли кечар эдики, ҳатто ариқлардан қон оқа бошлади. Сўнгра шох Қаҳқанинг қасрига бориб, халқдан Исломил тўғрисида сўрадилар. Одамлар “Ругунд қишлоғида мозор бор” дедилар. Ҳазрат мозорга бориб унга сагана қурди. У ердаги тепаликни сагана кургунча кўриқлаш зарур эди. Беш қадам бир томонга ва беш қадам иккинчи томонга. “Исломил қаердан? Исломилнинг қариндошлари Ўратепаданми”? Улар отга минишди. От боғланадиган қозикдан “шошилманглар, шошилманглар” деган овоз эшитилди. Улар Исломил дафн қилинган жойга қозик қоқдилар ва дараҳтга айланди (бу дараҳт ҳозир ҳам бор). Ўратепага етмасдан бир тепалик бор, шу ерда Исломил кўмилган. Ўратепа ҳам мусулмонлар шаҳрига айланди. Ҳазрат яна Ховосга қайтди Қаҳқа шохининг қизи Ҳавас Ховосда яшар эди. Шунинг учун ҳам шох Қаҳқа Шахристондан Ховосгача қизи учун канал қаздири.

“Ховос шаҳрига Фарғона шохи Худоёрхон асос солган. Душман босқинидан ҳимоя қилиш учун шаҳар баландлиги 10-12 м деворлар билан ўраб олинган. Шаҳарда қабристон шоҳ Қаҳкава (?) даврида пайдо бўлади, яна бошқа қабристон ҳам бўлган.

Хар душанба ва жума кунлари тунда муқаддас дараҳтзордан товуш эшитилар эди.

Ховосда яшаган лагин ўзбеклари (?), қўшканда, карапчилар кетгандар. Улар ховосликларга уйланмаган бегоналарга ер ва сув бермас эдилар. Эски Ховосни Гумтепа (“соқов тепа”) деб ҳам юритишарди. Бизнинг даврда 800 хонадон Ховос қальъасида яшар эдилар. Ширбулоқсойдан 4 канал чиқарилиб, уларда 3 тегирмон бор эди.

Бизга 1930 йилда туғилган Гайбулло Қорабоевич Қодиров ота ва бобосидан эшиитган қуйидаги маълумотларни етказди. Шахристонда шоҳ Қаҳқа бўлиб, у бу жойларда ов қилган. Шоҳнинг Ҳавасхон исмли қизи бўлган. Улар бу ерда тўхтаб ўтадилар, эртасига қизи кучли бош оғриғидан фориғ бўлади ва шоҳ қизининг шарафига қишлоқ номини “Ховос” деб атаган. Қизи учун у Шахристондан канал қазиб келишни буюрган (каналдан 1812 йилгача фойдаланганлар).

Бу ерга Темур илк баҳор кезларида бўлган ва “ҳавас қилса арзийдиган” жой экан дейди. У Ховос чўлини қариндошларига бўлиб

берган ва қалъа қурилишини бошлаган. Бажабур саркарданинг на-
биралари Сайд ва Саъайдлар шу ерда халок бўлганлар (ўзларини
курбон қилганлар). Саркарда бошқа дин вакилларини ҳимоя
қилган. Ўзи диний қудратга эга бўлмаган.

Бир вактлар бу ерларда порсиёнлар (эронийлар) яшаганлар.
Улар ўзларини занжирлар билан урганлар. Ховосда 7 маҳалла ва 7
муқаддас жой бўлган:

Шона тарош маҳалласи (тароқчилар)

Равот маҳалласи

Кўкча маҳалласи

Фаркод маҳалласи


Калла (қалъа) маҳалласи

Шайдо маҳалласи

Боло маҳалласи

Авлоддан авлодга ўтиб келаётган мана бу маълумотларни (Е.Л.
Усманова кундаликлари) биз одамлардан олдик. Қуйидаги воқеа бу
маълумотларга жиддий мунособатда бўлишни тақазо қиласди.

XIII аср бошларидағи муғуллар босқини қандай талофатлар кел-
тирғанлиги маълум, Яқиндагина гуллаб яшнаган гавжум савдо
йўлида жойлашган Ўрта Осиё шаҳарлари харобазорга айланади.
Мўғуллар томонидан Уструшонани босиб олиниши тафсилотлари
тўғрисида ёзма ман-
балар маълумотлари
сақланмаган. Бу
ҳақда археология ёд-
горликларидан
ёркин маълумотлар
олиш мумкин. Бу
босқиннинг энг
аянчли оқибати йи-
рик аҳоли пунктлари
маданий ва савдо
марказлари
қаторидан чиқариб
ташланди. Арки
аъло (ўрта аср
хукмдорлари




Амир Темур даври сопол идиши

кароргохи) яқинида яшовчи Зомин аҳли, баъзан бир-бiri устига тартибсиз ташланган одам сүякларига ҳозиргача дуч келадилар. Бу эса Мовороуннахрнинг йирик шахри шунчалик вайрон қилинганинг кўсатади, халқи эса бутунлай қириб ташланган. Ҳатто ўликларни кўмадиган одам ҳам қолмаган.

Кулга айланган кўплаб шаҳарлар бошқа тикланмадилар ва илгариги мавқеини бутунлай ўйқотдилар. Амир Темур давлати тарихига оид ёзма манбаларда баъзи бир қишлоқ ва жой номларини ҳисобга олмагандা, Уструшона ва унинг йирик манзилгоҳлари амалда учратилмайди.

Аммо бу узоқ ўтмиш воқеалари халқимиз хотирасидан ўчмайди. Бу хотира тарихий йилномалар маълумотлари билан биргаликда баъзи воқеликларни ишонарли тиклаб бериши мумкин.

1995 йил ёзида археологик қидибувлар чоғида Жиззахнинг 15 км жануби-ғарбида, Иттифоқ ва Тигирик қишлоқлари яқинида Кўшинтепа (кўшин маъносида) номи билан маълум бўлган жойни кузатар эканмиз, бу ерда эътиборга арзирли бирор нарсани кўрмадик. Ҳеч қандай археологик ёдгорлик бўлмаган бийдай дашт, аммо унинг номи бизни ҳайратта солди, “тепа” деб, одатда эски иншоотлар қолдиқларини саклаган баландликка айтилади. Бу ер эса бийдай дашт... Иссиқдан сақланиб, чўпон чайласида чой ичиб турганимизда, қачонлардир, бу ерда Соҳибқирон кўшинлари тўхтаганлиги тўғрисидаги афсонани эшилдики.



XIX аср оид сопол коса

- Нега айнан Амир Темур кўшинлари? Ундан машхурликда кам бўлмаган Шайбоний хукмдори Абдуллахон ёхуд Искандар Зулқарнайин эмас?

- Ҳамма шундай дейди. Тўғриси, бу афсона унчалик таъсурот қолдирмади, ишончли ҳам эмас. Рости, ҳатто энг афсонавий маълумотларда ҳам тариқча

ҳакиқат бўлиши табиий. Бунга муаллифлардан бири (А.Г.) ярим йил кейин Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”сини ўқиб, ишонч ҳосил қиласди. Асарнинг қимматли томони шундаки, у 1404 йилда Соҳибқироннинг ҳайётлигига ёзилган. Яна Низомиддин Шомий бошқа манбаларда бўлмаган жуда кўп маълумотларни икирчиликларигача кўрсатади. Жумладан, у Амир Темурнинг Уструшона худудларида 1367-1368 йиллар Қазаганхон невараси амир Хусайн (1346-1358 йиллар) билан урушларидан бирини тасвирлайди.

Академик В.В. Бартольднинг таъкидлашича, Амир Темур учун оғир вактлар бўлган эди. 1366 ва 1370 йилларда Амир Темур Ҳусайнга қарши уруш ҳолатида бўлса, бир вактлар унинг душманлари билан яқинлашиб, ўз иттифоқчиларига қарши курашиб юрди. Шомий маълумотлари бўйича, 1366 йилда навбатдаги келишмовчиликлар чоғида Амир Темур Ҳисор ҳокими амир Кайхусрав билан яқинлашади. Тошкентдан икки минг мўғул аскарлари билан келган Кайхусрав Амир Темурга қўшилади. Бу вактда Амир Темур Ховосда эди (Амир Темурнинг Ховосда бўлиши тўғрисидаги Файбулла Қарбоевич Кодировнинг ҳикоясини эсланг!). Халқ хотирасида заррача бўлсада, ёзма манбалар маълумотлари билан тасдиқланадиган ҳакиқат сақланмоқда).

Ҳусайнинг мақсади нихоятда жиддий эди: у ўзининг Амир Темурдан анча устун Мусо, Шайх Мухаммад, Ўлжойту, Жаҳоншоҳ ва бошқа энг яхши саркардалари бошчилигига сон жиҳатдан анча катта қўшинларини Амир Темурга қарши юборади. Бу қўшин Самарқанддан Жиззахгача бўлган худудларни босиб олади. Шомийнинг айтишича, Амир Темур Кайхусрав билан келишиб, Оллоҳ мададига таяниб, 500 суворий билан ўз услуги бўйича, Ховосдан чиқиб, тўсатдан Жаҳоншоҳ қўшинига ҳужум қиласди уни тарқатиб юборади. Ҳусайн сакардалари бу Амир Темурнинг авангард қўшини, асосий кучлар ҳали орқада деб ўйлаб, тум-тарақай қочадилар. Қўшин шу куни ёки Жиззахга етиб келади.

Воқеалар таҳлили шуни кўрсатадики, бу жанг Жиззах ва Ховос оралигига бўлган. Мирзачўлнинг кенг ерлари эса, йирик суворий жанглари учун жуда қуллай эди. Бу борада XI аср бошларидаги сўнгги самоний Мунтасирнинг Қораҳоний илокига қарши кураши ёки Қораҳонийлар ҳукмдори Қилич Томғачхонга (XII аср) қарши курашиб, Мовороунахрда вактинча ҳокимятни қўлга олган исёнчи

харбий саркарда Айёрбекнинг жангларини эслаш кифоядир.

Шундай килиб, халқ хотирасидаги Қўшинтепа афсонаси юқорида эслатилган урушнинг қаерда бўлиб ўтганини аниқлашда ёрдам бериб, маълум муддат Амир Темур қўшинларининг бу ерда турғанлигини кўрсатиб беради (Gritcina, 2001, р. 15-16).


ДАЛИЛЛАР ИЗЛАБ...

Ховос тарихи тўғрисида янги фактлар ёки археологлар таъбирича, артефактлар излаб, 1988 йил баҳорида йўлга чиқдик. Қачонлардан ўзига чорлаётган ўта тик аммо, вақт деярли емириб бўлган шаҳар харобаларига ҳаяжон билан кўтарилимиз. Вақт таъсирида чангга айланган қор сингари гижирлаётган ерга оёқ ботиб кетади. Кучли шамол таъсирида ўсимликлар ночор эгилади...

Шаҳар харобалари четида ташландиқ дараҳтзор ичидаги маҳаллий авлиёнинг қаровсиз мозори жойлашган. Қуриб синган дараҳтлар орасида экспедиция чодиримизни ўрнатамиз. Бизга ким ҳам эътибор берар эди. Аммо ишнинг учинчи куниёқ болалар маҳаллий «авлиё»нинг ташаббуси билан бизнинг чодиримизни тошбўрон қила бошладилар. Аҳоли ўртасида мазкур харобаларни кимки, ковласа, у бахсизликка дучор бўлади деган ақида ҳукмрон эди. Биз шаҳар харобаларининг арки аълоси устига кўчишга мажбур бўлдик. Бу ернинг кучли шамоли бўлиб, чодир қуриб бўлмас эди. Шу сабали қурилиши туталланмаган, ташландиқ чойхонага жойлашдик. Кейинрок маҳаллий мактабнинг тарих ўқитувчиси Боймурод aka Азимов бизга уйидан жой бериб, қазишма ишларимизни ташкил қилишда катта ёрдам берди.


Шаҳар харобаларини бўлажак қазишмалар манзилини танлаш мақсадида айланамиз. Бутун худуд кейинги қурилишлар оқибатида бузиб ташланган. “Ғўзапоя” қабристонининг жануби-шарқий қисмида харобаларнинг учдан бир қисмини эгаллаган катта хандак бўлиб, у ўтган асрнинг 70 йилларида Ховос Ўратепа йўли қурилиши оқибатида пайдо бўлган. Ҳамма томондан тупроқ уюлган, қиялик бўйлаб йўл ўтказилган. Амалда харобалар бағрининг тегилмаган қисми қолмаган. Маълумки, 1946 йилгача баъзи манбалар бўйича эса, 1953 йилгача мазкур харобалар устида аҳоли яшаган. Бу бизни ташвишга солар эди, чунки, харобалардаги бино ва иншоотлар қолдиқлари кейинги қурилишлар жараёнида бутунлай бузиб юборилган бўлиши мумкин эди. Ҳар қалай харобалар уч қисмдан: шимоли-ғарбдаги маҳобатли арки аъло ва унга туташ деворлар билан ажратилган иккى худуддан ташкил топган эди. Археологлар бу қисмларни маъмурий марказ жойлашган арки аълодан фарқли уй-жойлар жойлашган шаҳристон деб атайдилар. Ёдгорлик

устидан йўлимиизда учраган сопол ва шиша идиш синиклари, ҳар хил тош, темир ва жез буюмлар, мунчоклар териб оламиз. Шу билан бирга кўплаб X-XX асрларга оид тангалар топилди. Сўнгроқ бу тангалар Ўрта Осиё тангашунослиги бўйича машхур олим, тарих



Эски Ховос шаҳар харобасининг режаси

фанлари доктори Б.Д. Кочнев томонидан жиддий ўрганилди. Барча тангалар ҳам яхши сақланмаган бўлсада, уларнинг муомалада бўлган вақти ва жуғрофий тарқалиши ховосликларнинг ниҳоятда кенг алоқаларини кўрсатиб турар эди. Улар орасида Сомонийлар, Қорахонийлар, Чигатойлар, Темурийлар ва Мангитлар тангалари мавжуд эди. Тангалар Балх, Бухоро ва Самарқандда зарб қилинган эди. Кулолчилик ва чилангарлик маҳсулотлари қолдиқлари тупроқ тошқоллар ва темир руда бўлаклари тарзида учраши, мазкур худудда хунарманчилик ҳам равнак топғанлигидан далолат берар эди. Бу топилмалар, археологлар таъбири билан айтганда ноёб топилмалар ёдгорлик тўғрисида илк маълумот бериб, чодиримз олдидағи дала музейидан жой олди. Ҳақиқатдан ҳам нисбатан кейинги XVII-XIX аср сополлари орасида шайбонийлар, темурийлар, қорахонийлар ва сомонийлар идиш парчалари ҳам бор эди. Баъзи бир топилмалар харобаларнинг арабларгача бўлган даврларидан маълумот бериши мумкин. Бизни ростмана кувонтирган топилма - паймона бўлди. Бу қадаҳ-паймона узоқ асрлар давомида юнонлар анъаналари асосида тайёрланиб келинган. Мазкур топилма аниқ



Фарғона водийсининг Эйлатон маданияти идишларини эслатувчи кулолчилик буюмлари ۲ Мил. авв. IV-III асрлар



Мил. авв. II-I асрлар сопол идиш парчалари

милодгача I ва милодий I асрлар билан саналаниши мумкин!

Шундай қилиб, қазищмаларни бошламасдан ёдгорлик түғрисида илк тасаввурга эга бўлдик. Юқоридаги топилмалар эса бизни тезроқ қазищма ўрнини аниқлаш ва изланишларга киришишга ундар эди. Бу манзилни арки аъло яқинидан танладик. Мазкур қазищмалардан асосий мақсадимиз, аввало, жой стратиграфиясини аниқлаш ва ўрта аср шаҳарсозлигининг асосий белгиларидан бири, унинг мудофаа деворларини очишдан иборатdir.

Энди бу сирли ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаган “стратиграфия” ибораси ҳакида тушунча бериш вакти келди. Унинг ярими лотинчадан “қатлам”, “тўшама” ва қолгани грекчадан “ёзаман” деб таржима қилинади. Ибора археологияга, мумкин, геологиядан кириб келган бўлиб, стратиграфия геологиянинг бир қисми хисобланади. У тоғ минераллари катламларининг бир-бирларига муносабатлари ва геологик санаси муаммоларини ўрганади (Жуғрофий сўзларнинг энциклопедик лугати, 1968, 360-б.). Страгиграфия археологияга татбиқ қилинса, ёдгорликлардаги маданий қатламларини кетма-кетлигини ўрганиш тушунчасини беради. Бунда ҳар қатламдаги барча топилмалар: меъморчилик иншотлари қолдиқлари, ўчоклар, пол саҳнлари, сопол, ҳайвон суюклар ва тангалар синчиклаб ўрганилади. Уларнинг жойлашиш ҳолатлари

ва бошқалар аникланади. Бунинг ўзи хам бутун бир фан. Фан бўлганда хам жуда жиддий, маълум вақт давомида тўпланган қатламлар бўйича ноёб маълумотлар берадиган фан. Шу билан бирга бу стратиграфия ёдгорлик санасини анчайин аниқ кўрсатиб беради. Қадим даврлар учун, хусусан, Ховос мисолида археологик топилмалар ягона бўлиб ҳисобланади.

Кишлок ва шаҳар харобаларида маданий қатламлар йиллар мобайнида пайдо бўлишини, бу ўринда қадимиyroқлари пастда ва кейингилари юқорида жойлашишларини ўқувчи тушуниб олаётган бўлса керак. Шунинг учун ҳам текис жойларда баландлиги ўн ва ундан юқори метр ва инсон қўли билан бунёд қилинган тепаликлар пайдо бўлади. Эски Ховос шаҳар харобаларининг баландлиги ҳозирда 15 метрга чўзилган. Шунинг учун ҳам маданий қатламни ўрганиш дикқат, эътибор ва юқори малака талаб қилинадиган мураккаб меҳнат ҳисобланади. Ҳар бир топилма, тўғри қайд қилинмаса, ўз қийматини йўқотади.

Қазишима ишларини бошлаб, белкурак билан оҳиста пастга туша бошлаймиз. Бир метр, икки, уч... Тўққиз метр чуқурликда қазишималарни тўхтатамиз, экспедициянинг иш муддати тугайди.

Иккинчи қазишимада ишларни археолог Валерий Иванович Набоков бошқаради. Иккинчи қазишималар нисбатан кичикроқ бўлиб, шаҳар харобаларининг жануби-шарқий қисмидаги котлован кесмасида кўйилган. Бу қазишималардан мақсад биринчидан тезроқ ва кам харажат билан тин ерга (материк қатлам) етиш эди. Айнан шу қатлам энг қадимги қатлам ҳисобланиб, биринчи ховосликлар излари бўлади. Улар орқали Ховоснинг ёшини аниқлаш мумкин. Яна илк қатламлар орқали Ховос худуди ва тарихий даврлари аникланади. Иккинчи қазишималари биз кутганимиздек, ай-



III-V асрлар сопол вазаси

нан биринчи манзил қатламлари жойлашишини такрорлади. Иккинчи қазишмада янада чуурроқ тушиш имкони бор эди. Иш охирида бизни тасвур қилинганды, амма кутилмаган аянчли нюхөя кутар эди. Бу 10 метрдан чиққан сизот сувлари эди. Бу эндигина энг күйи қатламдан қадим Уструшона буюмлари билан бирга, хақикий юононлар анъана-сидаги идишлар чиқа бошлаган вақтда содир бўлди.

Дастлаб сув, камрок бўлиб, тупрок корилаётган лойдек намланиб борди. Бу бизга Самарқандда уй қурилишидаги асрлар лойини яланг оёқ тепалашларни эслатди. Биздан фарқли ўлароқ, улар оёқ остига қарамайдилар. Минг йиллар меҳнати асрларга - археологлар рискига хизмат қиласди. Қазишмаларни тўхтатамиз, қолғанларини кейинги авлодларга ҳавола қиласми.

Аммо археологларнинг топилмаларга ўчилиги овчининг интиқ бўлиб узоқ кутган ўлжасига интилишига яқин бўлади. Қандай бўлмасин мақсадга интилдик. Валерий Иванович қатъият билан оёқ кийимини ечиб тиззасигача сувга тушади. “Қазиш услуби” ҳал бўлди. Дастлаб челаклаб сув олинади ва сўнгра қазиш давом эттирилади. Гўё сув ости археологияси сингари...

Барibir ўшандада асосий ниятимизга ета олмадик, узоқ кутилган ўлжа - сизот сувларида оқиб кетган эди. Экспедиция тугаётган ва биз кетишга ҳозирлик кўраётган эдик, Валерий Иванович, ҳазилсимон ёки ростмана қилиб, «биз ҳали биринчи, энг биринчи ховослик билан саломлашгани қайтамиз” деб такрорлар эди.

Аммо, бизга бу ажойиб шаҳар харобаларига қайтиш узоқ вақт насиб қилмади. Валерий Иванович Набоков эса 2000 йилда вафот этди.

Шундай килиб, баъзи бир натижаларни келтириб ўтамиш. Ҳар қалай милодгача I асрларда харобалар ўрнида манзилгоҳ бўлиб, у амалда харобаларнинг бутун 10 гектарлик худудини эгаллаган. У ўз даври хисоблари бўйича Буюк ипак йўлидаги шаҳар ёки йирик



Миниатюрный сосуд
3-5 в. н.э.

кишлоқ бўлган бу манзилгоҳ тўғрисида қуида яна тўхтalamиз. Бу ерда антик давр анъаналари асосида тўрт бурчак шаклидаги хом гиштлардан курилган деворлар, темир тошқоллар тарзида ги чилангарлик ва хумдонлар колдиқлари очилди. Қанчалар жозибали антик давр идишлиари! Булар барчаси шаҳар маданияти излари эди. Бор-йўги икки аср атрофида яшаган Зомин антик давридан фарқли равишида, манзилгоҳ анчайин узок фаолият кўрсатган. Ховосдаги маданий қатламлар жойлашиши антик даврнинг охиригача, милоднинг IV асрларигача кузатилади.

Ховосликларнинг сопол маҳсулотларига кайтадиган бўлсак, улар Сўфд ва Бактрия-Тоҳаристон идишларидан сира ҳам қолишимайди. Тўғри улар хиллари унчалик кўп эмас: қадаҳ-паймоналар, коса, кўза ва туваклар... Аммо оммавий ишлаб чиқариш хиллари кам бўлади (Орлов, 1962). Бу археологияда асосан кушонлар даврига тўғри келади.

Маълумки милоддан аввалги II асрларда Хитой манбаларидан маълум бўлишича, жангари кўчманчи юечжи (улуг жўжилар) уруғлари шимолдан Ўрта Осиё икки дарё оралиғига бостириб кириб, юонон-Бактрия подшолигини тор-мор қиласилар. Сўнгра Хитой Хан салтанати, Парфия ва Рим салтанатлари билан бирга Кушонлар тўртлигини ташкил қиласилар. Кушонлар маданиятининг таъсири узок шимолга Чоч, Уструшана ва Фарғонагача кузатилади. Кулолчилик ниҳоят даражада гуллаб яшнайди. Идишлар ҳажм ва шаклда юксакликка етади. Сопол идишларнинг асосий қисми кулол чархидаги маҳорат билан тайёрланган. Идишларда юқори сифат ва жарангдорлик мужассам эди. Сополлар лой маллатоб ва қизғиши рангда бўлиб, нозик идишлар тўқ ангобланган, аммо сайқаллаш одати



Тутатқидон III-V асрлар



Сопол михтар VI-VII асрлар

бўлмаган. Жом, коса ва тоғоралар орасида кул ранг лойдан тайёрланган идишлар салмоғи ошади. Мавжуд сопол мажмуда идишлар салмоғи ошади. Мавжуд сопол мажмуда идишлар салмоғи ошади. Кўнгириқсимон паймоналар ва уларга вазифаси яқин нозик оёкли қадаҳларнинг пайдо бўлиши кузатилади. Сўнгги күшонлар даври сополлари ўтган давр сополлари шаклининг такомиллашиши хосдир.

Идишлар ётиқрок ва айланароқ бўлиши кузатилади. Улар бўртма қолипда тайёрланган нақшлар билан безатилган. Қадаҳлар сони нисбатан камаяди (Некрасова, Пугаченкова, 1978, 146-158- бб.; Пидаев, 1987, 89-92-бб.). Юқорида эслатилган идишлар асосан Бактрия-Тохаристон на муналарига хос бўлсада, юон маданиятининг узок чеккаси бўлган Ховосга ҳам хослиги кузатилади. Бу табиий, мазкур кулолчилик анъаналари гавжум савдо йўли орқали ховослик кулоллар ҳаётий эҳтиёжларига ҳам етиб келади.

Илк ўрта асрларда (V-VIII асрлар) ҳам харобаларнинг барча худудида ҳаёт бўлади. Кулолчилик анъаналари унтилимай ўз оқимида ривожланади. Унда дастлаб Тошкент воҳасининг ковунчи маданиятининг кучли таъсири бўлса, кейинроқ сўғд маданияти таъсири кузатилади. Аммо кулолчиликнинг бу ўзига хос хусусиятлари алоҳида мавзу хисобланади. Қайд қилиш жоизки кейинги барча тарихий даврларда ҳатто XX асргacha ҳам Ховосда ҳаёт давом этган ва у худудий жиҳатдан қисқармаган. Шубҳасиз, бу Уструшона қишлоғи тарихий воқеаларга бой бўлиб, биз унинг ечимини топишмиз зарур. Уни босқинчилар неча бор йўқ қилмоқчи бўлдилар! Аммо у яна ўзининг бақувват елка-деворлари, том ва кул чангтўзонларини қоқиб тезда тикланар эди. Бу ерда, Мирзачўлнинг қоқ маркази, мухим савдо ва ҳарбий йўллар чорраҳасида у тинч савдогар, жангари кўчманчилар, маҳаллий шоҳлар ва узоқдан келган ишчиларга ҳам керак эди. Айнан Бенакет ёки Фарғона йўли эмас, Хо-



XI-XII асрлар сопол идиш парчалари

вос йўли деб ном берилиши ҳам таъсодиф бўлмаса керак. Шахар харобаларини тарк этар эканмиз, ишонар эдикки, маданий қатламлар ҳали давом этади ва биз албатта биринчи ховослик билан саломлашиш учун қайтиб келамиз.

Шахар харобаларидаги изланишларимизни 2003 йилдан яна тикладик. Биринчи навбатда биз қазишма ишларини биринчи стратиграфик манзилда давом эттиришга қарор килдик. Бу ерда сизот сувларига етгунча тин ерга етишимизга ишонар эдик. Чунки харобаларнинг бу қисми нисбатан баландроқ эди. Бунинг учун қазишманинг 15 йил давомида йигилган тупроклардан тозалашимиз зарур эди. Бу вазифа таникли археолог Игорь Дмитриевич Иванецкий зиммасига юкланди. Бошқа бир қазишма манзилини Валерий Иванович қазишмаси яқинидаги хандак олдида, ундан ўрта асрлар қатламларини ёнлаб антик даврга етиш мақсадида бошладик. Бу қазишмани “бошқариш” ёш археолог Комилжон Раҳимовга топширилди.

Айтиш зарурки, маблағ ва вақтнинг етишмаслиги сабабли биринчи вазифа бажарилмади. Биз ҳатто, 1989 йилдаги ўз қазишмаларимиз сатҳига ҳам ета олмадик. Аммо учинчи қазишмадаги натижалар кутганимиздан ҳам зиёд бўлди. Биз бирдан бақувват пахса девор қолдиқларини топдик. Девор бўйлаб бориб, бошқа деворга дуч келдик. У тўртбурча шаклидаги хом фиштлардан терилган эди. Агар бир ҳолат бўлмаганда бу бизни ғайрон қолдирмас эди, яъни қурувчилар таъбири билан айтганда, девор бир ярим фиштдан ёки бутун фишт ёнидан яна ярим фишт терилган эди. Бу антик давр шаҳарсозлигида камдан кам учрайдиган ҳолат эди. Эслашга ҳаракат қиласиз бу ҳолат яна қаерда учрайди? Ҳа, Самарқанд вилоятининг Челак шаҳри яқинидаги Кўктепа шаҳар харобаларида бутун бошли бир меъморий мажмуя айнан шу услубда қурилган. У милодгача III асрнинг биринчи ярми билан саналанади! Яна шундай тарздаги деворлар Самарқанднинг Афросиёб (Исомиддинов, Иваницкий, Ҳасанов, 2003, 74-б., 3-расм) ва ғарбий Эроннинг Гўдинтепа (Young, 1969, р. 132 pl. XIII) харобаларида ҳам қайд этилган ва



XIX аср сополлари

улар милодгача III асрлар билан саналанади. Шундай экан мазкур ғишт девор ҳам шу вақтга тұғри келади, зеро бу ерда то-пилган сопол идишлар ҳам шу санани тасдиқлыш мүмкін. Таъкидлаш жоизки, шакл ва ўлчамлари яқин бўлган қадимги Уструшона даври қишлоқ харобаси бўлган Сават яқинидаги Саганактепадаги деворлар ҳам милодгача III асрларга тұғри келади (Буряков, Грицина, 1989).

Шундай қилиб, Ховос ёшини икки асрга қадимилаштиришга мувоффақ бўлдик. Шунинг учун ҳам келгуси 2004 йил мавсумида қазишиша манзилини кенгайтиришига, янада пастроқ тушишга қарор қилдик. Сафларимиз кенгайди, учинчи қазишишмани Археология институтининг етакчи илмий ходими, тажрибали мутахассис Геннадий Игорьевич Богомолов бошқаради. У қазишишмани анча кенгайтириди ва чуқурлаштириди. Натижада шахар харобаларининг бу худуди ўзлаштирилишининг мураккаб манзараси кўзга ташланади. Геннадий Игорьевич хulosаларига назар ташлаймиз: «Эски Ховос харобаларинг пастак шарқий томони (З-қазишиша) худудда кўп босқичли ва узлуксиз ҳаёт бўлганлигини кўрсатмоқда. Афсуски, қазишиша майдонининг камлиги жойнинг тўла таҳрини аниқлаш имконини бермади, аммо стратиграфик кузатувлар бу ерда кенг ҳовлили маҳобатли иншоотлар қолдиқлари мавжудлигидан далолат бермоқда. Бу ерда тўрта курилиш босқичлари аниқланмоқда. Бу анча кийин бўлсада, харобаларнинг бу қисми узоқ даврлар мобайнида изчил ривожланиб келганлиги маълум бўлмоқда». Унинг фикрича, бу ерда саккиз аср давомида,



XIX аср охири XX аср бошларида
ясалган мисс кумғон

яъни милодгача IV асрдан милодий IV асригача ҳаёт узлуксиз да-вом этган. Бир қараганда ҳеч қандай янгилик йўқдай, бу ўтган мав-сум натижалари эди, янги топилмалар эса манзаранинг янги тасдиғи эди, холос. Аммо, ҳамма гап шундаки, Геннадий Игорьевич энг пастки курилиш давридаги ғишт деворлар ёнидан бир неча бўлак қадимги Уструшона даври сополи намуналарини топиш им-кониятига эга бўлди. Бу намуналар на факат Ховосда, балки бутун Уструшонада ҳам учратилмаган эди.

Бу қандай сопол бўлаклари эди? Кулол чархисиз, кўлда ясалган коса ёки жом парчасининг юқори қисми бўлиб, жуда пухта ишланган. Идиш лойи яхши эланган. Ички ва ташқи томонлари яхшилаб силлиқланган. Кўндаланг ва тик оққан ангоб чизиқлари идишга ҳашамни бериб туради. Хўш нега кулол ангобни айнан оқириб нақш берди? Мўйқаламлар билан тўғри чизиқлар чизиш қулайроқ эмасми? Бу тасодиф эмас, бўёқлар оқиши, тўла коса, бу тўкинликнинг қадимий белгисидир. Идишга шакл берилгач, хум-донда яхшилаб пиширилган. Бу идиш намунаси қадим Уструшона мажмуаларида йўқ ва унинг ташқаридан келтирилганлиги ўшандаёқ маълум эди. Аммо қаердан келган? Бу сопол парчасини фаргонашунос мутахассисларга кўрсатдик. Улар бу идиш эйлатон маданияти идишларига хос эканлигини тан олдилар. Бу маданият қабилалари милодгача VI-III асрларда Фарғона водийсининг марказий ва фарбий қисмларида яшаганлар. Аммо сопол парчасиниг си-фати Фарғона намуналаридан паст эди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сопол шу ерда – Ховосда фарғоналик кулоллар томонидан тайёрланган. Бу факат тахмин холос. Аммо бугунги кунда қадим даврлардан Фарғона билан алоқалар бўлганлиги шубҳа туғдирмайди.

Бу йил 4-қазишмада ҳам археологик ишлар бошланди. Эсингизда бўлса, арки аълога бир-бирларидан девор билан ажратилган икки худуд - шахристон туташишини айтган эдик. Бу қазишма шу деворларнинг хусусиятлари ва қурилган даврини аниклаш учун керак бўлади. Яна бошқа вазифа нисбатан катта худудда қатламларнинг жойлашишини ўрганишдан иборат эди. Бу вазифани таникли архео-лог, тарих фанлари номзоди Баҳтигул опа Абдулгазиева мохирона бажарди. Куйида унинг хуласаларини келтирамиз:

Тўртинчи қазишмада ҳар бири уч-тўрт хонадан иборат XVIII

асрнинг иккинчи ярми – XIX асрнинг биринчи ярмига оид уч курилиш даври иншоотлари очилди. Бу ерда кутилган қалъа мудо-фәа деворлари топилмасада, маҳобатли деворнинг икки томонида жойлашган уй-жой хоналари очилди.

Қазишмалар мобайнида ахолининг кулолчилик билан шуғулланғанлигини қўрсатувчи маълумотлар олинди. Буни топилган пиширилмаган идиш намуналари ва сопол тошқоллари қўрсатиб турар эди. Айтиб ўтиш жоизки, қадимги Ховосда ва умуман Уструшонада XV-XIX асрлар кулолчилиги суст ўрганилган. Бу борада тўртинчи қазиша маълумотлари маҳаллий кулолчиликни ўрганишда мухим манба бўлади. Ҳозирдаёқ ховосликларнинг Истравшана (Ўратепа), Фарғона ва Бухоро билан маданий алоқалари тўғрисида фикр юритиш мумкин. Бу мумкин савдо-иқтисодий муносбатлар, маҳсулотлар келтириш ва олиб кетиш ҳолида бўлган, сопол маҳсулотлари келтириш эҳтимоли кам бўлган.

Биз асосий эътиборни биринчи қазишимага қаратиб, у ерда, илк қатламлар - тин ерга етиб бориш умидида эдик. Бу ерда Комилжон Раҳимов иштиёқ билан меҳнат қиласр эди. Ниҳоят бу йил манзилни кўмилган тупроқлардан тозалаб, ишни давом эттиришга муваффақ бўлдик. Бизни ажойиб антик давр идишлари топилиши янада қувонтирди. Уларнинг энг қадимгилари милодгача II-I асрларга тўғри келар эди. Биз 1989 йилдагидан яна бир ярим метр пастга тушишга муваффақ бўлдик. Ўн метр чуқурликдан яна ер ости сувлари чиқа бошлади ва биз қазиshmани тўхтатишга мажбур бўлдик.

Шундай қилиб, биз тин ерга материк ета олмадик ва оқибатда Ховос ёшини аниқлаш масаласини бир муддат кейинга сурдик. Бу келажак иши. Аммо қўлга киритилган археологик маълумотлар ёзма манбалар билан биргаликда Уструшона тарихининг асосий даврларини қўрсатиб, Уструшона ва қўшни ўлкаларининг тарихдаги ўрнини аниқлашда ёрдам беради.

ХОВОС ВА УСТРУШОНА

Бу боб номининг ўзи ҳам таҳрирга муҳтож шекилли. Ҳакиқатдан ҳам Ховос Уструшонанинг йирик қишлоғи бўлиб, унинг ажралмас бир бўллаги ҳисобланади. Шундай экан, нега улар бир-бирларига қарши қўйилади? Эслашга ҳаракат қилинг, араб ёзма манбалари маълумотлари бўйича, Уструшона тоғли ўлка, аммо Ховос, унинг узоқ шимолида – чўлда, қўшни Шош (Тошкент воҳаси) чегараларида жойлашган. Ундан ташқари Ховос ҳамиша ҳам Уструшона таркибида бўлганми? Биз бу давлатни қачон ташкил топганлиги ҳақида билмаймизку! Хитой ва араб манбалари маълумотларигача ҳам бу ерда давлат тузилмалари бўлганми? Агар бўлса, Ховос унинг таркибида бўлганми? Ховос ва унинг атроф қишлоқлари кейин Уструшонага қўшилган мустақил мулклик бўлганми? Ховоснинг ўзи ҳам қачон ташкил топган?


Ҳа, саволлар кўп, уларга эса ҳамма вакт ҳам бир хил жавоб бериб бўлмайди. Уструшона ерларининг ҳар бир тарихий босқичларида Ховоснинг ўрнини аниқлаб, тўлиқ манзарани тасаввур килмас эканмиз, бу саволларга жавоб бериб бўлмайди.

Шундай қилиб, ёзма манбалар маълумотларига кўра, Уструшона давлатчилик қандай шаклланган, бу жараёнда Ховос ва унинг атрофининг қандай ўрни бўлган?

Қадимги Уструшона Ўзбекистоннинг тарихий вилоятларидан бири бўлиб, бу ерда илк даврида ёзига хос маданият вузудга келиб, у моддий ва маънавий жабхаларда излари ханузгacha кузатилаётган узоқ тарихий анъаналарни бошлаб берган. У бир томондан Сугд ва Бактрия ва иккинчи томондан Чоч ва Фаргона оралиги ва умуман бутун Ўрта Осиёнинг шимоли жуғрофий марказида жойлашиб, улар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатларда муҳим ўрин тутган.

Йиллар давомида олиб борилган археологик изланишлар катта ҳажмдаги тарихий маълумотларни бериб, бу жараёнда Ўзбекистон таркибидаги Уструшонанинг салмоқли ўрнини ёритади. Эндиликда тоҷик ҳамкасларимиз изланишлари натижалари билан биргаликда яхлит тарихий манзарани тасвур қилишимиз ва уструшоналикларнинг Марказий Осиё ва жаҳон цивилизацияси ҳазинасига қўшган ўзига хос хиссалари аниқлашимиз мумкин.


Маълумки, қадим ва ўрта асрларда жуғрофий муҳит жойлашиш тизими ва иқтисодий имкониятларга сезиларди таъсир кўрсатган. Уструшона худудини уч тарихий-жуғрофий минтақага бўлиш мумкин. Улар ўз хусусиятларига кўра, ландшафт тавсифи ва табиий иқлим шароитлари билан ажralиб туради. Бу жанубда Туркистон тоб тизмалари сув айиргичини ўз ичига олган кенг тогли қисми ва нисбатан тор тоб ва сой қатламларидан конуссимон чиқиндилардан шаклланган ўрта, ҳамда шимолда Мирзачўл даштларидан иборат-



Мил. авв. II-I асрлар сопол идишлар мажмууни

дир. Шимолий Уструшонани узунлик йўналишида сув ўтказиш жиҳатдан кучли фарқланувчи қатор сойлар кесиб ўтади. Уларнинг барчаси баландлиги қор қатламларига етмайдиган Туркистон тизмаларидан оқиб тушади. Сув захиралари кичик бўлсада, улар қишлоқ тузилишининг шаклланишида маълум аҳамиятга эга. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, сугориш тизими асосида шаҳар ва қишлоқлар пайдо бўлади, улар ёқалаб эса қадим ва ўрта аср йўллари ўтган. Натижада алоҳида мулкликлар, рустоқлар ва умуман давлатларнинг иқтисодий ва маданий асослари шаклланади. Сув манбалари ва сугориш тармоқларининг бузилиши катта таназзулга олиб келган. Оқибатда одамлар жойларини ташлаб кетадилар, савдо йўллари йўналишлари ҳам ўзгариб, минтақанинг ландшафти ҳам ўзгарган.

Сўнгти даврлар Уструшона худуди билан боғлиқ антик ёзма манбалар маълумотларидан анчадан буён илмий адабиётда фойдаланиб келинмоқда (Tomaschek, 1877, 57-б.; Григорьев, 1881, 34- б.; Schwartz, 1893, 53-б.; Кастанье, 1915, 48-52 бб.; Бартольд, 1965, 216 -б.; Бартольд, 1927, 3-б.; Бернштам, 1951, 12-б.; Tarn, 1951, 102-б.;



Сирланган сопол идиш. XII аср

Смирнова, 1953, 189-б., Негматов, 1953, 232-234-бб.; 1957, 7-8-бб.; 51-52-бб.; Пьянков, 1982, 25-26-бб.; 1986, 74-78-бб. ва бошқалар). Марказий Осиё минтақаси түғрисида нисбатан аниқ ва қимматли маълумотлар Искандар Зулқарнайн юришлари қатнашчилари ёхуд гувоҳлари томонидан тўпланган. Афсуски, ўша даврдаёқ ёзилган бу хотиралар бизга жуда ҳам қисқа ҳолдаги парчалар тарзида кейинги муаллифлар асарлари орқали етиб келган. Улар орасидан Полибий (милодгача III-II асрлар охири), Страбон (милодгача I аср ва милодий I аср), Помпей Трог (милодгача I аср ва милодий I аср), унинг асари Юстин (милодий II-I асрлар) маълумотларида келтирилган, Диодор Сицилийский (милодгача I аср ва милодий I аср), Катта Плинний (милодий I аср), Квинт Курций Руф (милодгача I аср ва милодий I аср), Арриан (милодий II аср), Дионисий Перистит (милодий II аср) асарларини кўрсатиш мумкин. Уструшона худудлари тарихи бўйича Квинт Курций Руф ва айниқса, Флавий Арриан асарлари ўта қимматли маълумотлар беради. Аррианнинг “Искандар Анабисиси” (“Искандар юришлари”) кейинги кўчирма бўлсада, воқеаларни замондошларининг биринчи манбалари асосида бартафсил ёзади (Соколов, 1963, 9-10-бб.). Фикрларга кўра, Арриан шубҳасиз Исканлар Зулқарнайнинг Марказий Осиё ва табиики, бўлажак Уструшона ерларига юришлари хақидаги ишончли маълумотлар муаллифидир (Пьянков, 1986, 73-80-бб.).

Квинт Курций Руфнинг “Искандар Зулқарнайн тарихи” асарига келсак, унда қадимги уструшанликлар ҳақида бошқа муаллифларда бўлмаган анча аниқ ва қизиқарли маълумотлар бор (Пьянков, 1982, 25-26-бб.).

Афсуски, барча антик манбалар маълумотлари Искандар юришларидан кейинги Уструшона худудларида бўлган воқеа ва ҳодисалар тўғрисида янги маълумот бермайдилар. Узоқ жимликдан кейин яна Уструшона ҳақида маълумотлар илк ўрта асрларга оид Хитой манбаларида пайдо бўлади (Бей ши, Суй шу ва Тан шу). Уларда мулкликлар (Шуайдушина, Судушина, Судуйшана, Сутулисеня) сарҳадлари ажратилиб, кўшни вилоятларгача бўлган масофа-лар аниқ кўрсатилади (Бичурин, 1950, 312-313-бб.; Малявкин, 1989, 78, 256, 257-бб.; Боровкова, 1989, 56, 139-бб.).

Араб ва форс тилли тарихчи ва жуғроф олимлар IX-X асрлар мусулмон дунёси мамлакатлари ва шу жумладан Уструшона ҳақида

шундай катта ҳажмдаги тарихий-жуғрофий, сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа маълумотларни йиғиб, сақлаб ва бизларгача етказдиларки, бу асарлар маълумотлари кўлами билан қадимги ва кейинги даврлар адабиётлари биргаликда ҳам улар билан тенглаша олмайдилар.

Яхлит тўпланган бу маълумотлар узук-юлуқ бўлсада, изчил тарихий манзарани бера олади. Мўгуллар истилосигача бўлган Уструшона тўғрисидаги батафсил маълумотлар араб жуғроф ва тарихчилари асарларида келтирилади. Чунончи, Ахмад ал-Котиб асарида: «... чўзилган бу муҳим мамлакатда 400 қалъя ва бир нечта йирик шаҳарлар бор» деб кўрсатилади (Кастанье, 1915, 49-б.).

Аммо Уструшонанинг у ёки бу жиҳатлари хақида фикр билдириган кўплаб муаллифлар орасида, тарихий-жуғрофий ёки сиёsat соҳасидаги муҳим ва умуман ноёб маълумотлар келтирганлари ҳам бор. Одатда улар бу маълумотларни саёҳатлари мобайнида тўплашган ёки ишончли манбалар ва бевосита воеа иштирокчиларидан олишган. Булар қаторига ал-Ёқубий (IX аср), Белазурий (IX аср), ал-Истаҳрий (X аср), Ибн Хавкал (X аср), ал-Муқаддисий (ал-Мақдисий) (X аср), “Худуд ул-Оlam” асарининг номаълум муаллифи (X аср), Байҳақий (XI аср), Низом ул-Мулк (XI аср), Гардизий (XI аср), ас-Сомоний (XII аср), Исфандиёр (XIII аср), Ёкут (XIII аср), Ҳамавий (XIII аср), Ибн ал-Асир (XIII аср) ва бошқалар киритилиш мумкин.

Бу ёзма манбалар барчаси биргаликда қадим ва ўрта асрлар Уструшона ҳақида умумий маълумот берадилар. Сўнгги йиллардаги археологик кашфиётлар маълум фактларни нафакат мазмунан тўлдирди, балки уларга қатор тарихий маълумотлар билан аниқликлар киритиб, ўлка тарихи ҳисобини Искандар юришларидан анча илгаридан бошлиш имконини берди.

УСТРУШОНА ҲУДУДИДАГИ ЭНГ ҚАДИМГИ МАДАНИЯТ ИЗЛАРИ

Уструшона давлат сифатида шакллангунга қадар узоқ ривожла-ниш йўлини босиб ўтган. Археологик изланишларнинг кўрсатишиларича, мазкур худуднинг инсон томонидан ўзлаштирилиши қадимги тош давридан бошланган. Жўнгина турар жойлар ва тош қуроллар Жиззах, Пшағор, Шаҳристон, Истаравшан (Ўра-тепа), Ховатоғ, Метк қишлоғи, Ростравут, Даҳқат ва бошқа жойларда топилган (Ранов, Салтовская, 1961, 111-114 бб.; Ранов, Несмейнов, 1973, 40-45 бб.; Москаленко, 1993, 44-50-бб.; Ранов, 1968, 19-б.; Жуков, 1993, 40-50-бб.; Анбоев, 1963, 55- б.). Булар ичида энг қадимиylари мустъе даврига оиддир. Мустъе даврига оид Жаркўрғон манзилгоҳи инсон томонидан узоқ вақт мобайнода фойдаланилган. Худуднинг инсон томонидан ўзлаштирилишининг кейинги босқичи бронза даври қабилалари билан боғлик бўлиб, у Тожикистон ва Ўзбекистон худудларида ўрганилган (Гуломов, 1961, 95-б.; Анбоев, 1963, 55-б.; Шишкин, 1963, 9-б.; Сверчков, 1994, 50-б.; Немматов, 1979а, 330-б.) Шаҳристонсойнинг ўнг соҳилида Оқтанги қишлоғининг жануброғида, жойлашган Оқтанги айвони ноёб ёдгорлик ҳисобланиб, бу ерда неолит давридан бошлаб ўрта асрларгача маданий қатламлар кузатилади (Литвинский, Ранов, 1961, 30-49-бб.; Ранов, Салтовская, 1961, 108-115-бб.).

Ўрта Осиё тогли худудларида кенг тарқалган Ҳисор неолит маданиятига оид кўплаб тош қуроллар ҳам Оқтанги айвонидан топилган (Ранов, Салтовская, 1961, 114-б.). Илк бор айнан шу маданият асосида бронза даври маданияти шаклланган деган масала ўртага кўйилди.

Шаҳристон ҳавзасида яна бир бронза даври манзилгоҳи тўлиқ қазиб очилди. Табиий Чоршоҳтепанинг устки майдонида бир катта ва 20 та кичикроқ ўралар очилди. Катта ўра, афтидан, уй-турар жой вазифасини бажарган.

Уструшонада бўлса, вазият мураккаброқ. Юқорида қайд қилганимиздек, Сўғд шубҳасиз, Ахмонийлар салтанати таркибида бўлган. Аммо, “Сўғд” тушунчасининг маъноси антик манбаларда анча кенг ишлатилади ва бу ўз навбатида “Катта Сўғдиёна” атамасини пайдо бўлишига олиб келди. У эса таркибига Амударёнинг

жанубий соҳилларини қўшади (Herzfeld, 1968, p. 323; Fox, 1975, p.559; Bernard, Francfort, 1978, p.10-12). Қатор тадқиқотчилар унга кадимги Уструшона худудларини ҳам кўшиш тарафдоридирлар (Tarn, 1984, p. 102-105; 118-123; Holt, 1994, p. 53-54 ва бошқалар). Бу тахмин тарафдорлари етарли. Кўпчилик антик манбаларда Сўғдиёна Окс (Амударё) ва Яксарт (Сирдарё) оралиғидаги мамлакатни тушунилади, шундан келиб чиқадиган бўлсак, Уструшона ҳам Сўғднинг бир қисми бўлиши мумкин. Аммо бу маълумотларга таянган И.В. Пьянков фикрича, Уструшона Сўғднинг бир қисми бўлган ёки йўклигини аниқлаш мумкин эмас, зеро бу манбаларда “ҳар иккала фикр тарафдорларини топиш мумкин” (Пьянков, 1982, 25-б.).

Уструшонанинг Ахмонийларга тобе бўлганлиги тўғрисида муҳим маълумотлардан бири антик анъаналарга кўра, бу ерда, буюк Кир томонидан курилган Киропол (Кирэсхата) шахрининг талқин килинишидир (Негматов, 1953, 232-б.). Аммо сўнгги вактларда тадқиқотчилар, бу шаҳар номи Куркат бўлиб, греклар эса, уни шунчаки, Александрия Эсхатага мос “Кир Эсхата” деб атаганлар деб таклиф қилмоқдалар (Литвинский, 1976, 51-б.) ва табиийки, масала



Сайхонсой. Жез даврининг қоятош суратлари




Устрошонанинг қадимги ва антик давр ёдгорликлари

очиқ қолдирилади. Сўнгги пайтларда Ўратепа шахри номини Истаравшанага ўзгартирилиши муносабати билан бошқа таклифлар ҳам айтилмоқда. Чунончи Д. Довудий фикрича, шаҳар номи сўғдларнинг Куру қабиласи номидан олинган бўлса, уни Ахмонийлар шахри деб қараш мумкин эмас (Довудий, 2002, 113-114-бб.).

Назаримизда, бошқа омадсиз таҳминларга кўра, шаҳар Искандарнинг сўғдларга қарши юришларидан кейин, унга ҳамма билган хурмат юзасидан шундай деб номланган (Якубов, 2002, 95-б.).

Одатда бу ҳолларда, археология манбалари ҳал қилувчи бўладилар. Бу масалага қайтишдан олдин, антик ёзма манбалар асосида Уструшона қадимги тарихи зарваракларини ёритишга уриниб кўрамиз.

Юнонлар Сўғд пойтахти Мароқанд (Самарқанд) шаҳрини осонгина эгаллаб, унинг атроф қишлоқларини вайрон қиладилар, маҳаллий Уструшона қабилаларининг қақшатқич зарбаларини енгиг Танаисга (Сирдарёга) чиқадилар. Сирдарё атроф шаҳарлари аҳли ҳам, Искандар Молгузар тоғларида Уструшонага юришлари чоғида “ёввойилар” қаршиликларини шафқатсиз бостирганлигини кўриб, мумкин, жангсиз таслим бўладилар. Бу ерда босқинчиларга ким қаршилик кўрсатди? Эҳтимол, булар Сирдарё ҳавзаси шаҳарларида яшовчи маҳаллий қабилалар иттифоқидан иборат Як-



Хонтепа. Мил. авв. V-IV асрлар сопол идиши

сарторти (Сирдарё орти) саклари бўлишган. Улар орасида Мараканда атрофларидан Искандар ваҳшийликларидан қочган сўғдийлар хам кам бўлмаган. Искандар ва унинг кўшини Маракандада дам олаётгандা “ёввойилар” уларни кутиб олишга яхши тайёрланган бўлсаларда, аммо кучли душманга қарши ҳеч нарса кила олмадилар.

Искандар харакатларининг давомини Ариан шундай тасвирлайди. Искандар Танаис (Сирдарё) дарёси бўйида шаҳар куриб, унга ўз номини беришга қарор қилди. Бу жой унга шаҳар куриш учун кулай кўринди ва у келажакда юксалиб скиф хужумларидан кучли муҳофаза қилиниб, дарё ортидаги ёввойиларга қарши мустахкам қалқон бўлади. Шаҳарнинг катта бўлишини, кўчиб келувчи ва Искандарга хайрихохларнинг кўплиги хам кўрсатар эди. Рим тарихчиси Помпей Трог (милодгача I ва милодий I асрлар) маълумоти ва уни етказган римлик бошқа тарихчи Юстин (милодгача III-II асрлар) фикрича, Чекка Александрия шаҳар деворларини 17 кунда куриб битказиб, “Кир томондан асос солинган уч шаҳардан аҳолини кўчириб келтирдилар”. Курцийнинг маълумотига кўра, “истеҳкомлар қурилгандан сўнг, шаҳарда уйлар қад кўтарди... Янги шаҳарда Искандар хўжайнларидан сотиб олган асиirlар жойлаш-

тирилди. Уларнинг авлодлари узоқ вақт Искандарни ўз ёдларида саклаб, ҳозир ҳам (яъни Курцийнинг асари яратилиш давригача ми-
лодгача I аср охирлари ва милодий I аср ўрталаригача) унутмаган-
лар. “Хўжайинлар” деб бу ерда, мумкин, Искандар жангчилари на-
зарга тутилган, улар қишлоқларни талаш чоғида маҳаллий аҳолини
асирга олишган. Булардан ташқари шаҳарда итоат қилмаган ёллан-
ма жангчилари ва урушга яроқсиз юононлар қоладилар. Мана шу ик-
ки табақа аҳоли Искандар ўлимидан қўзғолон кўтаришади.

Тарихий манбаларда кўрсатилган Искандарнинг қароргоҳи ва
унинг ўрнига қурилган шаҳар қаерда жойлашган бўлиши мумкин?
Кўпчилик тадқиқотчилар уни ҳозирги Хўжанд ўрнида жойлашти-
ришга қарши эмаслар. Бор манбаларни умумлаштирган Н.Н. Негма-
тов бу тоғани қувватлайди (Негматов, 1980, 270-280-бб.). Шунда Ар-
хеологик мнбалар тасдиқлашича, Искандар шаҳарни бутунлай бўш,
тасодифий жойда қурмаган. Бу ерда юононлар босқинига қадар
манзилгоҳ бўлиб, халқ жойнинг қулийлигини билган. Бу ерда Сир-



Хонтепа. Мил. авв. VI-V асрларга оид сополлар

дарёнинг чап ирмоғи Хожабақирғонсој дехкончилик учун қулай шароит яратиб, дарё оқими шаҳар мудофаасига хизмат қилар эди. Яна бу ер қулай дарё кечуви бўлиб, ҳалқаро йўллар туташар эди (Негматов, 1986, 4-7-бб.). Буни Искандарнинг ўта тажрибали амалиётчилари тезда сезишди. Курций маълумотлари бўйича, айнан шунинг учун ҳам, шоҳ “бўйсундирилган худудларни ушлаб туриш ва янада ичкарироқ ҳаракатларда фойдаланиш максадида Танаис бўйида шаҳар-қалъя барпо этишга қарор қилди (Курций, VIII, 13).

Фақат бир масала ҳакиқатдан ҳам Искандар шунча қисқа вақт ичидаги (17-20 кун) узок вақт турган, мустаҳкам мудофаа тизимига эга бўлган шаҳар кура олдими ёки илгари бўлган шаҳарни янгилаш тўғрилаб қўя қолдими? Курцийдан сўнг ҳам бальзи олимлар ёзма манбалар маълумотларига асосланиб, бу шаҳарни мустаҳкам қалъя ёки истеҳком деб хисоблайдилар (Григорьев, 1881, 36-б.; Тревер, 1947, 116-б.). Ф.В. Шварцнинг фикрича “шаҳар” девори ва турар жойлари лойдан курилган (Schwartz, 1906, р. 62-63).

Афсуски, Искандарнинг Танаис томон ҳаракатлари чоғида Уструшона шаҳарларини забт этилиши тўғрисида ҳеч нарса айтилмаган. Фақат бальзиларигина, кўтарилиган исённи бостириш муносабати билан эслатилади. Улар қаторига, табиийки, Хўжанд манзилгоҳи киритилмайди, чунки унда босқинчиларнинг асосий кучлари жойлаштирилган эди. Тожик ҳамкасларимиз ўтказган археологик қазишмалар натижаларига кўра, Искандар ўз даври учун атрофи деворлар ва хандак билан ўралган йирик (майдони 20 га), ажратилган арки аълоси (1 га) бўлган шаҳарни босиб олади. Агар шундай бўлса, биз иккинчи тахминни, яъни юнонлар аввалдан мустаҳкам мудофаа тизимига эга бўлган шаҳарни босиб олиб, уни қайта мустаҳкамлаб, ўз тасвурлари бўйича тиклаганлар (Негматов, 1980, 279-280-бб.; Беляева, 1978, 41-49-бб.; Билалов, Беляева, 1980, 282-294-бб.).

Шундай қилиб, Искандар асос солган шаҳарлар, аввало, турли ҳолат ва тизимларда истеҳкомлар сифатида хизмат қилган ахмонийлар кўшинлари манзилгоҳлари ўрнида курилган деган тахминлар Александрия Эсхата (Чекка Александрия)га ҳам алокадор (Фрай, 1982, 184-б.).


Искандар шаҳар қуриш ва дарё ортидаги саклар (яксарт орти саклари) ишлари билан шуғулланаётганда, қақшатқич зарбалардан

сўнг маҳаллий қабилалар ўзларига келиб, босқинчиларга қарши ашаддий қаршилик кўрсатишга уриндилар. Уструшоналикларнинг юононларга қарши курашда кўл келган анъанавий бўйсунмаслик ва озодликка интилиши, сўнгроқ уларнинг араблар юришига қарши курашида ҳам кўринади. Уструшона ва қўшни тоғли Хуттат вилояти араблар томонидан энг кейин босиб олингандилиги ва уларнинг ҳаммадан кейин ҳам қадимий анъаналарни сақлаганликлари тасодиф эмас.

“Дарёга қўшни яшаётган “ёввойилар” шаҳарларда турган юонон бўлинмаларини босиб олиб қириб ташладилар ва бу шаҳарларни янада мустаҳкамлай бошлидилар. Бу қўзғолонда кўпгина суғдийлар ҳам қатнашдилар...”. Кўриниб турибдики, юононлар тарихи бўйича етук муаллиф Арриан дарё бўйидаги ”ёввойиларни” сўғдийлардан ажратади (Арриан, IV, 1, 4).

Кўзғолон ҳақида хабар топган Искандар зудлик билан вазиятни баҳолаб, бир неча кун давомида уни бостириш ҳақида қарор қабул қилди. У ўзининг ниҳоятда тажрибали ва содик саркардаси Кратерни “ваҳшийларнинг” энг катта шахри Кирополга юборди. Аррианнинг маълумотига кўра, “Кратерга шахар яқинида қароргоҳ килиб, унинг атрофини кавлаб чим девор билан ўраб керакли миқдорда тош отар курилмалар йиғиши буюрилган: шахар ахли Кратерга билан уруш тўғрисидаги ташвишлар оғушида қолиб, бошқа шаҳарларга ёрдам беришни ҳам ўйламасинлар (Арриан, IV, 2,2). Искандарнинг ўзи эса қароргоҳ яқинидаги Фоз шахри томон йўл олди.


Манбаларнинг кўрсатишларича, Искандар ниҳоятда шафқатсиз эди. У “ёввойилар” билан биринчи тўқнашувни, биқинидан қаттиқ яраланган пайтидан яхши эслар эди. Мустаҳкам бўлмаган




Эски Ховос. Ёрғучок.
Мил. авв. II-I асрлар

шаҳарлардаги уструшоналикларнинг қайсарона бўйсунмасликлари уни янада ғашига тегиб, ғазаблантирашади. Бутун йифилган қаҳрғазабни биринчи бўлиб ғазналиклар татиб кўрдилар. Шахар бирдан олинди. Пиёда аскарлар яқинлашиб боргандарида палахмончилар, камонбозлар, найзабозлар девордан жангчиларни қулатар, уларга қарши найзалар машиналардан ҳам отилар эди. Тезда дўлдай ёғилган камон ўқлари кўриқчиларни девордан қулатарди (Арриан, 4.2.3). Искандар буйруғи билан шаҳар талон-тарож қилиниб, вайронага айлантириди. Барча эркаклар ўлдирилди, аёллар ва болаларни жангчи-лар ўзларига олдилар. Бошқа шаҳарлар тақдирлари ҳам шундай бўлди. Бу жазо чоралари билан Искандар бошқа қабилаларни кўрқитмоқчи бўлди. Ўрта Осиёдаги бу воқеалар гувоҳи Лаганинг ўғли Птоломей маълумотларига кўра, бир шаҳар аҳли жангсиз таслим бўлишига қарамай, Искандар уларни аскарларига бўлиб беради ва уларни занжир-банд қилиб, ўзи мамлакатдан чиқиб кетгунча озод қилмасликларини буюради (Арриан, IV, 3, 5).

Икки кун давомида Искандар беш шаҳарни босиб олиб, аҳолисини қул қиласди ва “сўғдийларнинг тоғ шахри Кирэсхатага (Птоломей, IV. 12) кириб келди. Шахар ўта мустаҳкам эди ва Искандар саркардалари уни олишга қанчалик тайёргарлик кўрсаларда, бирданига ололмадилар. Шавқатсиз жанглар давомида иккита томондан ҳам кўп жангчилар ҳалок бўлдилар. Искандар бу гал ҳам азият кўрди. У боши ва бўйнига тош тегиб, қаттиқ жароҳат олди. Жароҳат шунчалик оғир эди, оқибатда у хушини йўқотади. Аммо бу юнонларни кучли хужумларини тўхтата олмади. Курцийнинг рамзий тасвирича, Искандар “жароҳати тузалишини ҳам кутмай, ўта шафқатсизлик билан қамални янада кучайтириди. Таги қазиб бузилган девордаги кенг йўлакдан



Эски Ховос. Ёрғугок. Мил. авв.
II-асрлар



Эски Ховос. Келисопи. Мил авв. II-I асрлар

шаҳарга кириб, уни эгаллади ва бузиб ташлашни буюрди” (Курций, VII. 23).

Квинт Курций Руф бизга қадимги Уструшона қабилаларидан бириноми мамакенлар эканлигини етказади. Тўғриси, мамакенлар ўзларининг асосий шаҳарлари Кирополни ҳимоя қиласидиларми ёки бу бошқа бир шаҳар бўлганми, матн унча тушунарли эмас. Кучли мамакенлар қабиласи, ўта фахрли ва ишончли бўлган қамални синаб кўришга қарор қиласидилар. Уларнинг қаршиликларини синдириш учун шоҳ яна 50 суворий юборади ва таслим бўлганларга хайрхоҳлик, қаршилик қилганларга шафқатсиз бўлишни ҳамда енгилганларга қаттиқ қўйл бўлишни буюрди. Улар шоҳ ваъдалари ва қудратига ишонишларини айтиб, суворийларга саройдан узокроқ, истехқомдан ташкарида жойлашишни таклиф этадилар: сўнгра уларни шоҳона меҳмон қиласидилар, тунда эса ҳужум қилиб, кириб ташлайдилар. Искандар бундан табиийки қаттиқ норози бўлади ва шаҳарни шаҳарни шундай мустаҳкам девор билан ўраб оладики, уни қамал билан олиш амалда мумкин эмас эди. Аввал бу Кир томонидан асос солинган шаҳарга шоҳ раҳм қилмоқчи бўлади... Аммо шаҳарликларнинг қайсарлиги ғазабини келтирди. Шунинг учун ҳам шаҳарни олиб, талон – тарош қилиб йўқотишни буюрди... Тарихда ҳеч бир шаҳар бундай қамалга учрамаган”.

Бу матнни синчиклаб текшириш шуни кўрсатадики, бу ерда сўз бошқа бирор бир шаҳар ҳақида эмас, айнан Киропол шаҳри ҳақида боради (История Узбекистана в источниках, 1984, 125-б., изоҳга

каранг) мемакенлар эса, Уструшонанинг босқинчиларга қарши курашига бошчилик қилган катта қабиласи бўлган. Таъкидлаш жоизики, Курций бу матнда мамакенлар ўлкасини сўғдий ерларидан ажратиб, биринчиси ахолисини “қудратли мемакенлар халқи” деб атайди (Курций, VII. 6.17-23). И.В. Пьянковнинг таъкидлашича, “бу уруғ номи билан бутун бир шаҳар халқи тушунилмайди”. Эҳтимол, бу ерда Киропол уларнинг марказий шаҳри бўлганлиги учун мамакенлар эслатилиди. Бу ўринда бутун вилоят номи назарда тутилишини тетасеп (эҳтимол сўнгти Уструшонанинг аввалги номи) сўзи гувоҳлик беради (Пьянков, 1982, 26-б.). Милодгача 323 йилнинг ёзида Искандар оламдан ўтади. Унинг ўлими нафақат ҳарбий саркардалар ўртасида ҳокимият талашишга олиб келди (Шахермайр, 1984, 349-355 бб.), балки қарамлиқдаги қабила ва халқлар, шу жумладан Яксарторти саклари ва Уструшонанинг “ёввойилари” ўртасида ҳам озодлик ҳаракатлари бошланди.

Манбаларда Селевк ҳали шарқий сатрапликларда ҳокимятни тўлиқ қўлига олмаган «шоҳликлар ораси» даврида баъзи шаҳарлар «ёввойилар» томонидан вайрон қилинганлиги тўғрисида ишоралар бор эди. Эҳтимол, бу ўринда “ёввойилар” деб Искандар юришлари даврида Яксарт (Сирдарё) нинг ўрта оқимидан шимолдаги худудларни эгаллаган кўчманчи дай ёки даҳ қибалалари тушунилган (Пьянков, 1986, 76-б.). Улар милодгача IV-III асрларда юзага келган вазиятдан фойдаланиб, дарёнинг чап қирғоғига ўтиб, Чекка Искандария ва Уструшонанинг бошқа «шахарларини» таладилар. Эҳтимол улар орасида сарматлар гуруҳидаги қабилалар ҳам бўлиб, буни Хонтепанинг юқори қатламларида топилган дашт хилдаги со-поллар кўрсатиб турибди (Грицина, 1990, 11-б.). Искандар қўшинлари орасидаги қўзғолонлар ҳам шу воқеалар билан боғлик бўлган ғалаёнлар шу воқеалар билан боғлик бўлиб, ўшанда 20 минг юонон аскарлари ўз ватанлари, узоқ Элладага қайтмоқчи бўлишган (Кошеленко, 1979, 181-184-бб.; Пьянков, 1986, 77-б.). Булар барчаси янги Селевкийлар салтанати ҳукмдорларини ташвишлантиради.

Бу ерда биз Селевкийлар давлатининг тарихига қисқагина саёҳат киламиз, чунки бизнинг мавзуумиз айнан уларнинг биринчи ҳукмдори, аникроғи унинг саркардаларидан бири Яксарт (Сирдарё) га юриши Уструшона орқали ўтган. Афсуски, бу оддийгина воқеа манбаларда анча бўш ёритилган.

Искандарларнинг ғайратли саркардаларидан бири Селевк ўз ракобатчиларини енгиб, 312 йилда Вавилонга киради, бу янги селевкийлар даврини бошланиши эди. Унга Вавилон ва Эронда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун 10 йилдан кўпроқ вақт керак бўлди (Бикерман, 1985). Унинг ҳаракатлари шу қадар ишончли эди-ки, Шарқ эллинликлари, ўзларига ноқулай бўлса ҳам Селевкийлар хонадонига ўз садоқатларини билдирилар. Селевкийлар салтанатининг ҳақиқий маркази Сурияning ғарбий қисми ва Кичик Осиё эди. Аммо 306-йилда Селевк аввал, бактрияликларни бўйсундириб, ғарбий Хиндистондаги Маурilar давлати ҳукмдори Чандргупта билан тинчлик шартномаси тушиб натижада қўшинлари сафини жангавор филлар билан тўлдирди.Faқатгина милодгача 305-304-йиллардан ўзини подшоҳ деб эълон қилиб, буюк салтанатга асос солади (Фрай, 1982, 185-186-бб.).

Селевк бутун аввал Искандар босиб олган асосий худудлар кирган салтанатини, иккига бўлди: пойтахти Орнонтдаги (Сурия) Антиохия шахри бўлган ниҳоятда муҳим ғарбий қисмини ўз бошқарувига ва Ефрат дарёсидан шарқдаги худудларни Тигр дарёсидаги пойтахти Селевекия билан ўғли Антиохга (милодгача 280-261 йиллар) берди. Антиох ўта қобилиятли ва омадли ҳукмдор бўлиб чиқди. Бунга эса кўп жиҳатдан Антиохнинг онаси Апама



Эски Ховос. Тош ясалган буюмлар. III-IV асрлар

Спитаменning қизи эканлиги ва унинг учун Ўрта Осиё узоқ авлодлари юрти эканлиги ҳам сабаб бўлган. Селевкийлар давлатининг янада мустаҳкамланиши ҳам Антиох номи билан боғлиқ. У нафақат “Ўт ва қилич” орқали ҳаракат қилас, яна у Ўрта Осиёда қўплаб шаҳарларни тиклади ва янгиларини курди. У қурган маҳобатли иншоотлардан бири Марв воҳксини ўраб олган мустаҳкам ва узун дебор кўчманчилар ҳаракатини ушлаб турган. Антиох номи билан яна Бактрия тарихида муҳим бир воеа: олтин статерлар, нукра тетрадрахма, драхма, яримдрахма ва обол тангаларини зарб қилиниши бўлди (Зеймаль, 1983, 73-б.; Ртвеладзе, 1987, 29-30-бб.).

Бизни қизиқтирадиган асосий воеа Демадаминг Милетскийнинг Селевкийлар давлатининг чекаси, узоқ Яксартга юришига қайтайлик. Демодаманг юришларини ўзи тасвиirlайди (Пьянков, 1968, 12-13-бб.). Мана Пилиний қайта ишлаган Солин маълумотларида нималар ёзилган: “бактрияниклар дарёни Лаксат (Яксарт), скифлар Силис ва Искандар жангчилари эса Танаид деб аташган. Аммо ўта ишончли муваллиф, Селевк ва Антиох саркардаси Демодан дарёдан ўтиб, барча маълумотларни инкор қиласди ва бу Танаид эмас, балки бошқа дарё эканлигини кўрсатади. Бу ерлардан форсийлар ва скифлар чегараси ўтади» (История Узбекистана в источниках, 1984, 185-б.). Афсуски, унинг асари бизгача етиб келмаган ва маълумотларни бизга римлик энциклопедист олим Плинния (милодий I аср) ўта кисқа ҳолатда етказади. Бизда фактлардан кўра таклифлар кўпроқ.

Аристиднинг ўғли Демодамантнинг ўзи тўғрисида маълумотлар кам. У машҳур лашкарбоши, унинг келиб чиқиши Кичик Осиёнинг Милет шаҳридан бўлганлигини, “нисби” кўрсатиб турибди. Бу юришни қачон ва ким ташаббуси билан уюштирилганлиги ҳам но-маълум. Бир ривоятга кўра, юриш милодгача 308 йиллар атрофида, яъни Селевкининг Вавилонга чиқишидан бир неча йилдан сўнг ва расман шоҳ мақомини олгунинга қадар амалга оширилган.

Бошқа кенгрок тарқалган ривоятга кўра, юриш милодгача 293 ва 256 йиллар оралигига амалга оширилган. Агар ҳокимят тўлиқ Антиох кўлига ўтган сўнгги, яъни 281 йилдан кейинги сана қабул қилинса, Демодам Антиохнинг стратеги бўлган ва шундан юриш ташаббускори айнан бу шоҳ бўлган. 261 йилдан кейинги саналар бизни Селевкийларнинг бу тадбирлар хақиқатдан узокроқ, Антиох-

нинг ўғли - Антиох II (милодгача 261-246-йиллар) хукмронлик даврига түгри келади. Бу Трансоксианага нисбатан амалга оширилган ягона тадбир бўлмай, манбаларда икки, ҳатто, бир неча марта йўқотилган иқтисодий ва стратегик муҳим худудларни қайтаришга уринишлар бўлганиниг айтилади (Гтые, 1963, р. 139-141). М.И. Филенович фикрича, Демодамантнинг юриш даври милодгача III аср ўрталарига түгри келади (Филенович, 1990, 102-б.). Аксинча В.П. Яйленко, бу юришни милодгача IV аср охирида амалга оширилган, чунки милодгача III асрдаги сиёсий вазият Селевкийларга бу тадбирни амалга оширишга имкон бермайди деб ҳисоблайди (Яйленко, 1989, 68-б.).

Юриш йўналиши бизга маълум эмас, ҳар қалай у Искандар Зулқарнайн изидан бориб, унинг ҳаракатларини тақрорлаган. Табиийки, қадим Уструшона қишлоқларидан бири Ховос ҳам унинг йўлида жойлашган. Агар юқорида айтганимиздек, Искандарга маҳаллий Уструшона “ёвойилари” билан урушишга түгри келган бўлса, Демодамант биринчи навбатда бу ўлкани тўлдириган кўчманчиларга дуч келар эди. Унинг ҳаракатлари муваффакиятли чиқиб, кўчманчиларни Яксартнинг ўнг киргигига сиқиб чиқарди. Озод қилинган шаҳарлар орасида, мумкин, Яксарт орти Антиохияси ҳам бўлиб, у ерда Демодамант Апполонга бағишилаб ибододхона курган. Яксарт орти Антиохияси шахри Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги Канка харобалари ўрнида талқин қилинади (Буряков, 1982, 106-б.).

Чекка Искандария (Александрия Эсхата) нинг тикланиши ҳам Демодамант номи билан боғлиқ (Пьянков, 1986, 76-б.). Анъяналар кўра, қайта тикланган шаҳарда яна селевкийлар аскарларининг салмоқли қисми қолдирилади.

Шундай қилиб, Селевкийлар узоқ Уструшонава унинг қўшни худудларида ўз хукуқларини тиклашди. Албатта, бундай тадбирлар кўчманчиларнинг табора кучайиб бораётган хужумини тўхтата олмас эди. Шунинг учун ҳам Антиох бу хужумлардан сакланиш учун узоқ жануб, Марв воҳасида мудофаа деворлари курдиришга мажбур бўлди (Faafurov, 1972, 101-б.).

Қадим Уструшона шаҳар ва қишлоқлари, жумладан Ховос қачон ва кимлар томонидан қурилган?

Анчадан бери уларни маҳаллий сак қабила гурухлари томонидан

милодгача VI асрда қурилган деган тахмин мавжуд. Кўчманчи қабилаларнинг ўтроқликка ўтишининг мураккаб жараёнига сўғдийлар муайян ўрин тутадилар. Бу Ўрта Осиё тарихининг эрон Ахмонийлар салтанати таркибига кирган даври эди. Антик манбаларнинг кўрсатишича, энг машҳур Эрон шоҳларидан бири Кир II (милодгача 558-530-йиллар) Яксартнинг чап қирғоғида еттига чегара қалъаларини қуради ва улар вақт ўтиши билан катта манзилгоҳларга айланиб кетади (Негматов, 1953, 232-б.). Улардан бири, унга асос соглан шоҳ шарафига Киропол (Чекка Кир) деб номланиб, Трансоксианага машҳур бўлади. Бунинг шундай бўлган ёки йўқлигини мавжуд манбалар билан кўрсатиб бериш қийин.

Юқорида таъкидланганидек, бу шаҳар номини юнонларнинг ўzlари одатларига кўра ўзгартириб, асосини ташкил этган “Куру” ёки “Куруш” сўzlари ҳозирги Куркат қишлоғи ёки Сирдарёнинг

ирмоғи номи Қуршобдан олинган бўлиши эҳтимолдан холи эмас (Литвинский, 1976, 51-б.; Пьянков, 1994, 56-б.).

Энди Уструшонаннинг археологик харитаси қадимий ва антик ёдгорликлар шодаси билан тўлганда кўплаб саволлар ўз-ўзидан жавобини топсада, яна янгилари пайдо бўлади, уларга жавоб ҳали олдинда. Эндиликда номлари манбаларда келтирилган шаҳарлар, биринчи на вбатда Киропол ва Ғоз ўрнини аниқлаш енгил бўлса керак? Киропол қачонлардан бери Ўратепадаги Муғтепа харобалари ўрнида талкин қилинади. Ҳақиқатдан ҳам, Ўратепада бўлган киши, қишлоқдан оқиб ўтаётган тоғ дарёси ўзанидан 65 метр юқорида ястаниб ётган қадимиш шаҳар харобаларини тасавур қиласи. Тўғри, харобалар майдони (6 га атрофида) катта эмас



Офтоба. XIX аср

(Негматов, Беляева, 1983, 76-б.). Аммо бу ерда Курций Руф ва Флайвий Арриан маълумотлари бўйича жасур химоячилари билан Арк bemalol жойлашиши мумкин. Бу тахмин дастлабги қазишмаларда очилган милодгача IV-II асрлар қатламлари билан тасдигини топгандай бўлди (Ранов, Салтовская, 1961, 122-б.). Бироқ кейинги изланишлар унчалик ишонарли бўлмади. Биринчидан энг пастки, яъни харобаларнинг энг қадимги қатламларида шаҳарлар курилишининг излари ва истеҳкомларнинг яққол излари аникланмади. Иккинчидан, қазишма муаллифлари олинган маълумотларни унчалик қадимги даврга боғлай олмадилар (Рахимов, 1989, 5-6-бб.; уни ўзи, 2002, 103-б.), ўз-ўзидан Муфтепа харобалари ўрнида шаҳар Искандар юришларидан кейин пайдо бўлган деган хулоса келиб чиқади.

Мутахассисларнинг синчков нигоҳлари Сават ва Ўратепадан бир хил масофада жойлашган Куркат қишлоғи ва Нуртепа харобаларига қаратилган эди. Куркат ўз номида Уструшонанинг бош шаҳрининг қадимги номи Кирэсхата асосини сақлаб қолган. Ундан ташқари унинг ёнида қадимги материаллар топилган икки хароба Ширин ва Чигмайтепа жойлашган (Беляева, 1990, 83-б.).

Нуртепа харобаларида кўп йиллар мобайнида олиб борилган археологик қазишмалар қадим уструшонликлар моддий маданияти тўғрисида анча тўла тасаввур беради. Ундан ташқари бу ерда шаҳарсозликнинг катор белгилари, шу жумладан истеҳком қолдиқлари топилган. Шаҳар харобаларининг майдони ҳам салмоқли 18 га (Негматов, Беляева, Мирбобоев, 1982, 310-331-бб.). Киропол шаҳрининг Нуртепа харобалари ўрнида талқин килиниши илмий адабиётда анчадан буён кўлланмоқда (Ҳасанов, 1998, 45-б.). Тўғри, унинг тархи жой рельефига мос бўлиб, қадим Хўжанднинг тузилишидан фарқ қиласи.

Юкорида кўрсатилган ҳар учала ёдгорликлар ҳам афсонавий Киропол харобаларига тўғри келиши мумкин. Улардан қайси бирини Киропол деб тан олами? Қадим Уструшона ёдгорликлари жойлаштирилган харита орқали Искандар кўшинлари “ёввойилар” кўзғолонларини бостириш ҳаракати йўналишига назар соламиз.

Танаис - Яксарт (Сирдарё)га қўшни яшаган “ёввойилар” исёни ҳақидаги хабарни эшитган Искандар ўз қароргоҳи яқинидаги Фоз шаҳри томон йўналди. Анчадан буён мутахассислар Фозни Нов

кишлoғи яқинида деб талқин қиладилар (Бартольд, 1027, 3-б.; Лившиц, 1969, 54-б.; Шифман, 1988, 141-б.). Бу тахминга асос бўлиб, шу қишлоқда ва ундан жануброқдаги Калахона харобларидан қадим Уструшона даврига оид манбалар топилган (Беляева, 1990, 78-б.; Грицина, 1992, 16-б.). Сўнгра Ариан маълумотлари бўйича, Фозга етмасдан юонон кўшинлари иккига бўлиниб, бири Искандарнинг ўзи билан Фозга, иккинчиси Кратер бошчилигига бевосита Кирополга йўналди. Бу тадбирнинг бир сабаби Кратер вазифаси исёнчиларнинг асосий шаҳри қуршаб олиш ва шу билан бошқа шаҳарларга ёрдамлашиш имконини тўсиш эди (Ариан, IV, 2, 2). Бошқа сабаби эса, қолган исён чиққан шаҳарлар Киропол йўлидан четроқ жойлашганлари эди (Буряков, Грицина, 1982, 41-45-бб.). Кўшинлар харакатининг бу икки йўналиши қадим Уструшона ёдгорликлари харитасида яхши қузатилади: улардан бири Нуртепа, Хонтепа ва Ховос томонга бўлса, иккинчиси эса Уструшона (Ўратепа) ва Оқтангига йўналган (Грицина, 1992, 18-б., 7 расм; 2000, 100 саҳифадаги харита). Уларнинг қай бири қайси йўналиш билан ҳаракат қилганлари, Кирополнинг қаерда Нуртепа харобалари ўрнида ёки Ўратепадаги Муфтепа харобаларида жойлаштирилишига боғлиқ.

Ёзма манбалар маълумотлари бўйича Искандар ва унинг саркардалари амалда анъянавий кўрсатилган етти шаҳарлардан анча кўп шаҳарларни босиб олишган. Балки бу етти шаҳар ёки қальялар энг бақувват ва мустаҳкамлари бўлиб, душман хавфи арафасида «ёввойилар» шу жойларга яшринишган. Бу ҳол Ариан маълумотларида тасдиқланади: “Айтишларича “ёввойилар” атрофдан бу етти шаҳарга қочиб келар эдилар” (Ариан, IV, 2, 1). Бу унча катта бўлмаган қишлоқлар жумласига етти шаҳардан ташқари, Саганактепа ва Саганактепа I харобалари ҳам киритилиши мумкин (Грицина, 1990, 12-б.).

Нуртепа харобаларига келсак, унинг ўрнига бирданига икки шаҳарни жойлаштирадилар: бири Киропол, кейингиси манбаларда маълум бўлмаган Хваток эди. Бошқача айтганда, етти шаҳардан яна бири номини тиклашга уринишидир. “Ховотак” сўзининг ўзи “куёш этаги” ёки “худойи” деб хозирги Нуртепа харобалари жойлашган Ховатоғ масканни номидан олинган деб кўрсатилади (Негматов, Беляева, 1986, 182-б.). Эски Ховос харобалари, бевосита, Нуртепа

яқинида, бир дарё соҳилида жойлашиб, табийки, унинг тарихи эски Ховос тарихи билан мустаҳкам боғлиқдир. Шунинг учун ҳам биз бу ёдгорликка шунчалик эътибор берамиз. Нуртепа шаҳар харобалари, Сават ва эски Ховос харобаларидағи қазишмалар натижасида мазкур минтақа учун ўзига хос ривожланган маданият аниқланмоқда. Нуртепа харобалари мустаҳкам мудофаа тизимиға эга бўлган маҳобатли арки аълоси бўлган. Шаҳар ичидағи уй-жойлар оддий ярим ертўлалардан иборат бўлиб, уларда тўғри тўртбурчак ва квадрат шаклидаги ғиштлардан ер устида курилган уй-жойлар билан уйғуналигини кузатиш мумкин (Негматов, Беляева, Мирбобоев, 1982, 91-107-бб.; Беляева, 1991, 22-28-бб.). Шунча ўхшаш манзарани Сават яқинидаги қишлоқ харобаларида ҳам учратамиз (Грицина, 1990, 19-21-бб.). Бу жиддий шубҳаларга пайдо бўлишига олиб келди: Нуртепа харобаларидек манзилгоҳларни шаҳар деб аташ мумкинми? (Зеймаль, 1987, 153-б.). Ҳакиқатдан ҳам буни қандай тушунтириш мумкин? Кучли мулкий табақаланишми ёки ўтроқлашаётган кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларнинг анънавий ҳаёт тарзими? Юқорида айтилганидек, сак қабилалари тураг жойлари ертўлалардан иборат бўлган-ку.

Бу ерда яна бир қизиқарли манзарани эслаш мумкин: Ертула ва яримтўлалар ҳатто шимолий Қораденгиз соҳилидаги юонон шаҳарларида ҳам маълум бўлиб, улар юонон мустамлакачилигининг илк босқичларида қўлланилган. Ақидаларга кўра, уни юононларнинг ўзлари қўллшган бўлса, эътиборга моликлиги бизнинг назаримизда, эса маҳаллий қабилалар ўзларининг анъаналари бўйича қуришган. Қадим Уструшона қишлоқ харобаларида ярим ертўлаларни дехқон ёки шаҳарлик бўлишни “истаб” янги келган кўчманчилар қуришган бўлишлари ҳам мумкин. Хонтепада очилган ярим ертўла эътиборга молик бўлиб, унинг кичик (210x112, чуқурлиги 106 см) ҳажми одатдаги тураг жой қаторига киритишга имкон бермайди. Ертўла тагига сомон буйра тўшалиши ва ундан япалоқ шаклдаги икки томонидан чўкич билан безакланган тош сандон, ертўлани оддийгина устахона деб қарашимизга асос бўла олади.

Аҳоли асосан чорвачилик ва сугорма дехқончилик хўжалиги юритган. Нуртепа Нижонисойдан чиқарилган каналдан сув ичган. Канал ва ариқлар тармоқлари шаҳар харобалари ва унинг атрофла-рида яхши кузатилади. Хонтепа харобаларида ҳам канал излари

(мумкин, Хўжамушкентсойнинг тўғриланган ирмоғи) кузатилади. Хонтепадаги қазишмалар жараёнида топилган ҳайвон суюкларининг таҳлили кўрсатишича, майда мол (50 % ортиқ) ва қора моллар (15% дан ортиқ) нисбати кузатилади.

Қазишмалар мобайнида топилган суюклар нисбатига кўра, хўжаликда ов ҳам муҳим ўрин тутган, топилган суюклар сонига кўра, жайрон ови қадим Уструшонанинг яна икки манзилгоҳида: Сағанактепа ва Сағанактепа 1 ёдгорликларида кузатилади. Жайрон ёки сайғоқ суюги парчасида пичоқ ёки катта найза колдиги кузатилиши эътиборга моликдир (Грицина, 1992, 22-б.). Яна шунингдек от, туя, эшак, тўнғиз, тўнғиз, тулки ва бошқа ҳайвон суюклари аниқланган. Суюклар таҳлили бўйича, қайроқкум маданияти ахлисининг асосий ов ҳайвони жайронлар бўлган (Литвинский, 1962, 263-б.).

Хозирча Совет яқинидаги қишлоқ харобалари қадим Уструшонанинг ғарбий чекка ёдгорликлари хисобланади. Бу ёдгорликларнинг очилиши бу ёзма манбаларда кўрсатилмаган кичик қишлоқ манзилгоҳлари моддий ва маънавий маданиятини ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам муҳим хисобланади. Сағанактепа қишлоқ харобаси Хонтепадан бор-йўғи ярим километр масофада жойлашган бўлиб, ундан анча кичик икки тепалиқдан ташкил топган. Улардан бирида квадрат шаклидаги гиштлардан қурилган ўчоқли хона очилди (Грицина, 1990а, 21-б.). Топилмалардан қирғоғи гардишига ёпишган жумракли кўза эътиборлидир. Жумрак пастки қисми ўзига хос бўртма безакланган. Бундай идишлар Эрон ахмонийлар даврига хос бўлиб, Ахмонийлар салтанати алоқаларининг чекка ўлкалари билан ҳам боғлиқлигини кўрсатади. Шу билан бирга Уструшонанинг Ахмонийлар салтанати таркибиға кирганлиги тўғрисидаги хulosага асос бўла олади. Бизнинг топилмаларимиз тасодифий эмаслигини, Нуртепадан топилган милодгача VI-IV асрларга таъалуқли айнан шундай идишлар ҳам тасдиқлаши мумкин (Негматов, Беляева, 1986, 184-б., 2 расм). Мумкин бундай идишлар Эронда топилган металлдан ясалган идишларга ўхшаш килиб ишланган. Шунга ўхшаш идишлар Қашқадарё вилоятидаги Кўргонча қишлоқ харобасида ҳам топилган бўлиб, анъаналарнинг Эрондан шимолий вилоятларга “харакати”нинг оралиқ босқичини кўрсатади (Ҳасанов, 1998).

Нуртепа шаҳар харобаларида бронза ҳамда темирдан ясалган майший ва ҳарбий буюмлар топилган. Шаҳарда металл эритиш печлари ва металлни қайта ишлаш устахоналари бўлиб, буюмларни шу ернинг ўзида тайёrlашган. Халқ маданий даражасини баҳолашда бу ерда топилган афсонавий ҳайвон тасвири туширилган қолипнинг топилиши аҳамиятга эга (Негматов, Беляева, 1986, 186-б., 3-расм; Беляева, 1990, 27-б., 1-расм). Қолипдан олинган ҳайкалча тасвири ҳайвонга тегишли бўлиб, унинг боши ит ё тулки бўлса, гавдаси коплонга ўхшаб кетади. Умуман бу, ҳайвонларни кетма-кет харакати лавҳасини беради. Бунга ўхшаш тасвиirlар, муаллиф фикрича, саклар санъатида кузатилади (Беляева, 1990, 26-б.). Нуртепа-ликлар маданиятига хос ҳумда илгари номаълум, арамейлар хатларига тақалувчи тирналган битиклар топилиши янада муҳимдир. Битиклар, тадқиқотчи фикрича, хўжалик мазмунига эга бўлган ҳарфлар авесто ҳарфларини эслатиб, унинг тараққийси маҳсули бўлган (Беляева, 1986, 478-б.; Негматов, 1986, 482-б.).

Бошқа қизиқарли топилма қирғич-устарага ўхшаш темир буюм (Беляева, 1991, 24-б.). Шундай қирғичлар билан юонлар қадимда ёғ ва лойдан таналарини қириб тозалар эдилар. Бу буюмларнинг милодгача VIII-VII асрларга пайдо бўлиб (Ҳасанов, 1998, 44-45-бб.), юонлик аскарлардан бири томонидан қолдирилган. Ўрта Осиё мамлакатларининг қадимги буюк салтанатлар таркибида киришлари уларнинг моддий ва маънавий маданиятларида ўз аксини топди. У ёки бу даврда шаклланган янгиликлар ҳар минтақада ҳар хил турлича кечди. Одатда, марказдан узоклашган сайин янгилик таъсири сустроқ кузатилса, аммо бу ҳол Уструшона маълумотларида унчалик сезилмайди.

Ўрта Осиё ва хусусан Уструшона тарихининг умумий хусусиятларидан бири одам суюкларини тарқатилган ҳолда катта идишларда (хумларда) дағн этиш қадимий анъанаси мавжуд эди. Яқин-яқинларгача бу дағн маросими илдизларини Хоразм Куйисой маданияти билан боғлаб, сўнгра у ердан милодгача V-IV асрларда Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларига тарқалган деб хисобланар эди (Вайнберг, 1979, 29-37-39-52-бб.). Аммо, бу даврга оид Бактрия-нинг Тиллатепа харобалари (Сарианиди, 1989, 38-б., 11-расм) ва қадим Уструшона (Беляева, 1994, 21-б.; Грицина, 1992, 22-23-бб.) ёдгорликлари топилмалари бу муаммога бошқача қараш имконини

беради. Зеро остодонлар ва идишга (хумга) дафн қилиш одати Марказий Осиёнинг бир эмас, бир неча минтақаларида бир даврда пайдо бўлганлигини кузатиш мумкин. Инсон суюкларини идишга солиб дафн қилиш милодгача V-IV асрлар арафасида пайдо бўлиши тасодиф эмас, зеро айнан шу даврда Ўрта Осиё давлатлари Ахмонийлар салтанати таркибиغا кира бошлаган. Бу катта даврий воқелик маҳаллий рухонийларни дафн маросимларини Авесто ақидаларига якинлаштириш томон интилишларидан далолат беради. Одам суюкларини ажратиб дафн қилиш маросими Марказий Осиё катор ёдгорликларида сўнгги бронза ва илк темир давридан маълум (Саъдуллаев, 1990, 34-36-бб.).

Уструшонанинг Нуртепа кишлоғида нафақат ажратилган, балки ёндирилган суюклар ҳам топилган. Бу эса, ажаб эмаски, саклар доирасидаги маҳаллий аҳолининг майитларини куйдириш одатидан идишларда дафн қилишга ўтиши воқелигидир (Грицина, 2000; 194-195-бб.). Қадим Уструшона ёдгорлиги Хонтепада қайд қилинганидек, шу даврга оид хумга солинган ит суюклари топилди. Идишдаги ит бош чаноги ва жағ суюклари дастлаб этларидан тозаланиб, офтобда қуритилган. Хумнинг таги тешилган. Тахмин килинишича, бу тешиклар ёруглик учун килинган бўлиб, кейинги остодонлар учун асосий белги ҳисобланган (Ставиский, 1952, 50-б.).

Назаримизда, бунинг жавоби суюкларни сақлаш фоясида бўлиб, унинг маъноси зардуштийларнинг суюкларни қайта тирилишларига ишонишларидир, тешиклар эса “суюк эгаларини тирилтирган” сўнги пайғамбар Саошъянтга мўлжалланган. Шундай экан, тешик идишни ёки остодонни қайси томонидан ва қай тарзда: оддий тешик, ёрик ёки шунчаки чала ёпилган копқоқ бўлиб, бу ўзига хос халоскор пайғамбарга таклифнома бўлган (Грицина, 1998, 91-б.; шуни ўзи, 2005, 192-193-бб.).

Хонтепадан топилган хумдаги ит суяги Авестода келтирилган ит ва одам яхлитлиги, қачонки ит ўлганда одамга тенглаштирилиши тасдигидир.

Шундай қилиб, илк дафн идишларининг Уструшонада топилиши уни нафақат зардуштийлик дини шаклланган даврга киришини ва шу билан бирга ўлкани Ахмонийлар салтанати таркибиға кирганлигини ҳам тасдиклайди.

ҚАДИМГИ УСТРУШОНА ЁКИ НУРТЕПА МАДАНИЯТИ

Узок вактлар мобайнида Нуртепа шахар харобалари амалда қадим Уструшона маданиятининг ягона ёдгорлиги ҳисобланар эди (Агар Оқтанги айвонини ҳисобламасак). 1986-1988-йиллар Совет яқинидаги қишлоқ харобалари очилгач, Тожикистаннинг Ленинобод (Сўғдий) вилояти худудидаги шунга ўхшаш ёдгорликлар тўғрисида маълумотлар эълон қилиниши билан Эски Ховос ҳакидаги қадим маълумотлар очила бориб, қадим Уструшона маданиятининг ўзига хос кирралари аниқланиб, у маданиятининг энг йирик ёдгорлиги номи билан Нуртепа маданияти номини олди (Грицина, 1992, 24-б.). Нуртепа маданиятининг ҳудуди Сирдарё-нинг чап - “уструшона” қирғонини қамраб олади (Нуртепа шахар харобаси, Совет яқинидаги қишлоқ, Муфтепа (Ўратепа) шахар харобалари пастки қатламлари, Ширин ва кўплаб яқинда очилган Искандар Зулкарнайн қўшинлари харакатлари йўналишидаги қишлоқ ва шахар харобалари: Каллахона, Уяз, Чигмайтепа, Мўлчоқтепа, Қизили қишлоғи яқинидаги Бахмал шахар харобаларини ўз ичига олади (Беляева, 1990, 78-80-бб.). Улар жанубда Шахристонсой ҳавзаси (Оқтанги айвони), гарбда эса Совет яқинидаги қишлоқ ва Эски Ховос харобалари билан чегараладилар.

Маданиятни бирлаштирувчи ўзига хос белгилар: ярим ертўла ҳамда пахса ва хом ғиштлардан қурилган маҳобатли иншоотлар уйғунлиги чорвачилик, сугорма дехқончилик, темирчилик, тўқимачилик, ёзув ва санъат буюмлари, маҳаллий сак қабилаларининг Ахмонийлар салтанатининг янги кириб келаётган ғоявий мафкураси таъсири асосидаги ўзига хос мафкуравий дунёқарашлар ҳисобланади. Сополлар мажмуасининг ўзига хослиги рангли бўялган идишларнинг йўқлиги, классик цилиндр-конуссимон шаклларнинг ҳамда оёкли идишларнинг йўқлиги ва шу билан бирга қўлда ишланган идишларининг кулол чархида ишланган идишлардан кўплиги кузатилади (Грицина, 1990, 18-19-бб.; унинг ўзи, 1994, 31-б.; Буряков, Грицина, 1994, 64-65-бб.). Эски Ховос харобаларида Эйлатан хилли бўялган идишларни топилиши умумий манзарага таъсир қилмай, унинг кўшни Фаргонга билан алоқаларини кўрсатади. Материалларнинг таҳлили, шунингдек, Ўрта Осиёнинг жанубий минтақалари ва Ахмонийлар билан алоқалари, ўзига хос маданий


кўприк Мароқанд орқали амалга оширилганини кўрсатади (Gritsina, Buraykov, 2002, 174-б.).

Милодгача III асрда қадим Уструшонанинг қишлоқларининг тушкунликка юз тутиши, Хонтепанинг юкори қатламларида кўчманчиларга хос сопол буюмларининг топилиши билан тасдиқланади. Аммо бу борада Хонтепа тадқиқотчиларининг таклиф этаётган санага рози бўлиш хато, чунки улар бу даврни милодгача I ва милодий I асрлар билан, яъни сув манбаларининг йўқолиши билан боғлаб, амалда буни изоҳлаб бера олмайдилар (Неъматов, Беляева, 1986, 187-б.).

Нуртепа маданиятининг кейинги равнақига келсак, у Зоминнинг Эски Ховос, Кўргонтепа ва бошқа ёдгорликларда яққол кўзга ташлнади. Илгариги қабила анъаналари кулолчиликда, хўжалик юритишида, уй-жой тузилишида кузатилса ҳам, янги давр сифатий ўзгаришлари сезилади. Кулолчиликда юонон-бактрия таъсири яққол сезилади, бу албатта, Мароқанда орқали амалга оширилиб, сўнгра маҳаллий анъаналар билан чекка ўлкаларгача боради (Древний Замин, 1994, 34-37-бб.).

Шундай қилиб, маълумотлар асосида, Уструшонанинг Нуртепа маданияти ривожланиши икки асосий босқичга ажратилиши мумкин. Биринчи босқич маданият шакллангандан бошлаб, қадим Уструшона манзилгоҳларининг инкирозигача бўлган, бўлиши мумкин, Яксартнинг чап кирғоидан чиқкан кўчманчилар сикуви кучайган даврга тўғри келиб, у милодгача VI-III асрларни ўз ичига олади.

Аммо, қадим Уструшона қабилалари ва маданияти келгинди халқ орасида йўқолиб, аралашиб кетмади. Милодгача III аср охирларида Уструшона кучли яrim кўчманчи Кангюй давлати



Сафанактепе.
Мато излари мавжуд сопол идиш парчалари.

Мил. авв. IV-III асрлар



Зомин. Құрғонтепа шаҳар харобаси.
Мил. авв. II-I асрларга оид тош
киргичлар

таркибида ёки унинг кучли таъсири остида бўлади. Кангюй давлатининг милодгача II-I асрларда барқарорлашувидан унинг худудларида қатор кишлоқ манзилгоҳлари пайдо бўлади (Зоминда Қўргонтепа, Хитайтепа, Мугтепа, Эски Ховос, Қалиятепа ва бошқалар). Шундай манзара қўшни Чочда ҳам кузатилади, Ю.Ф. Буряковнинг фикрича, бу ерда шаҳар маданияти шаклланиши бошланади

(Буряков, 1982). Археологик маълумотлар асосида Фарғонада ҳам шу даврда йирик манзилгоҳлар шакллана бошлайди (Матбобоев, Грицина, 2000, 108- б.; Матбобаев, Ширинова, Иванов, 1998; Анорбоев, 2001, 10-11-бб.; Матбобоев, 2002). Уструшона ерларини Кангюй (Чоч) таркибида, аниқроғи, унинг бешта кичик мулкликлари қатоorigа кирганлиги тўғрисида ёзма манбалар маълумот бермайдилар. Шундай бўлсада, бевосита улардан бири Юйни (Чоч) чегараси яқинида жойлашган Ширинсой қабристонидан антропологик материалылар уч антропологик типга таъллуқли мураккаб таркибдаги аҳолига тегишлигини бўлиб, (Герасимов, 1949, 125-129-бб.) янги келган қабилаларнинг ҳаракати ва жойлашишининг мураккаб манзарасини кўрсатмоқда. Бу ерда Кенкол қабристонидагидек ва ўра қилиб кўмиш усуслари кузатилади (Гайдукевич, 1952, 333-б.). Биздаги маълумотлар бундай қабилаларнинг Уструшонанинг ички худудларига ҳам етиб боргандарини кўрсатмоқда (Древний Заамин, 1994, 38-б.). Фикримизча, айнан шу даврда, шимолий Уструшона нинг асосий савдо йўллари ва унинг тармоқлари барқарорлашади. Бу даврда Сангзор дарёси бўйлаб, Жиззах темир дарвозаси орқали борадиган йўл фаоллашади. Фаллаорол, Жиззах ва Ховос қишлоқ харобалари муҳим ўрин тутадилар. Асосий савдо йўли шимол томон силжиб, Фаллаорол (Қурғонтепа шаҳар харобаси) – Жиззах

(Қалиянтепа шаҳар харобаси) - Даштобод (Қоратепа шаҳар харобаси) - Ховос (Ширин шаҳар харобаси) - Мунчоқтепа харобалари – Хужанд. “Ховос йўли” деб аталадиган Зоминдан Қоратепа харобалари орқали Ховос ва кейин Курката га борадиган йўналиш пайдо бўлди.

Шимолий Устру шона антик давр манзилгоҳларининг пайдо бўлиши ва юксалишида Буюк Ипак йўли фаолиятининг бошланиши муҳим ўрин тутади. Чоч томонга савдо йўллари, Ховосдан Хўжанд орқали Яксарт – Сирдарё кечувига, сўнг пастга Бенакент ва Кангуй кичик ўлкаси Юени (Канка харобалари)га сўнгра эса, воҳанинг ички худудларига борар эди.

Уструшонанинг Нуртепа маданияти равнақининг иккинчи босқичини кўрсатувчи тўлиқ археологик мажмуа милодгача II-I асрларга тўғри келиб, Зоминдаги Қуронтепа харобалари ва Эски Ховосда кузатилади. Улардаги изланишлар, аввало, яқин минтақалар (Фарғона, Шош ва хусусан Сўғд) ва узоқ жанубий ўлкалар билан изчил алоқалар мавжудлигини, алоқалар асосан, Сўғд - Самарқанд орқали амалга оширилганини кўрсатмоқда.

Археологик изланишлар ҳажми хозирча, илк «ховослик»ларнинг маънавий ва иқтисодий ҳолати тўғрисида тўлиқ тасвур бера олмасада, улар бошқа ёдгорликлар (Хитойтепа, Зоминдаги Кўргонтепа) маълумотлари билан биргалиқда асосий ҳолларда ўз аждодлари, қадим Нуртепа маданияти анъаналарининг давомийлиги кузатилади. Ажаб эмаски, Ховос ва Зоминдаги қишлоқ харобалари кўчманчилар томонидан қувилган хонтепаликлар томонидан курилган бўлса. Зоминнинг илк манзилгоҳи айнан қаерда жойлаш-



Сағанактепа. Мил. авв. IV-III асрларга оид сопол идиш парчалари

гани ва унинг кейинги худудий тараққиёти қандай бўлганлиги маълум эмас. Шундай бўлсада, унинг Зоминсувнинг чап соҳилида жойлашганлигини тахмин қилиш мумкин. Шахар арки аълоси (Древний Заамин, 1994, 31-б.) яқинидаги 1 қазишмадан бу даврга оид сопол идишларнинг топилиши тасодиф эмас. Бу ҳолда манзилгоҳ худуди анча катта бўлади. Чунки биринчи ва учинчи қазишмалар ораси 900 м масофани ташкил қиласиди. Бутун худудида бу давр материаллари учрайдиган Ховос шаҳар харобаларининг ҳам майдони бундан кам эмас.

Археологик қазишмалари маълумотларига кўра, қадимги ховослик ва зоминликлар уй-жойларини ўша давр анъаналари асосида ҳом ғишт ва пахсадан қуришган. Шу билан бирга ярим ертўласимон уйлар анъанаси ҳам мавжуд бўлган. Уй ҳайвонлари суюкларининг, тош ёрғучоқ, кели ва сопларнинг топилиши ривожланган чорвачилик ва суғорма дехқончилик бўлганлигидан гувоҳлик бермоқда. Буларнинг барчаси маданий-хўжалик юритишининг анъанавийлигини билдиради. Тош буюмлар орасида ёрғучоқлар билан бирга тош эзгич ва палахмон тошлар ҳам учрайди. Халқ овчилик ва балиқчилик билан ҳам шуғуланган.

Зомин ва Ховосдаги қадим манзилгоҳларнинг аҳамияти, уларнинг қуляй, серқатнов, бир томондан Хўжанд ва Фарғона орқали Хитойга, иккинчи томондан Чоч ва Марказий Осиёнинг шимолий туманларига олиб борувчи савдо йўлларида жойлашганлигидир. Бу манзилгоҳлардаги аҳоли хаётининг яна бир муҳим аҳамияти Мирзачўл кўчманчилари билан муносабатларининг мураккаблиги эди. Бу ёдгорликлар тепа кўргонлар шаклида бутун Мирзачўл бўйлаб ёйилиб ётибди. Афсуски, улар ҳанузгача синчиклаб ўрганилмаган. Шундай бўлсада, юкорида кўрсатилганидек, Кўргонтепа сопол мажмуасида дашт кўчманчилари билан мустаҳкам алоқалар мавжудлиги кузатилади. Бу на факат маҳаллий аҳоли, балки келгинди, юкорида эслатилган, Сирдарё ортидан Ўрта Осиёнинг ичқрисига харакатланган юечжи қабилалари эди. Уларнинг Зомин ва Ховос тарихида тутган ўрни хақида муҳокама қилиш қийин.

Қадим Зомин кишлоқлари тўғрисида айтилганлар кўп жихатдан Ховос қадим қишлоқларига ҳам таъллуқлидир. Аммо, Ховосга камида икки асрлар олдин асос солиниб, тарихи воқеаларга бой, зеро

Зоминдан фарқли ўлароқ, унда даврий узилишлар йўқ. Бу тарихнинг хукми...

Уструшонанинг бошқа худудларига келсак, милодий I асрларда Фаллаорол, Жиззах, Ховос, Ўратепа, Мунчоқтепа, Куркат ва Нуртепа шаҳар харобаларида ҳаёт давом этар эди. Бу давр ёзма манбаларда анча суст ёритилган. Бу “нотинч” даврда ўтрок ва кўчманчи халқларниң ўзаро муносабатлари салмоқли ўрин тутишида таъминотчи, албатта, маълум инқирозни бошидан кечирсада, хануз кудратли, Кангуй давлати эди. Бу давр билан икки: Совет яқинидаги Сағанак ва Жиззах тумани Учтепа қишлоғи яқинидаги қабристонлар боғлиқ. Сағанак қабристонида Кенқўл хилдаги (бирбирига перпендикуляр лаҳадсимон ўра тарзида) икки қабр қазиб очилди. Топилган буюмлар милодий II-IV асрлар билан саналанади. Жиззах яқинидаги Учтепада ўхшаш кўмиш иншоотлари Ў. Алимов томонидан қазиб очилган. Ю.А. Заднепровский фикрича, мазкур дафн иншоотлари маҳаллий эмас, балки келгинди ахоли анъяналари билан боғлиқ (Заднепровский, 1997, 38-39-бб.).

ИЛК ЎРТА АСРЛАР: ТАРИХ ЛАВҲАЛАРИ

Уструшонада давлатчиликнинг шаклланиши “нотинч давр” қаърида юзага келган бўлсада, унинг кейинги босқичи илк ўрта асрларга (IV-VIII асрлар) тўғри келади. Бу давр тўғрисида ёзма манбалар кисқа ва саёз маълумот берсаларда, археологларнинг саъиҳаракатлари боис бошқа даврларга нисбатан анча кенг ўрганилган. Илк ўрта асрлар “кўшк маданияти” даври ҳисобланиб, халқ асосан мустаҳкам кўшкларда яшаган, шаҳар манзилгоҳлари худудлари чекланган бўлган (Беленицкий, Бентович, Большаков, 1973, 6-б.). Бу ҳол Уструшона учун ҳам хос эди. Пойтахт маркази бўлмиш Бунджикат шаҳри худуди, масалан 10 га дан ошмаган. Тахминан шундай майдонга Сабат, Кўштепа шаҳар харобалари, Каттакиртепа харобалари ҳам эга эдилар (Грицина, 1992, 61-б.). Айнан шу даврда илк бор ёзма манбаларда Уструшона ўз номи билан келтирилади. Энди ўлканинг ўз номи аниқ (Шуайдушана, Судуйшана, Судушина, Сутулисена) келтирилиб, унинг жуғрофий хусусиятлари берилади. Сюань-Дцзан, маълумотлари бўйича, мамлакат шимолида катта кумлоқ, ўт-ўлансиз, сувсиз дашт табиийки, Мирзачўл бўлса, жанубида Боси (Туркистон тизмалари) тоғлари, унинг жанубий этакларида хукмдор туради (Малявкин, 1989, 68-б.). Хитойлик сайёҳ эътиборида табиат мўжизаси, мустаҳкам ёпилган гор оғзидан вақти вақти билан тутун чиқиб туриш ҳолиати ҳам четда қолмаган. Бу гор Еча шаҳрининг ёнида жойлашган бўлиб, унда “ҳар йили икки марта курбонлик қилинар эди. Одамлар тутун чиқиб турган форга қараб турардилар, кимга тутун тегса у ўлар эди” (Малявкин, 1989, 78-79-бб.). М.Е. Массон Ече шаҳрини ва табиийки, илохий горни Кантог тоғлари этагида, Яғноб дарёси бўйида жойлаштиради (Массон, 1934, 60-б.). Ҳақиқатдан ҳам Равот қишлоғи қаршисида табиат мўжизаларидан бири жойлашган бўлиб, неча минг йиллардан буён бу төғ (маҳаллий номи Кухи Малик) тагида олов ёниб ётади. 203 гордан тутун, газ ва олов учқунлари кўриниб туради. Бу 1 км чукурликдаги кўмир қатламиининг ёниши оқибати эди (Хошимов, 2001, 178-179-бб.; Бубнова, 2002, 109-б.). Аччиқтош олиш услуби тўғрисида ёзган араб манбалари ҳам шунга эътибор берган бўлсалар керак. Ал-Истаҳрий (Истаҳрий, 1973, 119-б.), ибн Хаукал (Бетгер, 1957, 21-б.) ва ибн Бекран (Бекран, 1973, 49-б.)лар

қоялардан бирида фаватгина битта ғор бор эди, деб ёзадилар. Хитой манбаларида ҳам бир ғор түгрисида маълумот бор. Ҳар икки ҳолатда ҳам гордан ҳаёт учун хавфли тутун чиқиб туради. Мумкин, адабиётларда кўрсатилганидек, бир ғор түгрисида сўз бораётгандир (Массон, 1934, 50-б.)? Аммо бу атроф тоғларда манбаларда тилга олинган Еч шахрини талқин қилиш мумкин бўлган йирик шаҳар харобалари топигани йўқ.

Зоминлик тадқиқотчи Оға Бургутли (Саттор Қарабоев) бошқа бир ривоятни таклиф этади. Унга кўра, хитой манбаларида кўрсатилган ғорни Бешпшагар қишлоғи яқинида жойлашган горга қиёслаш мумкин. Бу ғорда у бир неча ўчоқлар қолдигини очган, унинг фикрича, Еч шахри шу қишлоқдаги ёдгорликлардан бири ўрнида бўлса керак (Оға Бургутали, 1992, 21-22-бб.). Шунга ўхшаш хулосага Л.М. Сверчков ҳам келади, унинг фикрича, Еч шахри Пшағорсой қўйи оқимидағи Хатаб қишлоғи яқинидаги Миктепа I-III тепалар гурухи ўрнида жойлаштиради (Сверчков, 1999, 79-80-бб.). Аммо бу ғорда Ўзбекистон-Россия палеолитик экспедицияси қазиган ва тин ер қоягача олиб борилган шурфда маданий қатламлар аникланмади. Фақатгина юкори қатламлардан бир неча сўнгги даврлар сопол парчалари олинди (Кривошапкин, Сайфуллаев). Мумкин юкорида эслатилган ўчоқлар ҳам сўнгги даврларга оид бўлса керак. Бу таклифлар қизиқ бўлсада, ҳозирча асоссиз тахмин бўлиб қолмоқда.

Эътиборга олиш жоизки, тоғли Уструшона худудида яқинида илк ўрта асрлар ёдгорликлари жойлашган ўнлаб ғорлар мавжуд. Масалан, Искандаркўл яқинида жойлашган Машқобод аталмиш ғорни олайлик, унда мумиё топилган (Хошимов, 1990, 9-б.). Шунинг учун ҳам факат археологик тадқиқотлар, ва биринчи навбатда қазишмалар муаммони ечимини топишга ёрдам беради.

Илк ўрта асрларга оид манбаларига қайтсак. Бу даврда Уструшона турклар хукмронлиги остида эди. Унинг анча ёш, исми келтирилмаган ҳокими (618-626 йиллар), Кан (Самарқанд) билан биргаликда Хитойга элчилар юборган. Уструшоналикларнинг тили Сўғд тилига яқин ёки бир тил гурухига кирган бўлиб, Амударёдан Сирдарёгача бўлган кенг худудда тарқалган Хитой манбаларининг гувоҳлик беришича, Давандан гарбга Анси давлатигача сўзлашувда анча фарқ бўлсада одамлар бир-бирларини тушунишган (Бичурин,


1950, 188-б.; Негматов, 1957, 63-б.). Бу борада уструшоналикларнинг тили сўғд тилига ўхшашлигига Чилҳужрадан топилган тахтада ёзилган Уструшона хатлари гувоҳлик берадилар (Пўлотов, 1975, 81-85-бб.).

Хозирда нафақат илк Уструшона шоҳларининг саройларининг ўрни, балки қароргоҳлари тўғрисида ҳам етарли маълумот олиш мумкин. Қароргоҳ хақиқатдан ҳам Боси - Туркистон тоғларининг шимолий этагида, шимолий Тожикистоннинг Шахристон кишлоғидаги Қалъя и Қаҳқаҳа харобалари ўрнида жойлашган. Араб жуғрофлари Уструшона пойтахтини Бунджикат (Hudud al-Alam, 1970, р. 115; Материалы по истории Киргизов и Киргизии, 1973, 18-б.; Бетгер, 1957, 20-б.), аммо илк ўрта асрларда у Панжикент деб айтилган.

Уструшона шоҳларининг саройлари мустаҳкам мудофаа тизимиға эга иншоатлар мажмуасидан иборат эди. Унда кенг тахти равондан ташқари “кичик” зал, сарой ибодатхонаси, ётоқхона ва турар жой хоналари, хўжалик хоналари ва минглаб текистланган тош ҳамда палахмон тошлар топилган бир-бири билан боғланган куроласлаҳа хоналари очилган. Марказий йўлак поли тагида, суфа бўйлаб, катта хумларда озиқ-овқат маҳсулотлари соҳланар эди. Уларда 9-10 тоннагача дон ва бошқа маҳсулотлар сақлаш мумкин эди.

Сарой талон-тарош қилиниб, вайрон қилиб, ёқиб юборилганига қарамай, унда бебаҳо маданият ва санъат ёдгорликлари топилган. Полнинг лой сувоғидан бронза танглари хазинаси топилиб, улар орқали илк Уструшона шоҳларининг номлари маълум бўлди. Сарой хоналарининг ташландик қатламларидан икки юзга яқин, одам ва ҳайвон тасвирлари туширилган ўймакор безакли куйган дараҳт парчалари, ҳайкаллар топилган. Шу билан бирга одам, куш, афсонавий, фантастик лавҳалар топилган. Амалда саройнинг барча хона ва йўлакларида маҳобатли рангтасвир қолдиқлари сақланиб қолган эди. Улар орасида энг қизиқарлиси олти метрли “абадий” шаҳар - Рим символи тасвири эди (Негматов, 1968, 22-23-бб.; Воронина, Негматов, 1979, 68-б.). Уструшона шоҳлари гўё Византия христианлигининг қаттиқ таъсирида бўлгандай туюлар эди. Шунчалик катта тасвир гарбнинг яққол таъсирига боғлиқлиги кўзга ташланар эди.

Балки бу ва Уструшона хукмдорларининг тангларидаги тенг то-



Афшин Чирдмииш тангаси

монли хоч тасвири ўта эрксевар ва хушхулқы ғарб христианлиги ва турк тотемистик қараашларининг ўзига хос келишуви Она бўри тимсолига чуқур ҳурмати белгисидир (Нестеров, 1990, 98-99-бб.). Боз устига ҳар иккала символ: Хоч ва Она бўри икки хил талқин қилиниши мумкин. Хоч тимсолига яна қайтамиз. “Она бўри”га тасвирига тўлароқ тўхталамиз. Бу бизни илк ўрта асрлар дунёсининг мураккаб буюк тенгликлар имкониятлари томон етаклайди, яъни янги шаклланган давлат турли жаҳон диний тизимларининг кучли таъсирига учрайди.

Ёзма манбалар маълумотларига кўра, Уструшона шоҳлари туркларга тобе бўлганлар. Милодий I минг йиллик ўрталари - Евроосиё даштларида салмоқли ўзгаришлар даври хисобланади. Бу ўзгаришлар скифлар, саклар ва сарматлар аждодларини туркий қабилалар томонидан изчил сиқиб чиқариш амалга оширилган. Сиқиб чиқариш жараёни шиддатли ва натижалари салмоқли бўлган. Манбаларда келтирилишича, бу даврда қатор йирик турк давлат тузилмалари ташкил топган: Буюк турк ҳоқонлиги, Шарқий ва Фарбий ҳоқонликлар, Буюк Булғор ва Ўйғур ҳоқонликлари ва бошқа кўплаб ҳоқонликлар. Турк ҳоқонлари Ўрта Осиё ва жануби-шарқий Европа тарихига салмоқли таъсир кўрсатган биринчи Евроосиё салтанатини ташкил қилдилар. Бу давр ҳақиқатдан ҳам қадимги турк даври деб аталади (Кляшторный, Савинов, 1994, 8-б.).

Хоқон Истеми даврида (575 йил вафот этган) турклар ғарбий ерларда ўз ҳарбий кудратининг чўққисига чиққанлар бўлган. Ўрта



Күлтепада топилган V асрға оид Пероз томонидан зарб қилингандын таңгаси

Осиё ва Қозогистоннинг кўп худудлари улар хукмронлигига бўлган. Туркларнинг куч ва қудратини ўз даврнинг буюк давлатлари – Византия ва Эрон ҳам тан олишган. Ўрта Осиёда турклар эфталитлар билан тўқнашишларига тўғри келди. Улар Сосонийлар билан ҳарбий битим тузиб, эфталитлар салтанатига қақшатқич зарба бердилар ва кейин эфталитлар давлати тутатилиди.

Аста-секин, собиқ “иттифокчи”лар ўртасида нифоқ чика бошлийди. Туркларнинг Эронга бир неча марта юришлари ва эронийларнинг туркларга қарши юришлари натижасиз якун топади. Турклар ва Эрон сосонийларининг Ўрта Осиёдаги мулклари орасида чегара (Амударё бўйлаб) узоқ вақт, сосонийларнинг араблар томонидан тор-мор қилингунига кадар ўзгармай қолади.

Туркларнинг Ўрта Осиёда бўлишларини ал-Ёкубий (IX аср) киска бўлсада, жуда образли таърифлаган. Туркларда “уй-жай” ва қаъалари йўқ, улар кигиз ёпилган чанғароқли чодирларда яшайдилар, мих ўрнига от ва мол териларидан ясалган қайиш ишлатадилар. Улар кигиз тайёрлашда жуда моҳирлар, кийимлари ҳам кигиздан. Овқатлари от сути ва гўштидан ва кўпроқ ёввойи паррандалар истемол қиласидилар. Темир оз бўлганлиги сабабли камон ўқини суяқдан ясайдилар. Улар Хуросонни қуршаб олиб, жанг қиласидилар ва босқинчилик қиласидилар.

Хуросон вилоятлари орасида турклар билан урушмаган вилоят

йўқ ва турклар ҳам урушмаган вилоят йўқ” (Волин, 1959, 295-б.). Бу таърифни кейинроқ ал-Идрисий тўлдиради: Барча турклар қуй ва мол гўштидан афзал кўриб, от гўштини ейишади. Гурунч, балиқ ва гўшт ҳам истеъмол қиласидилар. Уларда май оз.

Уларда эркакларга қаратганда аёллар қизиқконлиги туфайли уларнинг қоматлари расо, чиройли ва мустақиллар. Феъл-авторлари кучли. Туркларда ўсимлик ёғлари (бор). Шамни ёғдан қиласидилар. Ундан ташқари уларда сут, ёғ ва асал кўп. Уларнинг пуллари мисдан, киймлари эса мўйнадан (Идрисий, 2003, 56-б.).

Турклар Ўрта Осиёнинг ички туманларига дунё ҳақидаги ўз тасвурларини олиб кирдилар. Айнан шу даврда туркларнинг келиб чиқишилари тўғрисидаги ривоят кенг тарқалади. Манбалар бизгача қадимги туркларнинг келиб чиқиши ҳақидаги бир неча афсоналарни етказади. Бу афсонага кўра, туркларнинг Ашина номли аждоддлари катта ботқоқлик бўйида яшашган, аммо, тез орада қўшни уруг томонидан қириб ташланган. Факат 10 ёшли бола тирик қолган ва уни ҳам душманлар уриб ботқоқликка ташлашган. Уни Она бўри топиб, боқиб олади. “Она бўри билан бирга ўсиб яшаган боладан Она бўри хомиладор бўлиб қолади». Душманлар болани топиб ўлдирадилар, аммо Она бўри Гаочан (Турфон) тоғларида яширинади. Бу ерда, ғорда Она бўри ўнта ўғил туғади, улар улғайиб маҳаллий аёлларга уйланадилар, ҳаммалари бола-чакали бўлишади. Уларнинг ҳар бирлари уруғ номини оладилар, биттаси эса Ашин номини олади. У ўз манзилгоҳида бўри боши тасвири туширилган байроқ қўяди. Аста-секин унинг уруғи кўпайиб бир неча юз оиласи етади. Ашина авлоди Асяншод жужан когонининг вассали бўлди.

Афсонанинг бошқа кўриниши бўйича, милодий V аср ўрталарида жужанлар қўл остидаги Ашинлар авлодининг 500 оиласи Олтойга кўчиб келишган. Бу авлод одамлари темирчилик билан шуғуланиб, аварларга хирож тўлайдилар. Бу ерда улар илк бор Олтой тоғлари шаклига монанд дубулғалари туфайли турклар деб атала бошландилар (Нестеров, 1990, 99-б.).

Шундай қилиб, афсона қадимий туркларнинг келиб чиқишини Шарқий Туркистон билан боғлайди. Бу хитой манбалари маълумотлари билан ҳам тасдиқланади. III аср охири ва IV аср бошларида бир гурух гунн қабилалари 460 йилгacha яшаган шимоли-гарбий Хитойдан Турфан туманига сиқиб чиқариладилар. Шу йили уларга

жужанлар (аварлар) хужум қиласылар ва оқибатда улар Олтойга күчадилар. Улар орасыда Асяншод бошчилигидаги ашинлар қабиласи ҳам бор эди. Табиийки, Шарқий Туркистонда яшаган вактларида ашинлар эрон ва тохар халқлари билан яқин бўлиб, ўз маданиятларини бойитганлар ва узоқ турк-сўғд алоқаларини бошлаб беришган.

В асрдаги кўчишлардан кейин Ашин уруғининг аслзодалари “турк” номли маҳаллий қабилалар иттифоқини бошқариши ўз зиммасига олди. Ашин қабиласининг номи Шарқий ва Гарбий Ҳоқонликларнинг авлодлари номига айланади. Айнан шу вақтдан “турк” сўзи ёзма манбаларда қайд этилади. У “кучли”, “кудратли” мазмунини беради. Эътиборга олиш керакки, “ашина” сўзи фақат хитой манбаларида учрайди ва ҳозирча қадим турк ёдгорликларда қайд этилмаган. Унинг таржимаси ҳозирча муаммо бўлиб қолмоқда. Унинг эътиборга яроқли талқини “кўк”, “мовий” бўлиши мумкин. Хитойликлар турк-ашинлар номини эроний шаклда қадим туркий “кок” иборасининг “кўк”, “мовий” тарзида олган бўлсалар керак (Кляшторный, Савинов, 1994, 14-б.).

Ашин авлодлари келишларидан илгари Олтой туркларида буғукийик тимсоли билан боғлиқ тотем қолдиқлар мавжудлиги таҳмин қилинади (Нестеров, 1990, 96-97-бб.). Ашин авлоди бош бўлганилиги туфайли унинг тотеми - қўриқчи бўри умум Турк ҳоқонлиги тимсолига айланади. Хитой йилномаларида турк жангчиларини бўрилар деб атаганлар. Турклар келиб чиқишининг иконографик талқини ҳозирча, биргина 1968 йилда Мўгулистанда тоپилган Бугут тошидаги сўғдий битигига Она бўри ва унинг остида оёқ-қўллари кесилган одам тасвирида қайд қилинган (Кляшторный, Лившиц, 1971, 212-146-бб.).

Уструшона ҳукмдорлари ҳам табиийки, туркларнинг бу тотеми ҳакида уларга қарамликлари ва кон-қариндош алоқаларда бўлганиликлари туфайли яхши билишган. Эндилиқда Уструшона шоҳларидан қайси бири ва нима учун айнан Она бўри тасвирини таҳтиравон олдида куйилишига “фатво” берганлигини билмаймиз. Бу фақат ҳашам оқибатими ёки ҳақиқатдан ҳам шоҳлардан бири-нинг христиан ақидасига кирганлигими ёки яна шу даврлардаги турли диний оқимлар асоратими ёхуд мутлақо бошқа сабабларми? Ҳар ҳолда христианлар ҳам, турклар ҳам, зороастрийлар ҳам, буд-

дийлар ҳам (деворий суратларда барча динлар таъсири сезилади) бу манзарани ўз талқинида ижобий қабул киладилар. Бошқа томондан бу барча дунё динларининг ўзига хос келишув ғояси (Худо ягона-ку!) талқини эмасми?

Уструшона ўрта аср давлатчилиги илдизларига қайтамиз. Юқорида кўрсатилганидек, милодий IV-V асрларда Уструшона алоҳида мулклик сифатида ажралган. Илк ўрта асрлардаги хитой йилномаларида, юқорида кўрсатилганидек, янги давлат номи ва унинг чегараларини анча аниқ кўрсатадилар. Эндиликда мусулмонлик даври манбалари маълумотлари ёрдамида ҳозирги замон харитасига туширишимиз мумкин бўлади, буни ўз вақтида Н.Н. Негматов бажарган (Негматов, 1957, ҳаритага қаранг). “Уструшона” сўзининг маъноси ҳозирча номаълум, аммо у бир буддийлар худоси Суд-ру-шанани эслатади. Агар бу даврларда Хиндистон билан алокалар яқин бўлганлиги ҳисобга оладиган бўлсақ, сўзни олиниши эҳтимолдан холи эмас. Уструшона ҳукмдорларидан бири Сатачари III тангалари юзасида фил тасвирланган. Номнинг ўзи ҳам санскрит-лар тилидаги Садачарьяга тақалиб, “муаллим” маъносини англатади (Смирнова, 1981, 33-б.).

Уструшонанни Хитой манбаларида кўрсатилган чегаралар бўйича турклар ва сўнгра араблар ҳам учратадилар. Оқибатда IX-X асрларда араб тарихчи ва жуғрофлари бу ҳақда батафсил маълумот берадилар. Шундай бўлсада, барча бу манбаларда Уструшонанинг биринчи ҳукмдорлари номлари сақламаган. Улар номини бизга О.И. Смирнова томонидан яхши ўқиб ўрганилган тангалар аниқлаб беради (Смирнова, 1981, 31, 34, 35, 230, 234, 428, 484-бб.). Дастрлаб бу ноёб тангаларни сўнги кушонларининг Ўрта Осиёда зарб қилинган тангалари деб қаралди. Бу хусусда бошқа тахминлар ҳам бор эди. Фақат бундай тангаларнинг айнан Шаҳристондаги Қалъя и Қаҳқаҳа харобаларилан мунтазам топилиб, жамламани тўлиб бориши ва ёдгорликни пойтахт деб талқин қилиниши, тангаларнинг келиб чиқиши ҳақида фикр юртиш имконини беради. О.И. Смирнова фикрича, бизга маълум биринчи ҳоким ёки ўша вақтларда афшин деб юритилган биринчи ҳукмдор номи Чирдмиш бўлган. Тангаларда у кулиб тургандек, тасвирланган. Шоҳнинг номи сўғдийдан “Митрдан тарқалган” деб таржима қилинади ва Зардуштийларнинг куёшга сифинишга боғлиқ шартнома худосин англатади (Смирнова,

1981, 32-33-бб.; Dhavaliklar, 1971, p. 332-336). Авестода Митрага бағишиланган махсус боб бўлиб, унда “Михр-яшт - у ғолиб, баққувват, Ёлғонга қарши, Мақтовгв лойиқ... Яйловлари кенг, деб таърифланади (Авесто, 1990, 54-б.). Тангаларда Чирдмиш бошқа Уструшона афшинларидек, Эрон сосоний шоҳларининг тожлари каби чамбарак қанотли қилиб тасвириланган. Шунингдек бош тасвири шубҳасиз, буддавийлар талқинидан олинган. Унинг кулоқларида катта сирға, буйнида уч йирик тошли мўнчоқ осилган. Юз тузилишлари анча аниқ тасвириланган. Танганинг орқа томонида сулола белгилари ва битиклар мавжуд (Смирнова, 1981, 32-б.). Афшин Сатачари III «умаллим”, “устоз” нинг тангалари анча қизиқарли бўлиб, у ўз тасвирини ўрнига фил тасвирини жойлаштиради. Маълумки, фил Ҳиндистонда донишмандлик тимсоли бўлиб, филсимон худо Ганеш савдо сотиқ ҳомийси бўлган (Смирнова, 1981, 32-б.).

Нега айнан Сатачари III шу тимсолни лозим кўрди? деган савол пайдо бўлади. Шарқда савдо-сотиқ билан шуғулланиш доимо худога ёқсан юмуш ҳисобланган. Илк афшин хукмронликлари даврида савдо ниҳоятда авж олиб кетади, хусусан, Буюк ипак йўлининг кўплаб тармоклари бўйлаб у янада ривожланади. Айнан Уструшонада Зомин яқинида арабларгача бўлган VII-VIII асрларга оид Азларtepани илк карvon-сарой деб талқин қилиниши тасодиф эмас. (Древний Заамин, 1994, 22-25-бб.; Грицина, 1995, 21-б.). Шарқда йўлларни Турк ҳоқонлиги назорат қилган. Фарбда Эрон сомонийларини четлаб ўтадиган йўллар ўзлаштирилар эди, чунки улар савдо карvonларига тўсқинлик қилиб, савдогарларга оғир шартлар кўяр эдилар. Эндиликда асосий савдо йўли Хоразм орқали Каспий денгизининг шимолидан Кавказ ва Византияга ўтадиган бўлди. Волга томон йўллар очилди. Куруқлик йўлларини энди Ўрта Осиё савдогарлари эгалик қиласидар ва улар Хитой билан савдода етаки ўрин тутар эдилар. Биз учун энг муҳими, Суғдан асосий йўллар Уструшона орқали ўтар эди (Смирнова, 1953, 189-б.; Буряков, 1994, 12-14-бб.). Хусусан, нумизматик маълумотлар бўйича, бу даврларда Чочда топилган Роханча ва Сатачари афшинларнинг тангалари, улар орасида яқин алоқалар бўлганлигини қўрсатмоқда (Ерназарова, Кочнев, 1978, 145, 148-149-бб.). Савдо сотиқ шаҳар ва қишлоқларнинг юксалишига, маҳаллий савдогарларнинг бойиб кешишларига шароит яратди. Даромадларнинг салмоқли қисми давлат

хазинасига тушар, ўз навбвида давлат хукмдори савдо-сотиқ ривожини қўллаб қувватлар, уни рағбатлантирар эди. Унинг тангалари эса, бунга доимо хизмат қиласар эди.

Раханчанинг III типдаги тангаларининг, орқа томонида христианларнинг Георгий хочига ўхшаш тенг томонли хочининг пайдо бўлишини қайд этиш мумкин. Уларга ўхшаш хочлар Ўрта Осиёнинг бошқа хукмдорлари тангаларида ҳам учратилади. Булар Византияликлар танга зарбининг таъсири деб хисобланади (Ртвеладзе, Ташходжаев, 1973, 232-б.; Смирнова, 1981, 32-б.; Иваницкий, 1994, 64-66-бб.). Иккинчи томондан хоч бу қадим христианликкача бўлган нажоткор олов ва куёш тимсоли, абадий хаёт ва хайрхоҳлик белгиси хисобланган. Шарқ тимсолларидан унинг кенг тарқалиши тасодиф эмас. Хос ёнида уруғ тамғаси ёки сулола белгисини тасвирлаш билан хукмдорлар ўзича қуёш худосига яқинлашиш, уларнинг ҳокимияти қонунийлиги ва қудратини кўрсатган.

Нега Уструшона хукмдорларидан энг сўнгиси, Роханч III бу тимсол “ёрдамига” зориқжанини ҳозирча айтиш қийин. Эҳтимолдан холи эмаски, бу сулолалар ўртасидаги ҳокимият талашиш билан боғлиқ бўлиб, VIII асрлардан бошлаб, юқорида эслатилган шоҳлар номлари бошқа учратилмайди. Улар ўрнига бошқа уруғ хукмдорлари келадилар. Бошқа томондан, бу шоҳ тангаларида христиан хочи тасвирининг учраши, афшинлардан қайси бири тахти равон хонасида Она бўри тасвирини қўллаганлиги саволига жавоб бўлиши мумкин.

Демак, Уструшона тангаларида жаҳоннинг уч дини буддизм, зардустийлик ва христианлик тимсоллари кузатилади. Бу уччала дин давлат томонидан тан олинниб, хукмдорлар эса дин эркинлигини тарафдори бўлганлар.

БУТПАРАСТЛАР ТАРИХИДАН

Уструшона илоҳлари ва мафкурасига етарли эътибор берилган (Немматов, 1957; Смирнова, 1953, 190-б., яна унинг ўзи, 1971, 101-105 бб.). Бу борадаги барча тарихий хулосалар ёзма ва археологик манбалар асосида ёритилган эди. 1988-1989 йилларда эски Ховос харобалари устидан бир неча ҳайвон илоҳ-хайкалча парчалари то-пилди. Топилмаларнинг аҳамияти ўз вактида маълум бўлиб, улар шубҳасиз ховосликлар ва Уструшона халқларининг ҳам бутпараст бўлганларидан гувоҳлик берар эди. Аммо, афсуслар бўлсинки, то-пилмалар жуда ночор парчалардан иборат бўлиб, яна яхши сақланмаган ҳам эдилар. Шунинг учун ҳам ўз вактида, улар тўғрисида бирор хулоса чиқариш мушкул эди.

Шундан келиб чиқиб, ўқувчиларга маълумки, Ховос билан Буюк ипак йўли йўналиши орқали бевосита боғлиқ бўлган қўшни Зомин илоҳ ҳайкалчалари алоҳида қизиқишга эга.

Ҳайкалчалардан бири Зоминдан 3 км шарқда Сегасари қишлоғидаги Мозортепадан топилган (Оға Бурутали, 2001, 18-б.). Мозортепа устидан топилган, маҳаллий музейга тушган ҳамда озрок тозлашлар жараёнида топилган буюмлар асосида илк ўрта асрлар даврига оид бўлиб, яна X-XII ва XVI-XVII асрларда ҳам фаолият кўрсатган.

Ҳайкалча яхши эйланган лойдан қолипда ясалган. Устки юзасида ангоб излари сақланган. Орқа томони ва ёнларининг бир қисми пичноқ билан кесилган. Орқа томонидан устанинг бармоқ излари бор. Унга ҳам қисман ангоб қўйилган. Ҳайкалчанинг пастки ярми синган. Унинг сақланган баландлиги 6,5 см.

Ҳайкалча тўғри тик тасвирланган. Боши олдинга эгилган ҳолда. Сочлари текис қилиб, силлиқ орқага тараалган. Юзлари тор ва унинг ўнг ярми сал эгилган. Қошлари тўғри эгилмаган тик. Кўзлари бодомсимон, корочиглари бироз осилган. Бурни синган, мўйлови битта, эгилган ип каби узун, учи қулоқ чаноқларига етади. Энгаги овалсимон, тоза, соқолсиз, бўйни калта, елкалари энсиз, чўккан. Чап елкаси ўнг елкасидан баланд. Кўллари кўксига босилган, ўнг қўли чап қўли тагидан ўтган. Чап қўлининг барча беш бармоқлари яққол тасвирланиб, икки билагузук тақилган. Ўнг қўли қўлтиғи тагида. Кўлларининг юқори қисми, елкасидан пастда ҳам яна икки

билигузук бор. Кийими халат ёки ёқасиз күйлак бўлиб, жуда ба-шанг тасвирланган. Енгларида тирсагидан пастроқда тик ва кўндаланг тахланиш кузатилди. Бўйнига тўққизта бир хил халқали мунчоқлар шодаси осилган.

Умуман ҳайкалча жуда узок фойдаланилмаган қолипда моҳирона ишланган, бутун тана аъзолари, кўл ва юз тузилишлари ҳамда кимиймлари икир-чикирларигача яққол тасвирланган. Эгил-ган боши, нигоҳларининг пастлиги ва қўлларнинг кўксига туриш ҳолати чуқур қайғу ва «сигиниш»ни билдиради.

Энди ўхшашиб белгили ҳайкалчаларни таққослашга ҳаракат қиласиз. Унчалик кўп учрамайдиган иккала қўлини кўксига қовуштириб туриш ҳолати тасвирига эътиборни қаратадиган бўлсак, у энеолит ва бронза даврларида, қадим илоҳларнинг “кўзғалиш” интиҳосида баъзан учраб туради. Одамларни қўлини кўксига қовуштириб туриш ҳолати Эроннинг парфия ва хусусан сосонийлар даври санъатига хосдир.

Худди шу ҳолатни Тонг-и-Сарвак ва Бешапур тош ҳайкалларида ҳам кузатиш мумкин (Grishman, 1962, fig. 68; 1971, fig. 10). Сосонийлар даври идишларидаги тасвирларда ҳам шоҳ қаршисида қўлларини кўксига қовуштириб турган аёнлар тасвири маълум. Бир идишдаги тасвирда Хусрав I Ануширвон тўртга қўлларини қовуштирга аёнлари куршовида тасвирланган. В.Г. Луконин ўз вақтида эътибор берган сосонийлар даври асари “Ководнинг ўғли Хусрав ва унинг хизматкори”да шундай лавҳа талқин қилинади: «Келиб чиқиши эронлик, Каёнийлардан бўлган ўсмир қўлларини кўксига қовуштириб, бармоқлари қўлтиғи тагида шаҳаншоҳ қаршисида турибди» (Тревер, Луконин, 1987, 81-б.). Сўнгти «бармоқлари қўлтиғи тагида» ибораси нега идишлардаги тасвирларда ва бошқа ҳайкалчаларда бармоқлар акс эттирилмаганини изоҳлаб турибди. Бошқа




Зомин худудидан топилган VI -VII асрларга оид ҳайкалча

ҳайкалчаларда бунинг тескариси бармоқлар яққол тасвирланган. Бунинг қандай аҳамияти борлигини бор маълумотлар билан изоҳлаш қийин. Ҳар қалай, сосонийлар даври идишидаги мусиқачилар ва хизматкорлар қуршовида таҳтда турган шоҳ тасвирида хизматкорлар кўлларини қовуштирганча “эҳтиром” ҳолатида туриб, бармоқлари кўлтиқ остида «яширинган» (пастдаги тасвир) бошқасида эса, бармоқлари яққол (юкоридаги тасвир) кўрсатилган ҳолда тасвирланган. Бироқ бу фарқни шундай изоҳлаш мумкин, пастдаги тасвирда шахс маълум муддат харакатсиз турган ва “чукур” хурмат ҳолатини билдиради, юкоридаги тасвирда ҳозиргина шоҳга косани топширган ва дарҳол “одатдаги” ҳолатга кирадиган ҳолда тасвирланган (Тревер, Луконин, 1987, 33/16-расм).

Таъкидлаш жоизки, сосонийлар идишларидаги тасвирлар қатор томонлари билан бизнинг ҳайкалча тасвиридаги кийим бичимлари, мунчоқ ва билакузуклар, юз тузилиши жуда ўхшайди.

Якин ўхшашликлар излаш бизни илк ўрта асрлар Суғдига бошлиди. Бу ерда бир гурух кўлларини кўксига қовуштирган ҳолатда тасвирланган ҳайкалчалар бўлиб, В.А. Мешкерис уларни кўриниши бузилган ҳайкаллар хилига киритган. Уларнинг барчаси Эрмитажда сақланади. Улардан бири бутунлигicha сақланган. Унинг чап қўли ўнг кўлининг остидан ўтган. Елкасида тилли учбурчаксимон ёриқ бўлиб, қанотлар ёки олов тилини билдиради (Мешкерис, 1977, 46- б., XXIX жадвал, 67). Яна ҳайкалчалар орасида олов ёки қанотларсиз тасвирланганлари ҳам бор, кўллари ҳам бошқача, ўнг қўли чап қўли остидан ўтган ҳолатда тасвирлаган (Ўша ерда, 46 бет).

Пажикентда ҳам аёл ҳайкалчаси парчаси топилган бўлиб, кўллари қовуштирилган ҳолда тасвирланган. Тахмин қилинишича, ҳайкалчанинг паски қисми, аникроғи оёклари одмники эмас, балки ҳайвонники бўлган ёки ҳайкалча аралаш одам ҳайвон Зомин худудидан тошаклида бўлган (Беленицкий, 1961, 95-б., 20 пилган VI-VII асрларга расм). Кўллари кўлтиғи тагида турган оид ҳайкалча



холатдаги тасвирил ҳайкалчаларнинг юқори қисмлари Варахша харобалари ва унинг атрофларидан топилган ҳайкалчалар орасида ҳам учратилади (Шишкун, 1963, 49-б., 12-расм).

Сўғд остодонлари лавҳалари орасида ҳам қўллари қовуштирилган ҳолда тасвириланган аёллар ва эркаклар тасвири учратилади. Баъзи тадқиқотчилар остодонлардаги бу ҳолатдаги тасвиirlарни мотам лавҳаси билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Хусусан Ф. Грене мазкур лавҳани Панжикент деворий суратларидағи маълум мотам маросимлари тасвиirlари билан боғлайди. Бу остодон топилмаси муаллифлари уни VII-IX асрлар билан саналаб, тасвиirlарда “кушон-сўғд русумидаги турк либослари”ни қўрадилар (Горячева, Береналиев, 1979, 590-591-бб.). VI-VIII асрлар шарқ санъати асарларида Л.И. Ремпел таъкидлаганидек, шоҳ хизматкорлари ва қўриқчи фаришталар худованди таҳти қаршисида “ибодат” ҳолатида тасвиirlаниши лавҳасида К.А. Иностраницев таҳминини кувватлаб, остодонлардаги қўлини қовуштириб турган қўриқчи фаришталар эканлигини айтади. Унинг фикрича, Тараз остодонларидаги қўлларини қовуштириб турган тасвиirlар ҳам қўриқчи хизматкорлар бўлишган (Ремпель, 1957, 104-б.). А.М. Беленицкий Панжикет остодонидаги қўлларини қовуштириб турган қанотли шахсларни учар даҳо деб атайди (Беленицкий, 1955, 8-б., 36-расм).

Г.И. Богомолов фикрича, мазкур шахс тасвиirlари “қалб қўриқчилар ёки Овесто қамровидаги бошқа кичик худолар” ҳисобланади (Богомолов, 1987, 101-б.). Л.В. Павчинская ва О.М. Ростовцев Саритепа остодонидаги уч шахс тасвирини таҳлил қиласлар эканлар, уларни ибодат лавҳаси деб талқин қилдилар ва шахсларни аёл ёки эркак коҳин (тасвиirlарда жинсий белгилар қўрсатилмаган) тасаввур қиладилар. Шахсларнинг қўлларини кўксига қовуштириб туришлари ҳолатини эса кўплаб ўхаш лавҳалар орқали ибодат ҳолати деб талқин қиладилар (Павчинская, Ростовцев, 1988, 95-б.). Назаримизда бу таклиф эътиборга лойиқ.

Панжикет суратларидағи лавҳалардан бирида бир неча худован-дилар иккинчи даражадаги шахслар билан тасвириланган. Улардан бири тизаллаб, “хурмат” сақлаш ҳолатида қўлларини кўксига босиб турибди (Беленицкий, Маршак, Распопова, 1993, 157-б., 9-расм). Бу лавҳа юқорида қўрсатилган сосоний лаганларидағи тасвиirlарга уйқош бўлиб (Луконин, Тревер, 1987, 33-б., 16-расм), бу ерда ик-

кинчи даражали шахслар худога хизмат қилдилар, лагандаги тасвирда эса, улар шохга хизмат қиласылар.

Хинд иконографиясида Важараҳункар худоси қўлларин қовуштириб турган ҳолда (хункар ҳолати) тасвиранганд. Бу худонинг Кашмирдан олиб келинган бронзадан VIII асрда ясалган ҳайкалчаси Қирғизстоннинг Чўй водийисидан топилган. Вишну яқинида жойлашган абадиятга маҳкум Деогархнинг Вишну Дасаватара ибододхонасиининг (V-VI асрлар) жанубий деворидаги олти шахс тасвиридан бири ҳам қўлларини кўксига қовуштириб турган ҳолда тасвиранганд. Гол-Вихра ибододхонаси (Цейлон, XII аср) киришда ўнг томонда Будданинг хаёлга чўмган ҳайкали бор. Боншининг тепасида Будданинг севимли шогирди Ананда қўлларини кўксига босиб, қўзларини қуи солиб, “хурмат” сақлаб турибди. Сўнгги икки ҳолат бизнинг ҳайкалчада ҳам мавжуд. Баъзан Будда ҳам қўлларини қовуштириб, «ўйчан» ҳолда тасвиранганд (Gritsina, 2001).

Шундай қилиб, қиёсий таҳлиллар асосида хулосага келиш мумкинки, “хурмат” ва “ибодат” ҳолатлари ҳар қандай аниқ вазиятларда маълум мазмун ва аҳамиятга тўла ҳолда кимга ёки (нимага) ибодат қилиши ва сифинишиларига боғлиқ. Айтиш мумкинки, қўлларни қорнига қовуштириб ҳурмат келтириш одати бизнинг кунларимизгача ҳам етиб келган. Ўрта Осиё XV-XVII асрлар миниатюраларида хукмдорлар ва йирик амалдорлар олдида ҳамда тадбир маросимларида ҳурмат белгиси ҳолатида тасвиранганд.

Юқорида келтирилган барча ўхшашликлар ўрганилаётган ҳайкалча билан асосан бир нарса, қўлларини кўксига босиб туриш ҳолати билан боғлиқ. Бошқа томондан эса, ўхшашликлардан кўра фарқлари кўпроқ.

Ўрганилаётган ҳайкалча топилган худуд Уструшона маълумотларига эътиборни қаратамиз. Уструшонада топилган кичик санъат асарларини икки: қўлда ясалган қўпол жўн ва юқори сифатли қолипларда ясалган ҳайкалчаларга ажратиш мумкин.

Кўлда ясалган милодий VII-VIII асрларга оид учта бут ҳайкалчалар шимолий Тожикистанда топилган (Ранов, Салтовская, 1961, 121-б., 102-расм). Улар Фарфона бут-ҳайкалчаларига хос бўлиб, дағн маросими, аждодлар руҳи билан боғлиқ ва шу билан бирга фарфоналиклар ва уструшоналикларнинг бошқа

дунёқарашларига түгри келади (Брыкина, 1982, 84-113-бб.).

Иккинчи гурух ҳайкалчалар ясалиш усуллари (ангоблаш ва пишириш) ниҳоятда юқори сифати ва юз гавда ҳамда кийиларни тасвирлаб бериш техникаи билан ажралиб туради. Шундай ҳайклчалардан бири Қала-и-Қахқаҳа I харобаларидан топилиб, маҳаллий худолардан бири деб талқин қилинади (Малаева, 1986, 399-б., 1-расм; 401-б.). Бу билан келишиш мумкин, зеро суғдийлар ва уструшоналилар худолар доираси анча кенг бўлган.

Маълумотларга кўра, ҳар бир оила ва ҳатто, ҳар бир киши ҳам ўз бутларига эга бўлиши мумкин (Брыкина, 1982, 101-б.). Мумкин бизнинг ҳайкалчамиз ҳам шу гурухга таъллуқли бўлиб, уларни маҳаллий Уструшона худолари тасвирига тегишли бўлиши мумкин (Брыкина, 1982, 101-б.). Шу муносабат билан тасвирнинг юз тузилишига, қошлар ва кўз шаклига, мўйлов узунлигига ва соч таралишига эътибор берсак, ҳайкалчамиз юқори Зарафшондан (ўрта асрлар Уструшона худуди) топилган ёғоч бутни эслатади. Бут билан бирга топилган буюмлар (пичоқнинг ёғоч қини, қилиқ, ханжар, қўнгироқ, ойна ва бошқалар) билан бирга у Овестодаги Митра худосига боғлиқлиги кузатилади (Якубов, 1997, 50-б.).

Зарафшон дарёси юқори оқимидағи Қалъя и Нофиндан топилган бронза ҳайкалча ҳам кичик уй бутлари хилига киритилиши мумкин, унда ҳам қўлларини кўксига қовуштирган аёл акс эттирилган (Ставиский, 1961, 106-107-бб., 6-расм).

Юқорида ҳайкалчамизнинг баъзи ҳинд ўхшашликлари кўрсатилди. Ҳинд бутшунослиги билан қўлининг юқори кисмидаги билагузук тасвирлари ҳам кўрсатиши мумкин. Уструшонанинг тасвирий санъатида, хусусан ҳукмдорлар тангалари тасвирларида ҳинд маданияти унсурларининг ўзлаштирилиши яққол кузатитлади (Смирнова, 1981, 31-34-бб.; 324-335-бб.).

Сатачари афшиннинг тангаларида (III тип) фил - ҳинд донишмандлик тимсоли Ганеш, филсимон худо, савдо-сотиқ ҳомийси тасвирланган. Афшин номининг ўзи ҳам санскритча “садачарья”, “муаллим”, “устоз” мъиносини билдиради (ўша ерда, 32-б.).

Зоминнинг ўзидан, Оқтепа харобаларининг ilk ўрта асрлар катламидан бошқа хилдаги ҳайкалча топилган (Древний Заамин, 1994, 26-28-бб.). Ҳайкалчада эркак киши тасвирланган, унинг биринчи ҳайкалчадан фарқли пастга эмас, юқорига “карайди”. Унинг

кўллари қадимда синган бўлса, чап оёгининг бир қисми синган. Ҳайкалчанинг баландлиги 8,5 см.

Ҳайкалчанинг боши қолипда қуйилган бўлса, паски қисми кўлда тайёрланган. Тайёрланиш услуби бўйинча, у кулол дастгоҳида ва кўлда тайёрланган буюмлар орлиғидан ўрин олади. Қулоқлари тик-кайган ўсимта тарзида тасвирланган. Орқа томони кесилган. Бош ва тана туташган жойида устанинг бармоқ излари яққол кўрсатилган. Тана ва каллада мутаносиблик бузилган.

Ҳайкалчада тиззаллаб ўтирган одам тасвирланган. Юз тузилишлари, назаримизда сокинлик, осойишталик ва ибодат маъносини англатади. Ҳайкалчада қандайдир четган келтирилган белги-унсурлар йўқ. Ҳайкалчада Ўрта Осиёning икки дарё оралиғи вакили акс эттирилиб, унинг аждодлари эса маҳаллий уструшоналиклар сиймосидир.

Шундай қилиб, бу ҳайкалчаларни ўй бутларига қиёслаш мумкин бўлиб, улар маҳаллий уструшонлик худоларини хурматини сақлаш ва ибодат ҳолатларида тасвирланиб, қўшни мамлакатлардан олинган бадиий безаш усулларидан фойдаланилган.

Зоминдаги Жартепанинг илк ўрта асрлар қатламини тозалаш пайтида топилган ҳайкалча диққатга сазавордир. Афсуски, унинг иягидан пастки асосий қисми сақланмаган. У қолипда қуйилган. Орқа томонида уч бармоқ излари қолган. Юзаси ангобланмаган. Бурни ва юзининг ўнг томони ҳам шикастлангани боис, унинг эр-екак ёки аёл тасвири эканлигини аниқлаш қийин. Қулоқлари иирик, ҷўзинчоқ ҳалқалари бор. Пешонасида иккита шарсимон бўртма безак бор. Маълум бўлишича, бу Уструшона худудида бу хилдаги биринчи топилма. У ҳар қалай бу ерга кенг тарқалган Сўғд худудларидан келган бўлса керак.

Бу топилма уструшанликларнинг илк ўрта асрларда қўшни Сўғд билан кенг алоқада бўлганликларидан гувоҳлик беради, зеро бу ерда маданият ва санъат равнақида ўхшашиб жараёнлар кузатилади. Эски Ховос ҳаробаларидан ҳам бутун бутлар топилишига ишонамиз ва шундагина биз қадим ховосликларнинг “ѓоявий” жабҳалардаги баъзи жиҳатларига тўғри баҳо бера оламиз.

IX-XIII АСР БОШЛАРИДА УСТРУШОНА

Араб тарихчи ва жуғрофлари муғуллар истилосигача бўлган Уструшона ҳақида анча тўла ва батафсил маълумот берадилар. Аҳмад ал-Катиб Уструшонани “кенг ва муҳим мамлакат бўлиб, айтишларича унда 400 қалъя ва бир неча шаҳарлари бўлган (Негматов, 1953, 243-б.). Номаълум муаллифнинг “Китоб Худуд улолам мин-ал-Машриқ ила-л-Мағриб” (Дунёнинг шарқдан гарбгacha бўлган чегаралари китоби) асари X аср охирида ёзилган. Унда Уструшона “бепоён, кўплаб гуллаб яшнаган шаҳар ва рустакларга эга мамлакат” деб таърифланади. У ердан жуда кўп май келтирилади, унинг тоғларидан эса темир олинади (Hudud al-Alam, 1970, p. 115). Бир вақтда у Уструшонанинг кўплаб манзилгоҳларини санаб ўтади, шу жумладан Зоминда мустаҳкам қалъя борлигини айтади. Ал-Истаҳрийнинг маълумотлари бўйича, мамлакатнинг катта қисми тоғлардан иборат бўлиб, унда “кемалар сузишлари учун да-рё йўқ, худди шундай кўллар ҳам йўқ” (Материалы по истории киргизов и Киргизии, 1973, 18-19-бб.). Унинг ўзи Уструшонанинг худудларни тўла ва аниқ кўрсатиб, шаҳарлари номини келтиради: Чегаралари: гарбда Самарқанд билан чегарадош, шимолда Шош ва Фарғонанинг бир қисми; жанубда Кеш, Сағанион, Шуман, Вашд-жирд ва Рашта; шимолдан Фарғонанинг бир қисми... Шаҳарлари Арсианикет, Куркат, Газак, Вагкет, Сабат, Зомин, Дзак, Нуджикет ва Харакана, хукумдорлари яшайдиган шаҳар эса Бунджикат” деб аталар эди (Ўша ерда, 18-б.). Ал-Муқаддасий Марсмандни ҳам шаҳарлар қаторига қўшган. Ибн Хаукалнинг таъкидлашича, юқорида кўрсатилган барча шаҳарлар рустакларнинг марказлари бўлган, қолган рустакларда эса шаҳарлар бўлмаган (Бетгер, 1957, 20-21-бб.). Бошқача айтганда, Уструшона шимолда Хўжанд ва Сирдарё вилоятлари билан чегараланиб, жанубда Зарафшон дарёсининг юқори қисми ва Зарафшон тизмалари билан бошқа мулкликларни Ҳисор тизмаларидан ажратиб, шарқда Хўжанд ва Фарғона ерлари билан, гарбда эса Самарқанд ерларига туташади (Негматов, 1957, ҳаритага қаранг).

Манбалар маълумотларига кўра, Уструшона ҳудуди рустакларга (округ) бўлинар эди. Уларнинг аниқ сони ҳозирча номаълум. Уларнинг сони доимо ҳам бир хил бўлмаган, бу ҳақда кейинроқ айтамиз.

Ал-Муқаддасий маълумотлари бўйича улар сони 17 та бўлса, манбаларда эса факат 12 рустак номи келтирилади, айтишларича, барча катта шаҳарлар ўз рустакларида эга бўлган. Шундан келиб чиқсан, рустаклар сони 18 та, улардан Бунжикат, Сабат, Зомин, Бурнамад, Харакана, Фекнан, Ховос, Шавкат, Фагкат рустаклари даштда, Минг, Асбаникат, Бискар, Бангам, Вакр, Шагар, Масча, Бургар ва Буттам рустаклари тоғ қисмидаги жойлашган (Негматов, 1977, 43-б.). Фикримизча, юкорида келтирилган рустаклар қаторига Нужикатни ҳам қўшиш керак, чунки унинг номи Уструшона шаҳарлари қаторида эди; шу билан бирга Ховосни шаҳарлар ва рустаклар қаторида тилга олинмай, шунчаки йирик қишлоқ дейилгани учун рустак қаторидан чиқариш керак бўлди (Грицина, 2000, 34-б.). Қўйида кўрамизки, бу археологик тадқиқотларда ҳам ўз исботини топади. Агарда бу даврларда Нужикатнинг кўплаб қишлоқлари бўлган бўлса, Ховосда қишлоқлар деярли бўлмаган. Бундан ташқари Бурнамаднинг факатгина ярими тоғ рустаги бўлиб, колган ярми дашт рустаки эди. Шаҳарлари бўлмаган тоғли рустаклар орасида Бу-шагар (Шагар), Масча, Бургар (Фаргар), Бангам (Багнам), Минқ, Бискун (Бискар), Избаскет (Арсубаникат, Асбаникат), Вакр ва Буттамлар тилга олинади (Бетгер, 1957, 21-б.).

Иbn Хавкал маълумоти бўйича, Уструшона дехқончилик маҳсулотларининг кўплиги билан машҳур бўлиб, улар четга сотилар эди, бу унинг ҳудудида сунъий сугориш ва ирригациянинг юқори даражада бўлганлигидан гувоҳлик беради. Археологик изланиш-лар ўрта аср муаллифлари маълумотларини яққол исботлайди (Билалов, 1980, 14-б.). Шаҳарларда бозорлар гавжум бўлиб, бир неча катта, доимий кўргазмалар ишлаган, шу жумладан ёпиқ бозор-тимларда олис жойлардан одамлар келишган. Темир куроллар уструшоналиларнинг фахри (Минқ атрофи ва Марсманнда ишланган) бўлиб, “Хуросонда ундан барча фойдаланиб, Боғдоддан Ироқгача куролланганлар” (Бетгер, 1957, 21-б.).

Уструшонанинг пойтахти ал-Идрисийнинг айтишича тоғ этакларида жойлашган Бунжикат шаҳри бўлган. Ал-Муқаддасийнинг айтишича, “Бунжакас – бу катта ... шаҳар бўлиб, ҳосилдор, серсув ва одамларни кўп, ажойиб боғ-роғлар ва уйлар билан ўралган (Беленицкий, Бентович, Большаков, 1973, 191-б.). Ал-Истаҳрий, Иbn Хавкал ва ал-Муқаддасий маълумотларича, шаҳар атрофи бир



Эски Ховос. Сирланган сопол ости-
даги нақш. XII аср

гизов и Киргизии, 1973, 20-б.; Бартольд, 1963, 223-224-бб.; Негматов, 1953, 242-б.; Беленицкий, Бентович, Большаков, 1973, 190-191-бб.).

Бунжикат шаҳри Тожикистоннинг Сўғд вилояти Шаҳристон қишлоғидаги Қалъаи Қаҳқаҳа I-III харобалари ўрнида талқин қилинди (Негматов, Хмельницкий, 1966, 191-б.). Аммо шуни эътиборга олиш керакки, О.Г. Большакованинг шаҳар харобалари жойлашган ўрни, ўлчами ва бошқа белгилари ёзма манбалар маълумотларига тўғри келмайди ва вилоят марказини бошқа жойдан излаш керак деган фикри асосли бўлиши мумкин. Унинг фикрича, Бунжикат Ўратепада (Истаравшан) жойлашган бўлиши мумкин (Беленицкий, Бентович, Большаков, 1973, 191-б.).

Археологик ишларнинг кўрсатишича, Уструшонанинг арки аълоси ва ҳукмдор саройлари илгари кўрсатилганидек, Қаҳқаҳа II да эмас, Қаҳқаҳа I да жойлашган (Негматов, Мамаджонова, 1989, 92-б.). F. Гойибовнинг фикрича, шаҳристон харобаларнинг илгари ро-бот ҳисобланган (20 га), ҳозирги Шаҳристон қишлоғи жойлашган худудга тўғри келади. Бу тўғрида номининг ўзи ҳам гувохлик бера-ди. Рободга келсақ, уни Шаҳристон атрофларидан излаш керак бўлади (Гайбов, 1989, 44-45-бб.).

фарсах (6-8 км)ни ташкил этган. Унинг уй ва иншоотлари лой ва ёғочдан қурилган. Шаҳар икки қатор девор билан ўраб олинган эди. Шаҳарда, кўшклар, ҳовлилар, узумзор боғлар ва яна мачит, қамоқхона ҳам бор эди. Шаҳарда окар сув кўп, ундан каналлар оқиб ўтиб, уларда кўпгина тегирмонлар ишлар эди. Фақат эркакларгина 20 минг киши ташкил қиласр эди. Ташки демонинг тўрт: Зомин, Марсманд, Нужикат ва Каҳлабод дарвозалари бўлган (Материалы по истории кир-


Бунжикатдан ташқари Зомин, Дизак ва Сабот шимолий Уструшонанинг йирик шаҳарлари бўлиб, ёзма манбаларда уларга ҳам катта эътибор қаратилади.

Дизак Уструшонанинг катталиги ва аҳамияти жиҳатидан учинчи шаҳар эди, аммо, эътиборга олиш жоизки, ўрта асрлардаги машхур муаллифларидан бири ал-Муқаддасий шимолий Уструшонанинг йирик шаҳарлари ҳақида батафсил маълумот берар экан, Дизак тўғрисида бошқа маълумотлар бермай уни факат эслатади. Кўчманччи даштликлар чегарасида, мухим савдо ва кўчма йўллар туташган жойда бўлганлигидан, тезда кичик бўлсада мустаҳкам қалъадан шаҳарчага айланади, буни унинг номидан (Дизак - кичик шаҳар, қалъя) ҳам англаш мумкин.

Унинг илк антик даврга оид асоси ҳозирги Жиззах шаҳрининг жануби-шарқий томонида жойлашган Қалиятепа харобаларида талқин қилинади. Шу билан бирга яна ҳам қадимиyroқ маълумотлар (милодгача II-I асрлар) Зоминнинг Кўргонтепа харобаларидан олинган маълумотларга мос манбалар Дизакнинг атроф рабаларидан биридан олинди. Шундай қилиб, работлар ёки улардан бири шаҳарнинг ўзидан аввалроқ шаклланган (Пардаев, 2002, 123-126-бб.). Аммо, маълум воқеалардан Уструшонанинг IX асрда бутунлай босиб олинишидан сўнг у янги жойга кўчади. Эътиборга олиш кераки, айнан шу “янги шаҳар” тўғрисида IX-X асрлар манбаларида Дизак гуллаб яшинаган, гавжум, боғ-роғларга бой шаҳар бўлган. Файнан шу шаҳарни ислом тантанаси курашчилари

ғозийлар ёқтириб қолганлар. Дизак кўплаб работлари билан машхур бўлиб, бу ерда мамлакат ташқарисига ҳам маълум бўлган ажойиб жун кийим-кечаклар тайёрланар эди (Материалы по истории киргизов и Киргизии, 1973, 18-19, 21, 27-бб.; Бетгер, 1957, 20-б.).

Тахмин қилинишича,



Эски Ховос.
Дастархон парчаси

Сомонийлар даврида Дизак Қалиятепа ёки Ўрда харобалари ўрнида бўлган (Немцева, 1974, 3-5-бб.). Аммо бу давр маълмотлари ҳозирча топилмаган (Пардаев, 2000, 120-129-бб.).

Ибн Хавкалнинг хулосалари бўйича, “бошқа шаҳарлар бир-бирларига катталиклари, табиий шароитлари, боғлари кенглиги ва сув манбалари билан тўғри келадилар» (Бетгер, 1957, 21-б.).

Марсманда бошқалардан бир мунча ажralиб тураг эди. Ал-Муқаддасий ва Ибн Хавкал уни Уструшона шаҳарлари қаторига киритишмасада, аммо Ибн Хавкал ўз асарининг бошқа жойида уни тоғ шахри деб, бошқа тоғ шаҳарларга нисбатан катталигини кўрсатади. Марсманд таърифи чиройли ва вилоятнинг узок машаққатли жойларига хосдир. ”Марсманд эса ундан мустасно. У сўнгги тоғ шахри бўлиб, унда боғлар йўқ, умуман узумзорлар йўқ, аммо оқар сув бор. Кучли совуқлар шаҳарда боғ-роғлар ва узумзорлар бўлишига тўскىнлик қилади. У ерда дарё кенг ва қаттиқ музлайди. Аммо, шаҳарда ажойиб гулзорлар бор, майсазорлар ва гўзал жойлар бор” (Бетгер, 1957, 20-б.).

Мамлакатни афшиналар аталмиш шоҳлар бошқарар эдилар. Уструшона шоҳларидан ал-Афшин – энг кўзга кўринган шахс бўлиб, унга X асрдан бошлаб, сўнгги ўрта асрларгача ёзма манбаларда яхши эътибор қаратилган (Байхакий, 1969, 210, 247-251-бб.; Сиёсанамэ, 1949, 227-б.; Асир, 1985, 86-90-бб.; Минорский, 1963, 45-47-бб.; Ҳожиб, 1972, 964-б.; Мец, 1973, 317 ва бошқалар). Узоқдаги, унча катта бўлмаган мулклик, бирдагина бу инсоннинг шуҳратидан яраклади, Уструшона шоҳларининг атамаси “аф-шин” номга айланади. Бу ном илк мусулмонлар турихида энг ҳурматли босқични эгалади.

Ал-Афшин (ҳакикий исми Абу-л-Ҳасан Ҳайдар ибн Қовус) қабила бошлиғи вакили бўлиб, танглардан маълум бўлган илк сулола ҳукмдорлари ўрнига келган шоҳ. Юқорида таъкидланганидек, афшин Раханч III тангларида янги тенг томонли хоч тимсоли пайдо бўлади. Унинг пайдо бўлиши бу давр қарама-қаршилигининг акси деб баҳоланади. Афсуски, бу икки сулола ўртасида қандай кураш борганини билмаймиз, асосий воқеалар вақти ҳамда қайси хумдор даврида бўлганлигини ҳам билмаймиз. Аммо танглар ва улар берган маълумотлар асосида воқеаларни маълум даражада аниқ тиклаш мумкин (Смирнова, 1981, 30-35-бб.; 324-335-бб.).

Араблар Ўрта Осиё вилоятларини босиб олишга киришганларида, бу ерда кўплаб майда тарқоқ мулкларга дуч келдилар. Улар Ғарбий турк ҳоқонлиги таркибига кирган бўлиб, VII аср ўрталарида хитойликлардан енгилиб жуда кучсизланиб қолган эди ва аср сўнггида бутунлай тутгатилди. Шундай бўлишига қарамай турклар анча даҳшатли ва ҳаракатчан куч бўлиб, Мовороуннахрнинг ички ҳаётига маълум таъсирга эга эдилар. Улар тез-тез арабларгга қарши курашда маҳаллий хукмдорларга ёрдамга келар, баъзи мулкларликлар хар хил сулолалари тортишувларига аралашар эдилар. Мумкин, турклар Уструшона янги сулоласининг тикланишида ҳам маълум ўрин тутганлар. Унинг асосчиси, Харабугра Афшини Ал-Афшиннинг бобоси бўлган. Бу 720 йилда ёки ундан олдинроқ бўлган. Унинг турклардан келиб чиқиши ҳақидаги тахминни исменинг ўзи ҳам кўрсатиб турибди (Грюнебаум, 1988, 84-б.). Э. Вэссейера маълумоти бўйича эса, аксинча, Афшин Харабугра кейинроқ, арабларнинг 722 йилги Хўжандга қилган юришларидан сўнг хукмдор бўлган (Vaiissiore, 2001, р. 26-27). Маълумки бу вакъларда кўпгина хукмдорлар Ғарбий турк хонлари билан доимий алокада бўлиб, улар билан қариндош бўлишган. Ал-Афшиннинг ўғли Ҳасан ибн Ҳайдар, турк саркардасининг қизига уйланган, кейинроқ унинг Уструшонадаги ноиби бўлганлиги ҳам тасодиф эмас. Аммо уни О.И. Смирнова айтганидек, Уструшона шоҳларини турк бўлган дейишга жiddий асос йўқ (Смирнова, 1981, 34-35-бб.). Ал-Белазурий маълумотича, афшин Харабугара Қутайба ибн Муслимининг Уструшонага қилган маҳсус юришга қарши турган бўлиши эҳтимолдан холи эмас (Фойбов, 1989, 44-б.).

Аввало афшин Харабурга ат-Табарий томонидан 737 йилги воқеалар туфайли эсга олинади, ўшанда у турк хони ва қўшни вилоятлар хукмдорлари билан бирга яна бир бор арабларга қаршилик қилишга уринади. Бу гал ҳам улар енгиладилар. Яна шу манбада айтилишича, ҳоқон енгилганидан сўнг “Шурусанага келди, уни Ханаҳаранинг отаси Хара-бугрга, бобоси Қовус, ал-Афшиннинг отаси мусиқачилар билан кутиб олди, унга ва унинг қўшинига совғалар ва отлар берди. Улар бир-бирларига душман эдилар, аммо ҳоқон енгилиб қайтгандан сўнг, ўзида унга таъсир ўтказиш учун борини берди” (Табарий, 1987, 253-б.).

Кейинги 738 йилда унинг тахти Ханаҳарага ўтади, Ўрта Осиё та-

рихида унинг ҳукмронлиги энг узоқ давом этган (60 йилга яқин). У ҳам отасига ўхшаб, мустақил сиёсат ўтказишга уринади. Унинг биринчи йил ҳукмронлигиде ёқ қўшни Чоч йўлидан Уструшонага машхур араб ҳарбий саркардаси, кейинроқ Хуросан ноibi Носир ибн Сайёр ҳужум қиласи. Xанаҳара унинг талаблари учун пул тўлаб, ҳокимиятини сақлайди (Табарий, 1987, 269-б.) 752 йили у арабларга қарши, хитойликлардан ҳарбий ёрдам сўрайди, аммо улар ёрдам беришмайди. Шунга қарамай, у арабларга қарши курашни тўхтатмайди. Бу курашнинг қанчалик кучли ва доимийлигига шубҳаланиб бўлмайди. 795 йили Хуросоннинг янги ноibi ал-Фадл ибн Яхъё Мовароуннахрга қўшин тортади. Буни ат-Табарий қисқача шундай изоҳлади: “Ва Уструшона шохи Xанаҳара унинг олдига чиқди, илгари эса унга итоат қилмаган эди” (Табарий, 1987, 366-б.).

Ал-Афшиннинг отаси Кайковуснинг ҳукмронлиги ҳақида манбаларда қарийиб хеч нарса айтилмайди. Маълум бўлишича, кейинроқ унинг ўғли Ҳайдар ибн Қовус Уструшона ҳукмдори бўлади, уни барча ёзма манбаларда ал-Афшин ҳам дейишади. Шу муносабат билан Халил ас-Сабий «ал-Афшин лақабли Ҳайдар ибн Қовусни тақдирланиши тўғрисида қизик бир аниқликни келтиради, чунки у уструшоналик, уларнинг тилида ал-Афшин “шоҳ” мазмунини англатади...”.

822 йили араблар Мовароуннахр вилояти аҳлидан бири уструшоналикларнинг қаршилигини синдиришга муюссар бўлдилар ва улар мамлакатини босиб олдилар. Афтидан, ал-Афшин қаршилик кўрсатиш бефойда эканлигини тушуниб етади ва нафакат душманга таслим бўлади, ҳатто улар томонига ўтиб, ўз мамлакатини, ўз халқини босиб олишда уларга қўмаклашди. Нега у бундай йўл тутди? Унинг ҳаётининг кейинги саҳифлари кўрсатишича, бу ўзига хос усул эди. Буда ўз келажаги, ўз халқи ва мамлакати келажагини сақлаш йўлидаги чекиниш эди. Ҳар ҳолда, у мамлакат ҳокимияти устида қолади.

Манбаларнинг кўрсатишларича, ал-Афшин ўз мамлакатида деярли ҳукмронлик қилмаган. Шунга қарамай, у ислом динини қабул қилиб, Ҳалифалик пойтахтига кетишдан олдин ўзидан чукур хотира қолдиришга улгурган. Ал-Истаҳрий, ибн Ҳавкал ва ас-Сомоний маълумотлари бўйича, Мовороуннахрдаги энг катта роботнинг

курилиши унинг номи билан боғлик бўлган. У Худойсар робот деб юритилган (Истаҳрий, 27-б.; Бетгер, 1957, 20-б.; Камолиддинов, 1993, 100-б.). Бизнинг тахминимизча, уни Зомин туманидаги Пшагар қишлоғи яқинидаги Тўрткўлтепа карvonсарайи билан солишиб-риш мумкин (Грицина, 1999, 76-78-бб.; ўша, 2000, 70-73-бб.), бу ҳақда қуйида сўз юритилади. Ўрта Осиё учун ноёб бўлган темир ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, уни қайта ишлаш ва турли нарслар тайёрлашда Минк рустаки яқинида, ўз қабиласи юртини узок чет элларга машхур бўлиб кетишида ал-Афшиннинг ҳам ўрни катта бўлган.

Ал-Афшиннинг кейинги тақдири Халифат билан боғланган. У ўз ҳамкорлари билан биргалиқда ал-Маъмун (813-833-йиллар) сўнгра ал-Мұтасим (833-842-йиллар) саройларида яхши қабул қилинади. Бу ерда унинг ҳарбий саркардалик маҳорати тўла юзага чиқади. 831 -йили у Мисрда ва Мағрибда (шимолий Африка) арабларга қарши қўтарилиган қўзғолонларни муваффақиятли бостиради. Сўнгра қиска вақт ичida Озарбайжон ва ғарбий Эронда Бабек маздакийлари устидан ажойиб ғалаба қозонади. Бу ғалабадан олдин хуррамийлар - оташпаратлар халқ ҳаракати 20 йилдан ортиқ (815-838-йиллар) Халифатни ларзага солган эди.

Шу даврда нималигини ҳозиргача ҳеч ким билмайдиган хуррамийлар ҳаракати шимоли-ғарбий Эрон, Арманистон ва Озарбайжон худудларини қамраб олади. Уларнинг ғоялари арабларгача бўлган Олд шарқ мамлакатларри ғоялари билан кўп жиҳатдан аралашиб кетган. Ҳарқалай, бу ғоя Исломга қарши қаратилган яққол ғоя эканлиги кўплаб мусулмон манбаларида кўрсатилган. Бобек қўзғолони ҳакида таникли араб тарихчиси Ибн ал-Асир (1234 йилда ўлган) “Тарих ал-Комил” (Жаҳон тарихи) асарида батафсил маълумот беради.

Унинг маълумотича, 817-йилда “жовидонийлар бошида турган издоши Жовидон ибн Саҳл Бадданинг ҳукмдори Бобек Хуррамий газабланди (Бобекнинг қароргоҳи Аракс дарёсининг жанубида жойлашган). Бобекнинг таъкидлашича, Жавидон руҳи унга кириб, тартибсизлик ва вайрон қилмоқда.

Жовидон – абадий, мангуплик, хуррам – шодлик, хурсандчилик

Улар муғлар таълимотига содиклар...”. Рухларни бир ҳайвондан иккинчисига ўтишига ишонадилар...” (Асир, 1985, 86-б.).

Халифа ал-Маъмун бары бир исённи бостира олмади. Васиятномасида у шундай ёзган: "Хуррамийларга келсак, уларга қарши харакатчан, содиқ ва хотиржам кишини юбор, уни ва күшинларини маблағ билан таъминла, агар узокроқ қолиша, уларга қарши ёрдамчиларинг ва дўстларинг билан чиқ" (Асир, 1985, 87-б.) Ал-Маъмун меросхўри Халиф ал-Муътасим васиятнинг бу қисмини тўлиқ бажарди. "У харакатчан, содиқ ва хотиржам кимсани" ал-Афшин шахсида топди, ал-Афшин эса унинг ёнига ўз одамлари – уструшоналик ва фарғоналиклар билан келди.

Ибн ал-Асир хурамийларнинг тор-мор қилинишини шундай таърифлайди: Бу 222 (837-838 йиллар) йил Бобек шаҳри Бадд олинди ва унга мусулмонлар кириб, бойликларни талаб, шаҳарни вайрон килдилар... Бу шундай бўлган эди: Ал-Афшин илгарироққа Баддага силжишга қарор қилиб, аста-секин харакат қиласи. Кўшинларини хар томондан қуршаб олинганини кўриб, Бабек Баддан чиқди.

Ал-Афшиннинг элчиси кўшинларни қайташиб учун келганида унга фарғоналиклар байроқлари билан Баддага кириб, кўшкка чиққанларини айтдилар. Шунда у, ал-Афшин отга миниб, кўшинларга қараб қичқирди ва улар билан биргаликда шаҳарга..., Бобек кўшки томон йўл олди, у ерда эса, пистирмада ўтирган олти юз киши уларга қарши ҳужум қилди. Бундан фойдаланган Бобек ҳеч кимга сездирмай ғорга яширинди. Ал-Афшиннинг кўшини билан биргаликда ер ёғи отиб ёқилган кўшк дарвозалари олдида жанг қилиш билан банд эди... Аскарлар кўшкни бузиб, барча хуррамийларни кириб ташладилар. Ал-Афшин эса Бобек болалари ва оиласи асирга олди (Асир, 1985, 86-б.).

Бобекнинг ўзи эса анча вақтларгача Арманистон тоғларида бекиниб юрди. Унинг "румликлар мамлакати"га кириш учун уринишлари бефойда бўлиб, Император Феофилнинг (829-842-йиллар) унга нисбатан хайриҳоҳлиги амалга ошмади. Оқибатда Кавказ Албанияси мулқорларидан бири катта мукофот эвазига уни ал-Афшинга тутиб берди. 838 йилда Ал-Афшин Бобек ва унинг акаси Абдуллоҳ билан Самаррага келди. Халифа ал-Муътасим ўзининг қаттол душманидан қаттиқ ўч олади.

У "Бобекнинг кўл ва оёқларини... кесиб ташлаш тўғрисида буйруқ берди... шундан сўнг Бабек унинг олдига йиқилди. Ал-Муътасим уни сўйишни буюрди, уни сўйдилар, қорнини ёрдилар;

бошини ал-Мұтасим буйруғи билан Хурсонга юборадилар, танасини эса, Самарада ёндирилдилар”. Унинг укаси Абдуллоҳни ҳам шундай қилиб ўлдирилдилар (Асир, 1985, 89-90-бб.). Бошқа тахмин бўйича, Бобекнинг бир кўлини кесишса, у иккинчи қўлини қонга булаб, юзига суртган. Шунда Халифа Бобекни хўқизнинг хом терисига солиб шундай тикишни буюрганки, молнинг икки шохи, унинг қулоғига тўғри келсин. Тери қуриди, уни тириклай осиб қўйдилар, у азоб-укубада ўлди (Сиасет-намэ, 1949, 227-б.).

Золимликларини оқлаш учун бўлса керак, Ибн ал-Асир Бобекка «хисоб» қўяди. Бобек томонидан йигирма йил давомида бир юз эллик беш минг кишини ўлдирилган, шу жумладан ҳарбий саркардалардан: Яҳъё ибн Мааз, Исо ибн Мұхаммад ибн Абу Халид ва Аҳмад ибн ал-Жунайдлар тор-мор қилинганлар; асирга олинганлардан Зурайк ибн Али ибн Садоқ, Мұхаммад ибн Ҳамид ат-Тусий ва Иброҳим ибн Лайс бор эдилар” (Асир, 1985, 90-б.).

Ғалаба ан-Афшинни Халифа ал-Мұтасимнинг эркатойига, “буюк хизматкорларидан” бирига айлантиради (Минорский, 1963, 45-б.). Ал-Байҳакийнинг (XI аср) гувоҳлик беришича, “ал-Афшин Бобек ва Ҳуррамийлар устидан ғалаба қозиниб, Боғдодга келганида диндорлар панагоҳи ал-Мұтасим уни иззат-икром билан кутиб олиб, барчага уни пиёда саройга кузатиб боришлиарини буюради” (Байҳакий, 1969, 210-б.). Ҳилол ас-Сабий (Х-XI асрлар) маълумотлари бўйича, унга фахрий кийим-кечак, белбоғ, қилич, қимматбаҳо тошлар билан безалган билаузук ва мунчоқлар бошига тож кийдиришади. Тожнинг қирғоқлари қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди. Ал-Афшин салтанат ҳалоскори, деб эълон қилиниб, Ҳалифатда ал-Мұтассимдан сўнг иккинчи кишига айланади. Унинг шуҳрати янгидан-янги ғалabalар келтиради, жумладан византийлар устидан ҳам ғалаба қозонади. У Арманистон ва Озарбойжонда Ҳалифнинг ноиби қилиб тайинланади.

Ҳарбий урушлар жанггоҳларида ҳам ал-Афшин ўзининг яратувчанлик фаолиятини унутмайди. Ибн Хордадбехнинг (IX аср) маълумоти бўйича, у Озарбойжонда Барзанд шаҳрини қуриб беради. Манбаларда у тез-тез Буюк Афшин сифатида эслатилади.

Табиийки, бу ғалabalар Ҳалифанинг ўзини ҳам улуғлайди, зеро буларнинг барчаси унинг ҳукмронлик даврида амалга оширилди, унинг тожини безар эди. Тасодиф эмаски, ислом тарихи илдизлари-

нинг билимдони Низом ул-Мулк у ҳукмронлик даври таърифини келтириб: “Мұтасимнинг уч ғалабаси бўлган, уларнинг барчаси Ислом шуҳратини ошириш йўлида қилинган: биринчи ғалаба – Рум устидан, иккинчи ғалаба – Бобек устидан, учинчи ғалаба Табарисондаги Мазиёр Ғиёбр устидан қўлга киртилган. Агар бу ғалабаларнинг биронтаси бўлмай қолгандა ҳам Ислом йўқолиб кетган бўлар эди” (Сиасетнамэ, 1949, 227-228-бб.).

Буларнинг барчаси, албатта, Халифа сарой ахлининг ҳасадини келтирар эди, улар ал-Афшиндан кўркиб, унинг олдида тутилиб қолар эдилар. Халифанинг ҳам эркатойига муносабати ўзгара борди, унинг ҳаддан ташкари талабалари билан уни жонига тегар эди. Эндиликда Халифа оғзидан мақтовлар эмас, баъзи лаҳзаларда қаттиқ ҳақоратлар ҳам чиқа бошлайди. Бу ўзгаришларни сарой ахли тезда пайқаб, ҳар томонлама қўллаб-кувватлар эдилар. Бу камсишиш в ҳақоротлардан қанчаси Вазир Аҳмад ибн Абу Дуъаднинг хикоясида келтирилади мен “эронийларни маҳтай бошладим, зеро у уларнинг одами – уструшоналик эди. Мен бу қандай катта гуноҳ бўлсада, эронийларни араблардан устун қўйдим... Ал-Афшин менга кулоқ солмади... Бу иблис, яримхудосиз, мени назарига олмайди (Байхаки, 1969, 251-б.).

Ал-Афшиннинг боши узра булуллар янада қуюқлаша борди, хусусан унинг бу йилларда ўз она юрти Уструшона билан алоқалари айниқса, унинг араблар ҳукмронлигини ағдариб, аждодлари динини тиклаш мақсадида тайёрланаётган исёнга алоқадорлиги Халифага ишончли манбалар орқали етказилади (Негматов, 1977, 18-19-бетлар; Қодирова, 1965, 179-181-бб.; Бартольд, 1964, 497-б.). Охир оқибатда ал-Афшин исломдан қайтганлиқда айбланиб қамоққа олиниади ва очликдан ўлим жазосига ҳукм килинади ҳамда у ерда 841 йилда ўлади. Унинг жасади исломдан юз ўтирган шахс сифатида, аввал, Самарра дарвозасида кўйдириб ёқиб юборилади, кули эса Тигр дарёси устида сочилади (Бартольд, 1964, 497-б.).

Кўриниб турибдики, илк сулолалар ҳукмдорларини фақат тангалар орқали билсак, кейинги сулолалар ҳукмдорларини фақат ёзма манбалар орқали биламиз. Улардан бири Сайр ибн Абдуллоҳ номи бизгача тангалар орқали етиб келган (Бартольд, 1963; Кочнев, 1994; Калинин, 2001; Довудин, Шарипов, 2002). Умуман бу бизга маълум бўлган уструшоналик охирги ҳукмдор. 822-йилда араблар Устру-

шонани босиб олганларидан кейин Афшинларнинг тақдири қандай кечди? Манбаларда сакланган маълумотлар шулардан иборатdir.

VIII аср охири IX асрларда Ўрта Осиё бўйлаб халқ ҳаракатларининг кучли тўлқини ўтиб, Халифаликнинг қанчалик сусайғанлигини кўрсатди, натижада Ўрта Осиё ва Хурросон зодагонлари ўзлари ҳақида баралла овоз бера бошладилар. Араблар бокинидан сўниб қолган марказлашиш анъанаси кучая бошлади. Балхдан келиб чиқсан Бармакийлар таъсири кучайшидан қўрқкан Халифа Хорун ар-Рашид (789-809-йиллар) бу оиласи бутунлай кириб ташлайди. Унинг ўрнини бошқа маҳаллий Тоҳирийлар сулоласи келади (Фофуров, 1972, 333-334-бб.).

Сулола асосчиси Тоҳир ибн Ҳусайн Ҳирот вилоятидан бўлиб, Халифа ал-Маъмун (813-833 йй. саройида юксак обруга эга бўлади ҳамда тезда Хурросон ноиби даражасига кўтарилиди. Унинг ноиблигига анъана бўйича Мовароуннаҳр ҳам кирор эди. Тоҳирнинг ўзи ва унинг меросхўрлари мустакил сиёsat ўтказиб, Халифалик қарамлигидан тўла қутилиш ва бу вилоятларни ўз хукмронликлари остида бирлаштиришга интилишган. Унинг ўғли Талх (822-828-йиллар) даврида Уструшонада исломни жорий қилиш кучли тус олган ва Халифаликка қарши исёнлар шафқатсиз бостирилган. Талх Уструшонани бўйсундиришга ёрдам берган араб саркардаси Аҳмад ибн Абу Халид ал-Аҳвални ҳар томонлама қўллаб-кувватлаган. Унинг укаси Абдулло ибн Тоҳир (830-844-йиллар) ўз кўл остидаги вилоятларда йирик маҳаллий ер эгаларининг кучайишларидан қўрқиб, уларни химоя қилишга йўл бермайди. Бориш оғир бўлган тоғ қўшкларида яшаётган Уструшона хукмдорлари уни доимо хово-тирга солар эдилар. Бу ерда Сомоний Нуҳ ибн Асад унинг ўткир кўзи эди. У Самарқанд хукмдори бўлиб, мулкнинг ички ишларига тез-тез аралашиб тураган (Қодирова, 1965, 154-155-бб.). Афшинлар (Ханахара, ундан сўнг Қовус) Харун ар Рашид хокимиятини тан олиб, уни ўрнига келган ўғли ал-Маъмунни тан олмай, таъбиийки, унга бож тўлашдан бош топтадилар. Айнан шу вазият, Аҳмад ибн Абу Халиднинг Уструшонага қўшин тортишга сабаб бўлган (Негматов, 1977, 18-19-бб.).

Абдуллоҳ, ал-Афшин шахсида ўзининг хавфли душманини кўриб, 840-йилда унинг устидан суд жараёни ташкил этилишига қўмаклашди. Бу жараёнда барча сиёсий уринишлар ва қувғинларга

қарамай, Уструшонада исломга шунчаки кириб, амалда эса, ўз аждодлари динига сифинишар эдилар (Қодирова, 1965, 179-180-бб.; Фоғуров, 1972, 292-б.). Бунга ал-Афшин ва унинг меросхўрлари кўмаклашсаларда, Уструшона шаҳарларида IX асрда ислом диний муассасаларининг фаол бўлган. Араб сайёхларининг айтишларича, Зоминда “Эски шаҳарда” (яъни арабларгача бўлган шаҳарда) унинг эски ўрнида жомъе мачит бўлган (Бетгер, 1957, 20-21-бб.). Шундай бўлишига қарамай, Уструшонада бутпарастлик жуда кучли бўлган (бу ҳақда қуида сўз юритилади). Ёзма манбалар маълумотларига кўра, ал-Афшиннинг ўзи ҳам “шунчаки мусулмон бўлган” (Негматов, 1957, 73-74-бб.). Суд жараёнида ал-Афшинга бош айб сифатида унинг бутпарастлиги қўйилиши тасодиф эмас (Негматов, 1957; Смирнова, 1953, 190-б.; уни ўзи 1971, 105-б.). Шу муносабат билан икки сўғдликни гувоҳлиги эътиборга лойик, гўёки ал-Афшин уларни ибододхонага бостириб кириб, бутларини чиқариб ташлаганликлари ва уни мачитга айлантирганликлари учун аёвсиз жазолашга буйруқ берган (Беленицкий, 1954, 59-б.; Негматов, 1957, 74-б.).

Уструшонанинг тоғ туманларида аҳоли ўз динларига то муғуллар босқинигача содиқ қоладилар, бу археологик ва ёзма манбалар маълумотларида ҳам тасдиқланмоқда (Смирнова, 1971, 105-б.; Пулатов, 1993, 87-88-бб.; Грицина, 2000).

Тоҳирийлар билан деярли бир вақтда Сомонийларнинг ҳам юксалиши бошланади. Халифа ал-Маъмун бу сулола вакилларига хизматлари эвазига Мовароуннаҳр турли виллоятлари ноибли хукуқини беради. Уструшона ва Шош сулола бошлиғи ас-Сомон невараси Яҳъё ибн Асадга тегди ва у бу ерни умрининг охиригача (820-856-йиллар) бошкарди. У ўлгандан сўнг Уструшона унинг укаси Аҳмадга ўтади. У эса ноибликни ўз ўғли Ёқубга беради.

Таъкидлаш жоизки, у даврларда ерлар ином қилинар эди. Ноиб маълум ерни вақтинча ином тарзида олар эди. Унинг асосий вазифаси, Халифлик хазинасига бож йигиб топширишдан иборат бўлган. Аммо кўп ҳолларда Уструшонада бўлганидек, ҳокимият амлда маҳаллий ҳукмдорлар қўлида эди.

Юкорида айтиб ўтилганидек, ал-Афшин бўлмаган вақтларда Уструшонага унинг ўғли ал-Ҳасан ноиблик қиласар эди. Аммо, ал-Афшин қамоққа олингандан сўнг Халиф ал-Муътасим унинг

ўғилларини ҳам ушлаб келишни буюрди. Уларни қамоққа олиш Абдуллохга топширилган эди. У бу ишни тўғридан-тўғри бажаришдан қўрқиб, ҳийла ишлатади. У ал-Ҳасанга Мовароуннахри бошқариш ёрлигини юбориб, Нух ибн Асадни ал-Ҳасан ва унинг ҳамкорларини ҳам қамоққа олиш тўғрисида огоҳлантириди. Нух бу топшириқни катта мамнуният билан қабул қилди, чунки у Мовароуннахрда ҳукмронлик қилишда афшинларни ўзининг хавфли ракибларидан деб билар эди. Алоҳида мулкликлар ҳукмдорлари бўлган Афшинлар ўзлари эгаллаб турган вазифадан юқорироқ ўринларни эгалашга уринишларига шубҳа қилмаса ҳам бўлар эди. Бу тўғрида тоҳирийлар ва Самонийларнинг ал-Афшин ва уларнинг қариндошлари орасидаги курашдаги бурилиш ҳам гувоҳлик беради. Ёрлик юборилишининг ўзини эса, Ҳасан кутилган маош сифатида қабул қилди.

Ҳасан ибн ал-Афшиннинг кейинги тақдири ёзма манбалар маълумотларига кўра, бизга номаълум. Нумизматик маълумотлар бўйича бу сулола Уструшонага ҳукмронлик қилишни давом эттирган. Бу ўринда анъанавий ҳокимиятни тўғридан-тўғри отадан ўғилга мерос бўлиб ўтиши бузилмаган (Смирнова, 1970, 37-б.). Ҳижрий 279 йилда (893-894-йиллар) узок танаффусдан сўнг (Раханча III ҳукмронлиги давридан, яъни 100 йил) Уструшонада маҳаллий ҳукмдор номидан танга чиқариш тикланади. Бу афшин Сайёр ибн Абдуллохнинг мисдан ясалган фельслари эди (Бартольд, 1963, 269-б., 282-б.; Кочнев, 1994, 64-65-бб.; Довудий, Шарипов, 2002, 114-116-бб.). Табиийки, танга зарб қилиш маълум бир иқтисодий ва сиёсий мустақилликнинг нишонаси эди. Бундан келиб чикиб, таъкидлаш жоизки, бу сўнгги ҳаракат бўлиб, уструшанликларнинг мустақиллик учун олиб борган узок курашларининг фойдализ якуни эди.

Айтиш керакки, ас-Сайёр бу “кўполлиги” учун дарров жазоланди, В.В. Бартольднинг кўрсатишича, 893-йилдаёқ Уструшона тўлиқ таслим бўлиб, бевосита Сомонийлар мулкига қўшиб олинган (Бартольд, 1963, 281-б.). Ас-Сайёр ва унинг сулоласи йўқ қилинганми ёки вассал сифатида мамлакатни бошқарганми бизга номаълум. Ҳар қалай Мовароуннахрнинг бошқа вилоятларида, яъни қўшни Чочда маҳаллий ҳукмдорлар мўгуллар истилосигача катта таъсирга эга бўлиб, баъзилари ҳатто танга зарб қилиш

хукуқига ҳам эга бўлганлар.

Бизга Уструшонанинг 14 афшини (шохи) маълум (Смирнова, 1981, 230, 324-325, 428-бб.). Улардан еттитаси биринчи “тангали” сулола вакиллари ва яна еттитаси иккинчи ва охирги сулола хукмдорлари бўлишган. Биринчи сулола номлари орасида эҳтимол номсиз ёш шоҳ бўлиши ҳам мумкин, бу ҳақда (юқорига қаранг) хитой йилномаларида эслатилади. Мана бу сулолалар хукмронлиги қатори шундай тасаввур қилинади.

Биринчи сулола (тахминан милодий 600-чи йилдан 720-чи йилгача)

Чирдмиш

Сатачарий I

Раханч I

Сатачарий II

Сатачарий III

Раханч II

Раханч III

Иккинчи сулола

Харабугра 720-738-йиллар

Ханахара 738-800-йиллар

Қовус 800-825-йиллар

Хайдар (ал-Афшин) 825-840-йиллар

Ҳасан 840-860-йиллар

Абдуллоҳ 860-880-йиллар

Сайр 880-893/894-йиллар

Албатта, манбаларда маълумот бўлмаганлиги туфайли афшинлар хукмронлик килган саналар тахминий берилди. Қатор рақамлари ҳам бизга фақатгина йўл кўрсатиб, аниқ манзарани бера олмайди. Ишонамизки, янгидан-янги қизиқарли топилмалар, шу жумладан Ховосда ҳам тасаввуримизни тўлдириб, билимларимизни оширади.

ШАҲАРЛАР ВА РУСТАКЛАР

Юқорида кўрсатилганидек, ўрта аср Сомонийлар даври йилномалари шимолий Уструшонанинг рустаклар ва манзилгоҳлари хақида тўлиқ маълумот қолдиришган. Шу билан бирга, уни асосан тоғли мамлакат эканлигини таъкидлаб, тоғ рустаклари хақида жуда кам маълумот берадилар. Одатдагидек, манбаларда факат уларни санаш билан чекланилади. Ҳатто бу зарра маълумотлар кўплаб манбаларда таркоқ ва чалкаш бўлиб, улар орқали манзаралар аниқлаш қийин. Бурнамад ҳам шу номли маркази билан шу рустаклар қаторига каради.

Ал-Истаҳрий ва ибн Хавкалнинг маълумотлари бўйича, Бурнамад Уструшона чегарасида жойлашган Самарқанд Суғдининг ўн икки рустакидан бири деб кўрсатадилар (Бартольд, 1963, 145-б.; Волин, 1959, 216-322-бб.). Аммо ас-Сомоний ва Ёқут уни Уструшона га кўшишади (Бартольд, 1963, 145-б.). Яна чегарада “сузиб юрувчи” шаҳарлари бўлмаган яна икки кўшни, Бангам (Багнам) ва Ёркат рустакларини йилномалар баъзан сўғдга, баъзан эса Уструшона кўшишади (Бетгер, 1957, 21-б.).

Бундан келиб чиқишича, Уструшонанинг ғарбий чегаралари барқарор бўлмаган. Мумкин, бу Сўғд ва Уструшонанинг жуғрофий жиҳатдан ўта муҳим рустакларни ўзига олмок учун қарши кураш билан боғлиқ бўлган. Сўғд рустаки Бунжакат (Панжакент) ва кейинроқ бутун Сўғд хукмдори Деваштич архивини ўрганишлар кўрсатишича, у ўзини тангаларда Африг (Охунбобоев, 1999, 62-63-бб.) деб номлаган, шимоли-гарбий Уструшонанинг бир қисми унга тегишли бўлган (Лившиц, 1962, 93-б.). Бошқа томондан, ал-Сомоний ва Ёқут маълумотлари бўйича, маркази Баракат шахри бўлган асл сўғд рустаки Бузмажон бир вақтлар Уструшона афшинлари таъсирида бўлган (Бартольд, 1963, 145-б.). Тоғдаги Бангам рустаги ҳам шунга мисол бўла олади, уни ўз вақтида Н.Н. Негматов Уструшонанинг марказий қисмига, унинг пойтахти Бунжакат шахридан юкорироқка жойлаштирган (Негматов, 1957, харита). Аммо ал-Истаҳрий асарининг бир таҳририда айтилишача, бу рустак илгари Сўғдга тегишли бўлиб, кейин Уструшона хукмдори ал-Афшин (Ҳайдар ибн Ковус) томонидан IX асрнинг биринчи ярмида олинган (Волин, 1959, 323-б.). Шундай қилиб, уни вилоятнинг мар-

казий қисмидан эмас, Сўғд билан чегарадош ғарбий сарҳадларидан излаш керак. Бангам рустаки, аслида, Сангзор водийсида, Шайбек, Сартюз, Бахмал ва Сўфи қишлоқлари атрофида жойлашиб, жануб, шимол ва шарқдан Туркистон ва Молгузар тоғлари билан, ғарбда эса Нужакат рустаги билан чегарадош бўлган (Грицина, 2000, 150-151-бб.). Н.Б. Немцева ва Р. Бадаҳовлар томонидан ўтказилган археологик қидирувлар мобайнида қатор ўрта аср ёдгорликлари то-пилган. Шу ернинг ўзидан, Сангзор дарёси бўйлаб ўтган муҳим тог йўли, Уструшона ва Фарғонанинг йирик шаҳар марказлари ҳамда бошқа вилоятларга борган. Бахмал қишлоғи ёнида катта савдо шаҳри ёки карвон сарой бўлгани ҳакидаги афсонани сақланиб қолиши ҳам тасодиф эмас.

Бурнамадга келсак, ал-Истаҳрий маълумоти бўйича, “Бурнамад рустаги Ушрусана томонида жойлашган бўлиб, унда минбар йўқ, қишлоқлари ҳам оз эди (Волин, 1959, 322-б.). Ибн Хавкалнинг айтишича, “Уструшонага тўғридан-тўғри Бурнамад рустоки ва унинг кўплаб қишлоқлари ҳам киради. Унда ҳам жомъе мачит йўқ, яъни ибн Хав-кал амалда илгариги маълумотларни тўлиқ тақрорлайди (Бетгер, 1957, 17-б.). Бурнамадда қишлоқлар кўп бўлган деган иборага жудаям ишониш керак эмас, чунки асарнинг бошқа таҳрида “Бунармандда қишлоқлар кам” деб ёзилган (Волин, 1959, 217-б.).


Рустакни талқин қилишда Кудамнинг маълумотларини ҳам эътиборга олиш зарур: “Хушфагнадан Фурнамозгача (Бурнамадгача), бу тоҳ йўли 5 фарсах. Фурнамоздан Зомин-гача дашт орқали 4 фарсах” (Волин, 1959, 206-б.). Йўлнинг дашт орқали ўтганлигини Ибн Хордадбех (Хордадбек, 1986, 64-65-бб.) ҳам тасдиқлайди. XI асрнинг бошларида Бурнамад яқинидаги даштда Сомонийлар сулоласининг сўнгги вакили Исмоил ибн Нуҳ (ал-Мунтасир) билан қарахонийлар илоқига ўртасида катта жанг бўлиб ўтган ва бу жангда ал-Мунтасир ғалаба қозонган (Faфуров, 1972, 388-б.). Аммо кейинги Дизак ва Ховос ўртасидаги даштда бўлиб ўтган жангда саркардаларидан бири ва кўплаб ўғуз қабилаларининг хоинлик билан бой ўлжалар олиб ўз даштларига қайтиши туфайли яна енгилган.

Барча маълумотларни археологик манбалар билан таққослаганда (Грицина, 1992, 27-30-бб.) назаримизда уни ҳақиқий Равотсой ҳавзасидаги рустак деб талқин қилиниши мумкин. Айна шу Равот-

сой бўйлаб, Хушуфагнадан Бурнамадга Зомин орқали энг қадимий ва кулай йўл ўтган. Бу рустакнинг асосий қисми тоғлар бўлиб, фақат шимол томони Равотсойнинг тоғдан чўлга ўтишида текислик бўлиб, манбалар маълумотларига тўғри келади. Рустакнинг бу чўл қисми бевосита асл уструшоналикр ерларга қўшилган. Бу ердан карвонлар дашт орқали Зоминга борган.

Бурнамандда қишлоқлар камлиги тўғрисидаги араб йилномалари маълумотлари археологик қидибувлар натижалари билан тўлиқ тасдиқланади. Келтирилган нуктаи назарга кўра, Бурнамадни ўз вақтида В.В. Бартольд ва Н.Н. Негматовлар томонидан Зомин ва Дизак оралиғида талқин қилиниши амалда тўғри эди (Бартольд, 1963, Нематов, 1953, 246-247-бб.). Бизнинг тадқиқотларимиз унинг ўрнини аниклаштириш имконини беради. Бурнамад рустагини Сангзор дарёсининг юқорисида, биз Бангам рустагини қўйган (юқорида) жойда жойлаштирилиши ёзма манбалар маълумотларига зид, чунки бу ердан дашт бўйлаб Зоминга йўл йўқ, хаммаси тоғлар, амалдаги масофа ҳам манбаларда кўрсатилганидан ортиқ.

Ўрта аср манбаларида Бушагар (Шагар) тоғ рустаклари қаторида келтирилиб, бошқа ҳеч қандай маълумот берилмайди. Х асрда унда



Уструшона рустоқларини жойлашиши харитаси

шаҳар бўлмагани Ибн Хавкал маълумотларидан келиб чиқад: “шахарлари бўлмаган рустаклар қуидагилар: Бушагар, Месха, Бургар, Бангам, Минк, Бескен ва Избаскент (Бетгер, 1957, 21-б.). Ал -Истахрийнинг бўйича, “... бу барча рустаклар тоғли вилоятни ташкил этиб, ҳавоси совуқ ва ҳаракат учун ноқулай жойлар” (Истахрий, 1973, 27-б.). Рустаклар номларининг мослиги ва ҳозирги Пшагар (Пишағор) қишлоғи ва Шовдор тоғининг яқинлигидан келиб чиқиб, Н.Н. Негматов уларни тоғнинг шимолий этагида, Санѓзор водийсида талқин қиласи (Негматов, 1953, 247-б.; унинг ўзи, 1957, ҳаритага қаранг), яъни Пишағордан жануброқда жойлаштиради. Пешағорсой ҳавзасида ўтказган тадқиқотларимиз, унинг ўрнини аниқлаш имконини беради.

Қидибувлар давомида ўрта аср рустаклари билан боғлиқ бўлган 30 дан ортиқ ёдгорликлар қайд қилинди. Ёдгорликларнинг асосий гурухи сойнинг ўрта оқимида, нисбатан текис, ҳамма томонидан тоғлар, дара ва сувсиз адирлар билан ўраб олинган жойда жойлашган бўлиб, Рустакнинг ўрнини кўрсатади (Грицина, 1996, 101-102 бб.). Бу жойда сув қоясимон даралардан отлиб чиқиб, текисликда суғориш учун қулай шароит яратди. Ҳозир бу ерда Бешшагар қишлоғи жойлашган бўлиб, шубҳасиз, рустакнинг қадимги номини англатади.

Археологик ёдгорликлар дарёнинг икки соҳилида ихчам жойлашган. Қишлоқдан бир қадар шимоли-гарбда Лайлак уя деган жойда 6 тепалиқдан иборат тепала гурухи жойлашган. Унинг маъмурӣ маркази мумкин, рустакнинг шимолий қисмида, Бешбулоқтепа харобалари ўрнида жойлашган. Унинг ғарбидаги арки аъло ва ундан шимолроқда жойлашган шаҳристондан ташкил топган. Муғуллар истилоси арафасида бу анча катта қишлоқ ёки шаҳарча бўлиб, 4-6 гектар жойни эгалаган. Йўлни назорат қилиш учун қулай, чўққи тепаликларда қоровуллик вазифасини бажарган маёқлар бўлган. Ўзининг ўрни (rustak марказида), ҳажми ва асосида квадрат шакли билан Тўрткўлтепа бошқаларидан ажралиб туради. Унинг қандайдир маҳсус вазифани бажарган бўлиши шабҳасиздар (бизнингча, бу ерда ибододхона жойлашган бўлиши мумкин).

Шундай қилиб, олдимизда тоғ рустаги бўлиб, у ўзига хос мудофаа тизими ва ҳаёт таъминотининг яққол белгилари мав-

жудлигига мисолдир. Археологик материаллар ҳамда Пшагар ва Бешпшагар қишлоқлари номларининг сақланиб қолиши Уструшона рустакларидан бирини айнан шу жойда бўлишига ишонч туғдириб, улар ёзма манбаларда Бушагар ёки Шагар деб келтирилади (Грицина, 1996, 102-б.).

Бескин (Бискун, Искар, Бескен) рустаги ҳам Уструшонанинг тог рустакларидан бири, у хақда манбаларда маълумотлар йўқ. Н.Н. Негматов ҳеч бир асоссиз уни бевосита Туркистон тоғларининг шимолига, Оксувдарёсининг юкори оқими Дехкатсой ва Басмандисойларда жойлаштиради (Негматов, 1957, 84-б.). Дехкат дарасида ўтказилган сўнгги археологик изланишларнинг кўрсатишича, бу анча асосли, у ерда Минк рустагининг жойлаштирилиши борасида узок тортишувлар мавжуд (Сверчков, 1994, 57-61-бб.). Қаердадир Басмандсой ҳавзасида Марсманд шахри бўлганлигини, улар номларининг ўхашлиги ҳам кўрсатиб турибди (Басманд, Марсманд). Марсманд шахрини Қалаи Кофар харобалари билан қиёслаш мумкин (Пўлотов, 1993, 89-б.). Бискун рустаги Минк рустаги худудига тушиб қолади. Назаримизда, Бискун рустагини гарброқдан, аниқроги, Аччикойнинг бош ирмоқларидан қидармок керак. Қадимги ном, мумкин, Бешкубе (Бескун-Бешкубе)да сақланган, бу жойнинг энг катта қишлоғи номи ҳам шундай бўлган. Қидиувлар натижасида бу ерда илк ва ривожланган ўрта асрларга оид бир гурух ёдгорликлар аниқланган. Рустак худуди сойнинг бошланишидан Уал, Томтут, Қорамазор ва Карим қишлоқларини ўз ичига олган.

Шундай қилиб, шарқда Бескун рустаги энг серсув Бешкубсойи билан чегараланган, у ерда ёдгорликларнинг катта гуруҳи жойлашган, ғарбда эса, табиий чегараси Каримскойнинг баланд ва тик чап соҳили бўлган (Грицина, 2000, 177-187-бб.).

Зомин ва Сабат рустаклари оралифида энг зич гуруҳ ёдгорликлар жойлашган бўлиб, бу ерда ёзма манбалар маълумотлари етарли бўлмаганлиги туфайли Уструшонанинг талқин қилиниши қийин бўлган тоғли рустакларидан бири жойлашган бўлиши мумкин. Назаримизда буни атроф тоғнинг номи Бешбўлоқ-Бакртоғни ўзи ҳам кўрсатиб турибди (Грицина, 2002, 56-б.; Грицина, Қоробоев, 2002, 186-187-бб.). Бу номга яқин рустакни (Вакр)ни Н.Н. Негматов, Зоминсуvinинг бошланишига жойлаштиради (Негматов, 1953, 247-б.;

уни ўзи, 1957, 85-б.). Талқиннинг бошқа вариантини А.А. Грицина ва Л.М. Сверчковлар (Л.М. Сверчков гояси) таклиф қилиб, уни Чаканд ва Баландчақар қишлоқлари худудларига жойлаштирадилар. Талқин учун асос бўлиб, улар фикрича, зич жойлашган археологик ёдгорликлар ва яқин жойлашган Варкин қишлоғи ва шу номли канал бўлади (Грицина, Сверчков, 1990, 120-б.). Аммо Вакр манбаларида баланд тоғли етиш қийин бўлган рустаклардан бўлган, аммо бу худуд даштсизон қирлардан иборатdir (Нейман, 1925, 51-б.). Ундан ташқари, яқин Бешбулук-Бакртог номлари аслига анча яқин.

Ўрта аср жуғрофлари маълумотлари бўйича, IX-X асрлардаги шаҳарлар табакаланишида пойтахтдан сўнг, иккинчи ўринда Зомин турган. Шундан келиб чиқиб у ҳақда маълумотлар бошқа шаҳарларга қараганда кўпроқ келтирилади. Шунга қарамай, улар ўта қисқа ва чалкаш (Древний Заамин, 1994, 20-21-бб.; Оға Бургутали, 1996).

Зомин мулклиги ҳақидаги илк маълумотлар милодий VIII аср бошларига тўғри келади (Смирнова, 1970, 62, 64-бб.). IX асрдаги араб тилли муаллиф Ёкубий Уструшона мамлакатининг 400 кўшки ва бир неча йирик шаҳарлари ҳақида батафсил маълумот беради. Улар орасида Зомин ҳам келтирилади (Волин, 1959, 294-б.).

Ал-Ёкубийнинг замондоши ибн Хордадбех, халифа ал-Мұтасимнинг надимларидан бири, Зоминнинг масофаларига оид нафақат тор маълумотлар ва маҳсус боблар “Зоминдан Фарғонагача йўл” ва “Зоминдан Шошгача йўл” ажратиб, “Зомин икки; Шош, туркларга ва Фарғона йўллари кесишган жойда жойлашгани” мухим ва ўзига хослигини айтади (Ibn Khordadbeh, 1889, p. 20-21; Хордадбех, 1986, 64-65-бб.). Ана шу хусусиятларни Кудам ибн Жаффар ва ал-Факих ҳам таъкидлашган (Волин, 1959, 206-б.).

Ибн Хавкал ва ал-Муқаддасийлар Зомин ҳақида анча тўлиқ маълумот келтирадилар. Ибн Хавкал бўйича, вилоят пойтахти Бунжакат шаҳридан кейин катталиги жиҳатидан... Фарғонадан Сўғдга томон йўналган катта йўлда, яна бир номи Сарсанда бўлган Зомин туради. Унинг яқинида харобага айланган шаҳар жойлашган. Бозорлар ва Жомъе мачит Сарсандага ўтқизилган ва барча аҳоли ҳам шу ерга кўчирилган. Бу янги иншоотлар атрофида деворлар йўқ. Зомин Сўғдан Фарғонага борадиган саёҳатчиларнинг тўхташ манзили хисобланади. Унда оқар сув, бөғ-роғлар, узумзорлар ва экинзор-

лар... бўлган. Шаҳарнинг орқа томони Уструшона тоғларига ва олди оғузлар мамлакатига йўналган, бўлиб, тоғсиз даштдан иборат” (Бетгер, 1957, 20-б.). Бошқа жойда у анча оддий: Зомин икки қисмдан ташкил топиб, улар дарёнинг икки томонида, кичик кўприклар билан боғланган (Волин, 1959, 215-б.).

Ал-Муқаддасий юқорида келтирилган маълумотларга баъзи бир аниқликлар кўшади, хусусан, унинг маълумоти бўйича, шаҳар дарёнинг тоғдан чиқдиган жойида, унинг икки соҳилида жойлашган. Бозорлар ҳам дарёнинг кўприклар билан кўшилган икки қарғогида жойлашган. Жомеъ мачит катта йўлдан шимолроқда жойлашган (Бартольд, 1963, 224-б.). Истаҳрийнинг айтишча, “ундан (Бунджакатдан) кейин катталиги жиҳатидан Зомин туроди ва у Фарғонадан Сўғдга борувчи йўлда бўлиб, Сарсанда деб ҳам аталади (Истаҳрий, 1973, 19-б.).

Номаълум муаллифнинг “Худуд ал-Оlam” асарида келтирилган яна бир лавҳани қайд этамиз. Ибн Хавкал Зомин - Сарсанда атрофи деворлар билан ўрамаганини кўрсатади. Агар шу манба маълумотларидан келиб чиқсак, шаҳарнинг арки аълоси аксинча, мустаҳкам мудофаа тизимиға эга бўлган (Hudud al Alam, 1970, p. 115). Нима асосда О.Г. Большаков шаҳарнинг янги қисми девор билан ўраб олинган деб ёзади, номаълум (Белинский, Бентович, Большаков, 1973, 192-б.), бу албатта манбалар маълумотларига тўғри келмайди. Кўпинча Зомин ва Сарсанддан кейин шаҳарнинг учинчи номи Сабзни келтирадилар, у Ёқутнинг машхур жуғрофий лугатида (“Шаҳарлар лугати”) берилган. Унинг қайд этишича, шаҳарда рабатлар кўп бўлган (Камолиддинов, 1993, 100-б.). Аммо бу номнинг пайдо бўлиши келишмавчилик оқибати бўлиб, бу лугатда кўпгина бошқа жой номлари ҳам чалкаш ёзилган, бу араблар тушунишлари учун ёзилган лугатdir (Бартольд, 1963, 82-б.). Жумладан, бошқа ҳеч ким ишлатмайдиган, фақат бизни қизиқтирувчи вилоят номи Асрұшина шаклида келтиради (Камолиддинов, 1993, 98-б.).

Юқорида қайд қилинганидек, 893 йил, мумкин 894 йилнинг биринчи ярми, сўнги афшин Сайр ибн Абдуллоҳ ўз тангалирини чиқаришини тўхтатган ва кейин Уструшона бутунлай Сомонийлар давлати таркибиға кирган йил ҳисобланади (Бартольд, 1963, 282- б.; Негматов, 1977, 25-б.; Кочнев, 1994, 64-65-бб.). Шундай экан, қаердан, қачон ва қандай сабабларга кўра, Зомин янги жойга

кўчирилади? Кўриниб турибдики, манбалар бевосита бу ҳақда ҳеч нарса айтмайди. Лекин тахмин қилиш мумкинки, бу сўнги бор, 822 йилда Уструшонаннинг шафқатсиз вайронга қилингандан сўнг со-дир бўлган. Машхур ал-Афшиннинг қўмагисиз араблар томонидан Бунджикатдаги афшинлар саройи ёндирилган бўлмаса керак. Улар бирданига ҳужум қилиб, ал-Афшиннинг отаси Қовусни таслим бўлишга мажбур қилдилар. Дарвозаларни душманларга ал-Афшин одамлари очиб берган бўлишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ҳар холда тош ва тош ядролардан иборат катта қурол захираси фойдаланимай қолади (Негматов, 1973, 98-б.; Негматов, Соколовский, 1975, 438-б.).

Кайсар ва ярамас афшин Қовусни йўқ қилиб, араблар бошқа катта шаҳарлар: Зомин, Сабот ва Дизакни ҳам вайрон қилдилар. Барча бу манзиогоҳларда илк ўрта асрлар арки аълоси ва шахристонлари ташлаб кўйилади ва “янги” шаҳарлар курилади. Ибн Хавкал Зоминни X аср охирида, шаҳар ахлининг янги жойга тўлиқ кўчганидан кейин, яъни қарийиб юз йилдан сўнг кўрган бўлиши мумкин. Бу вақт орасида эски шаҳар ҳали тўлиқ вайроналар, унсиз тепаликларга айланиб ултурмаганлиги, ибн Хавкал кузатишларича, шаҳар ёнида эски шаҳар (М.С., А.Г. томонидан ажратилган) харобалари ётар эди (Хавкал, 1985, 146-б.).

Мачитни янги шаҳарга кўчирилиши тўғрисидаги маълумот ҳам қизиқарли (ўша ерда, 146-б.). Биринчидан, ундан келиб чиксак, IX асрдаёқ Зоминда мусулмонлар мачити ишлар эди. Унинг янги жойга кўчирилиши биринчидан, у ҳам бузилган, ёки мачит жойлашган эски шаҳар янгисидан жуда узоқда қолган бўлиши мумкин. Масалан, эски шаҳар Даشتобод яқинидаги Қоратепа харобаларида (Ульяново) (Сверчков, 1990, 92-93-бб.) бўлган деган тахминлар ҳам бор. Аммо, манбаларда Сарсанд эски шаҳар ёнида жойлашганлиги айтилади Қоратепа эса, Зоминдан 20 км (3 фарсах) узоқда жойлашган. Шунингдек Сабат шаҳри ҳам Зоминдан 3 фарсах узоқликда жойлашган, лекин бирор манбада унинг Зомин ёнида жойлашгани ҳақида айтилмайди. Иккинчидан, Фарғонадан Зоминга йўл, бу муносбатда ишончли бўлган ал-Истаҳрий маълумотлари бўйича, Ховос эмас, Сабат (Волин, 1959, 336-б.) орқали ўтган, йўқса, ортиқча айланиш бўлган бўлар эди (харитага қаранг). Учинчидан, Қоратепада ҳозирча, милодий VIII-IX асрлар оид материаллар то-

пилмаган. Зоминсувнинг ўнг қирғоғидаги Оқтепа харобаларида олиб борилган қазишмалар ва унинг атрофи топографик тузилиши, эски шаҳарни айнан шу ерда жойлашганлигини кўрсатмоқда, Оқтепа эса, унинг арки аълоси бўлган (Грицина, 1992, 43-44-бб.; Древний Заамин, 1994, 26-28-бб.). Юкорида таъкидланганидек, ёдгорликда икки асосий маданий қатлам қайд этилиб, улар илк ўрта асрлар ва XI-XIII аср бошларига оидdir. Сомонийлар даври қатламлари кузатилмайди. Ғарбий томонига туташ худудда христианлар қабристони жойлашган. Шу билан бирга ёдгорлик атрофидаги микрорельеф кўрсатишича, ҳозирги зич турар жойлар бўлган худуд, ва ундан ғарбга, ҳокимият томон давом этган худуд ҳам шаҳарга кирган. Ёдгорликдан жануб ва шимол томон тепалик ва баландликлар кузатилиб, қўшимча қазишмаларсиз шаҳар харобаларининг ўлчамини аниқлаш жуда мураккаб. Сирланмаган сопллар мадда ёдгорликнинг ҳамма томонида, кенг худудда кузатилади (Древний Заамин, 1994, 95-б.). Айтилганлардан келиб чиқиб, Уструшонада мусулмонлар мачити энг қадимги бўлишига қарамай, у бузиб ташланган ва кейин Сарсандда қайта курилган.

Аммо араблар – мусулмонларни мачит бузувчилар сифатида кўриш ажабланарли эди. Нима учундир, бу мачитлар уларга ёқмас эди. Нега? Ёзма манбаларда бу ҳақда ҳеч нарса йўқ аммо уларни, маҳаллий илоҳлар ибододхоналарини мачитларга айлантирганлари ҳакида маълумотлар етарли. Масалан, Уструшона бутпарастлари ибододхонаси мачитга айлантирилган (Беленицкий, 1954, 59-б.; Негматов, 1957, 74-б.; Брыкина, 1982, 101-б.). Мусулмонлардан обрўли бир кишининг “шикояти” бизларгача етиб келган, унда айтилишича, янгидан мусулмонга айлантирилган кишилар мачитга айлантирилган эски ибододхонага кириб, факат номига ибодат қиласидилар, амалда, эса ўзларининг эски худоларига сигинишар эдилар. Хоинлик учун жазодан кўркганларга ибододхонадаги таниш вазият, у аслида ҳеч ўзгармаган эди (Смирнова, 1971, 101-106 бб.). Буларнинг барчаси босқинчиларга вазиятдан фойдаланиб, эски мачитни бузиб, янги шаҳарда ҳақиқиый мусулмон мачитини қуришга унdagан бўлиши мумкин.

Табиийки араблар босқинидан олдин Зоминда бузиб ташланган ибододхона қайси худо ёки илоҳларга бағищланганлигини аниқлаш қийин. Аммо тахмин қилиш мумкин, бу саволга жавоб Зомин

шаҳри номининг ўзида бўлиши эҳтимолдан холи эмас. У тожик-форс тилидан “замин” “ер” деб таржима қилинади (Таджикско-русский словарь, 1954, 149-б.; Словарь географических терминов, 1971, 88-б.; Узбекско-русский словарь, 1988, 159-б.). Ер, сув, ҳаво ва олов билан бирга зардуштийларнинг тўртдан бир офати бўлган. Ер худоси – Замга, Авестонинг ўн тўққизинчи “Замияд-яшт” гимни (яшт) бағишлиланган. Гимнинг асосий мазмуни ернинг ўтмиш ва келажак тақдири худойи моҳият Ховарно билан боғлиқ бўлиб, у баҳт ва қудрат эгасидир. Ер худоси ўтганларнинг кейинги тақдирига аралашиб, уларнинг қилғиликларини тарозида ўлчайди, дейишади (Авесто, 1990, 126-127-бб.; Якубов, 1997, 89-б.). Мумкин, зоминликлар бир сабабларга кўра, айнан шу худога сифиниб, унга ибододхона куришган. Ахир, сув офатига бағишлиланган ибододхоналар бўлганку, масалан, Окс дарёси худосига (Пичикян, 1991, 171-б.). Қайд қилиш керакки, кейинроқ, шундай фикр бизга боғлиқ бўлмаган холда, Ю. Якубов томонидан ҳам ўртага ташланган (Якубов, 2002, 96-б.).

Сарсанддаги янги мачит қаерда жойлашган бўлиши мумкин? Ал-Муқаддасий маълумотлари бўйича, у Самарқанд йўлининг ўнг томонида, яъни катта йўлнинг шимол томонида жойлашган (Muqaddasi, p. 247; Негматов, 1953, 247-б.). Агар ўрта аср йўли Сарсанд арки аълосини жанубдан, ҳозирги Жиззах Зомин йўли жойдан айланиб ўтган бўлса, унинг ўрнини ундан шимолдан, бозор худуди ёки, аниқроғи Хўжа Қаҳҳор қабристони ўрнидан излаш керак. Анчадан буён маҳаллий аҳоли томонидан ишлатиб елинаётган квадрат шаклидаги Сомонийлар даври пишиқ ғиштлари айнан Жомеъ мачит колдиқлари бўлса ажаб эмас.

Ўрта асрлар Сабат шимолий Уструшонанинг шу номли дашт рустаги бўлиб, Зоминдан яқин манзил, катта Сўғдан Хўжандга ва кейин Хитойга борган савдо йўлида бўлган. Ибн Хордадбех ва ибн ал-Факих маълумотлари бўйича, у Зоминдан икки фарсах масофада (Хордадбех, 1986, 65-б.; Лившиц, 1962, 77-б.), ал-Истаҳрий маълумотлари бўйича эса, уч фарсах (Истаҳрий, 1973, 21-б.), ал-Муқаддасий бўйича, икки кунлик йўлда бўлган (Muqaddasiy, 1994, p. 247). Ўрта аср йўл кўстакичларининг бир кисми Сабатни Уструшона шаҳарлари қаторида тилга оладилар (Истаҳрий, Ибн Хавкал, ал-Идрисий, Ёкут). Аммо ал-Муқаддасий ва Қудамаларнинг маълу-

мотларича, у йирик қишлоқ бўлган (Негматов, 1953, 247-248-бб.; Волин, 1959, 206-б.).

Ўрта асрлар Сабат шахрини талқинини П.С. Скварский таклиф қилиб, у ҳали XIX аср охиrlарида Сабатни Эски Сават (хозирги Сават-Рават) ўрнида, Савот қишлоғидан 10 км шимолроқда жойлаштирган (Скварский, 1896, 50-б.). У шундан бери, жойида изланишлар билан текширилмаган бу таклиф қатор илмий нашрларга кири-тилди. 1974 йилда Н.Б. Немцева ўрта аср шахрини шимолдан эмас, балки Саватдан жанубда, Култепа харобалари атрофидан излаш зарурлиги айтилган эди (Немцева, 1974, 10-11-бб.). Аммо Хўжамушкентсой ҳавзасини А.А. Грицина томонидан тўлиқ текширилиши ва ўтказилган археологик қазишмалар, уни ўрта аср манбаларида келтирилган Сабат деб талқин қилинишига асос бўлди (Грицина, 1988, 34-35-бб.; Грицина, 1989, 124-125-бб.; унинг ўзи, 2000, 20-22-бб.; Грицина, Сверчков, 1990, 119-б.).

Сабатнинг Култепа харобаларидаталқин қилиниши, бу худудда ўрта аср йўли йўналишини тўғрилайди. Акс ҳолда, карвонлар шимол томон бурилар, Сават чўлига кириб, сўнгра, катта йўлга қайтишлари керак бўлар эди. Ундан ташқари Сабатни мазкур талқини таклифи Уструшона пойтахти Бунджикат шахрини Шахристон қишлоғида жойлаштиришга бўлган яна бир асос бўла олади (Негматов, Хмельницкий, 1966, 191-196-бб.). Ал-Истаҳрий маълумотлари бўйича, “...Уструшонанинг бош шаҳри билан Сабат ораси уч фарсах *жануби-шарқда*” (ажратиш бизники А.Г. ва М.С.) (Истаҳрий 1973, 21-б.). Култепа харобаларидан жануби-шарқда айнан Шахристон, ўз вактида Уструшона пойтахти бўлишга даъво килган Ўратепа (хозирги Истаравшан) шаҳар харобаларидан шарқда жойлашган (Негматов, 1953, 241-б.; Беленицкий, Бентович, Большаков, 1973, 191-б.). Қайд этиш керакки, Уструшона пойтахтини Шахристонда талқин қилиниши, анча кенг тан олингандигига қарамай, ҳар ҳолда, О.Г. Большаковнинг таҳсинга лойиқ, асосли нуқтаи назари ҳам борки, унга кўра, мазкур талқин ёзма манбалар маълумотларига унчалик ҳам тўғри келмайди (Беленицкий, Бентович, Большаков, 1973, 191-б.).

Ўрта асрлар Сабат шаҳри Уструшонанинг унча кўп бўлмаган манзилларидан бири бўлиб, у ҳақда йўл кўрсаткичлар баъзи бир аниқликларни келтирадилар. Жумладан, шаҳарда оқар сув

бўлганлиги ва уни боғлар ўраб турганлиги ҳакида маълумот беради. Хўжамушкентсой (этагида Сағанаксой) шубҳасиз, “оқар сув манбай бўлган” (Негматов, 1953, 248-б.). Шахарда “паст томли, ёпиқ бозорлари бўлиши”, унинг аҳамиятини белгилар эди (Негматов, 1953, 248-б.). Бу ёзма (ва археологик) маълумотлар бўйича, ҳозирда Уструшона учун ягона маълум иншоот эди ва уни манбаларда қайд қилиниши тасодиф эмас. Ўрта асрларда тимлар (усти ёпиқ бозорлар) баъзи бошқа жойларда, Чағониён, Замм ва Амулда ҳам бўлган. О.Г. Большаковнинг таъкидлашича, Сабатдаги бозор, “мумкин ёғочдан пастак айвон тарзида ёпилган” (Беленицкий, Бентович, Большаков, 1973, 297-б.). Анча кейинги муаллиф, ал-Идрисийнинг (XII аср) маълумотлари бўйича, “Фарғонага боришни истаган йўловчи Зомин орқали Сабатга ўтади (бир кунлик йўл). Сабат бозорлари кўп шаҳарча бўлиб, унда жуда кўп (хилма хил) маҳсулотлар бор. Сабатдан Ўзгандгача бир кунлик йўл. Ўзгандан Шавақасгача ва Шавақасдан Хўжандгача ҳам бир кунлик йўл (Идрисий, 2003, 52-б.).

Манбаларда келтирилган яна бир муҳим вазият: Сабот айри йўлда жойлашган. Улардан бири вилоятнинг “бош шаҳри” (Волин, 1959, 208 бет) Бунжакаттга олиб борган. Ал-Истаҳрийнинг маълумотича, унгача йўл уч фарсах бўлган. Бу йўл, мумкин, Хўжамушкентсой ўзани бўйлаб, Шахристонга борар эди. Уни ўз вақтида бу йўл Н.Н. Негматов бошлиқ отряд томонидан ўрганилган (Негматов, 1959, 126-б.; Негматов, Хмельницкий, 1966, 193, 195-бб.; Негматов, Пулатов, Хмельницкий, 1973, 105-108-бб.). Аммо, Хордадбех маълумотлари бўйича, Сабатдан Уструшонагача (Бунжикатгача, А.Г.) етти фарсах, ундан икки фарсахи текисликдан кетади, “... беш фарсахи дарё оқимиға қарши бўлган, дарё эса шаҳар томондан оқар эди (Хордадбех, 1986, 65-б.). Кудама ҳам шуни баъзи қўшимчалар билан қайтарди: “Сабатга қайтамиз, ундан Сурушананинг бош шаҳригача 7 фарсах, ундан икки фарсахи текисликдан, сўнг водий ва тог этакларида чап ва ўнгда қишлоқлар. Йўл икки томондан оқаётган сув оқимиға қарши боради, сув шаҳардан оқади” (Волин, 1959, 208-б.). Бу маълумотлар айнан Хўжамушкентсой дарасига тўғри келиб, у жой археологик ёдгорликларга жуда бой (Грицина, 1992, 11-б., 2-расм). Бу ўринда бошқа қадимиюроқ, тоғларни айланиб ўтадиган йўл кўрсатилса керак

(Грицина, Сверчков, 1990, 120-б.; Қадимий Зомин, 1994, 41-б.). Бу йўл аввал, Сабатдан шарққа, кейин жанубга қайрилиб, юқорига, ҳозирги сойнинг қуруқ ўзани, айнан Ховосдан Баландчақирига томон ўтган йўл бўйлаб кетади. Бу ердан ўрта асрларда йўл ўтганлиги тўғрисида, бу ерда жойлашган, маҳобатли, ўз вактида йўл назоратига хизмат қилган тепалар гувоҳлик берадилар. Бу йўлнинг қайси бир тармоғи, уни бир мунча қисқартириш мақсадида Тагобсой ва Муғулсой бўйлаб ўтганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас (Грицина, 1992, 11-б.).

Сабатдан Ховосга, ундан кейин Шошга борувчилар учун ҳам йўл бор эди. Бу хақда Қудаманинг маълумотлари гувоҳлик беради (Хордадбех, 1986, 183-бетдаги шарҳга қара). Бу йўл аввал катта йўл бўйлаб бориб, сўнг Мозорбоботепа ёнида шимоли-шарққа қайрилади, у ерда ҳозирда ҳам ичимлик суви, булок бор. Кейин йўналиш Шўрбулоқсой қишлоқ ҳаробалари ва кўшклари оралаб Ховосга чиқкан (Грицина, Пардаев, 1990, 164-б., 23-расм; 178-б.).

Сабатнинг уч йўл туташган жойдалиги А.Р. Муҳаммаджонов таклиф этган шаҳар номининг келиб чиқишида аниқроқ кўринади. У Сабатни “се-бат” “уч карвонсарой” деб таржима қиласиди.

Маҳаллий аҳоли ўз қишлоқлари номини, унинг луғавий мазмунидан келиб чиқкан ҳолда, “тўқилган сават” деб айтадилар. Бу луғат маълумотларида ҳам ўз аксини топган (Ўзбекча-русча луғат, 1988, 365-б.). Бу шаҳар номининг келиб чиқишидан ёки ҳалқининг асосий машгулотидан келиб чиқса керак. Сўз саватбоффлар, саватчи-лар ҳақида кетади. Ўрта Осиёнинг баъзи қишлоқларида бу қадимий ҳунарни ҳанузгача нафақат эслайдилар, балки унинг сируз-синоатларини сақлаб келадилар. Афуски, яқин-яқинларгача гуллаб яшнаган бу ҳунар, аста-секин йўқолиб бормоқда. Усталар эгилувчан тол ва терак шохларидан турли саватлар, қуш катаклари, сандиклар, балиқ овлаш учун тўрлар ва яна кўплаб рўзгор буюмлари тўкир эдилар. Бу нарсалар ўрта асрларда ҳам машхур бўлган. Унинг аҳамиятини Ҳурсоннинг йирик шаҳри Балҳда Ғазнавийлар (XI аср) даврида Саватбофон (саваттўкувчилар) маҳалласи жойлар бўлганлиги тўғрисида Абу-л-Фазл Байҳакийнинг машхур асарида келтирилади (Байҳакий, 1969, 236, 238, 246 ва сл.). Аммо бу ҳунар ҳақида Сабатда маҳаллий аҳолидан бирон-бир маълумот ололмадик (Древний Заамин, 1994, 41-42-бб.).

Култепа шаҳар ҳаробаларининг турли қисмида олиб борилган археологик қазишмалар, шаҳар худудининг тузилиши ва ривожланиши тўғрисида муҳим маълумотлар бериб, шаҳар иқтисодий ҳаётининг асосий босқичларини белгиламоқда.

Илк ўрта асрлар Сабати, ажралган арки аълоси билан ҳаробаларнинг жанубий қисмида жойлашган. Шахристоннинг шаклланиши арки аъло фаолиятининг иккинчи босқичига тўғри келади (Древний Заамин, 1994, 43-44, 47-бб.; Грицина, 1989, 124-125-бб.). Бизнинг маълумотларимиз бўйича, унинг майдони 10 гектардан кам эмас. Арки аълодан жануби-ғарбда хунармандлар-кулоллар маҳалласи бўлиб, у ердан хумдон ва кўплаб кулолчилик чиқиндилари топилди. Шаҳар ҳаробаларининг З-қазиши масида кўплаб сопол чиқиндилари чала идишлар топилди. Шундай экан, Сабат бу даврда қишлоқ, аниқроғи ўртаҳол шаҳарча бўлган. Унинг кенг алоқалари тўғрисида, у ерда топилган заргарлик буюмлари ва сосонийларнинг кумуш тангалари гувоҳлик берадилар (Грицина, 1992, 27-б.; Ртвэладзе, Грицина, 2001, 98-б.). Тангаларнинг асосий қисмини Пероз (459-484-йиллар) драхмалари ташкил этиб, Эроннинг турли шаҳарларида ва фақат бир танга Ҳусрав II га тегишли бўлиб, 619-620-йиллар зарб қилинган (Баратова, 2002, 52-б.). Тангалар, Пероз томонидан эфталитларга тўланган солиқнинг бир қисми бўлган бўлиши мумкин (Массон, 1971, 231-б.).

Сомонийлар даври Сабати илк ўрта аср шаҳридан шимоли - ғарб томонда ва қисман унинг худудини ҳам эгаллаган. Янги арки аъло шаҳристоннинг шимоли-ғарбий томонида жойлашган. У ерда қазишмалар натижасида маҳобатли иншоотнинг бир қисми очилди. Сомонийлар Саботи худудида ҳаёт XI аср ўрталари гача давом этиб, сўнга инқирозга юз тутади ва XII-XIII аср бошларида бу ерда қабристон бўлади (Грицина, Усманова, 1992, 193-205-бб.). Қабристон ҳаробаларни ғарбдан шарқка томон чим девор сингари, “эски шаҳар” ва “янги шаҳар” худудлари га (илк ўрта асрлар ва сомонийлар) ажратади, қораҳонийлар даври шаҳри рельефга бўйсунган ҳолда сой бўйлаб шимолга томон кузатилади. Илк ўрта асрлар арки аълоси қайтадан ўзлаштирилади. Маҳобатли меъморчилик иншоотлари колдиклари, зиндан, орасида ноёб нусхалари ҳам уч-рай-диган юқори сифатли идиш намуналари мавжудлиги айнан шу ерда қарохонийлар даври Сабати шаҳрининг ҳукмдорлари

саройи мажмуасининг жойлашганидан гувоҳлик беради.

Харобаларнинг шимолий қисмида, рельефда П-кўринишдаги баландлик ажралиб, у ўз қаърида, мумкин кичикроқ карвон сарой қолигини яшириб келади. Қазишмалар натижасида бу ерда пахса ва хом фиштдан қурилган хоналар қолдиқлари очилди, улар кучли ёнгин натижасида вайрон бўлганлар: синч деворлар ёғочлари тўлиқ куйиб кетган полда ёнган том қолдиқлари ётарди. Бу ерда олинган археологик ашёлар XII-XIII асрлар бошларига таъллукли эди.

Шахар харобаларининг характерли хусусияти шундаки, унинг ташқи истеҳкомлари мавжуд эмас. Ёзма ва археологик маълумотлар бўйича, ўрта аср Зоминининг (Сарсанда) ҳам ташқи деворлари бўлмаган (Бетгер, 1957, 20-б., Древний Заамин, 1994, 20-31-бб.). Балки бу ҳолат серқатнов савдо йўлларининг дашт қисмида жойлашган шаҳарларга хос хусусиятдир. Аммо, тоғли туманлардаги шаҳарлар бу вақтларда ўзларига хос истеҳкомларга эга бўлганлар. Масалан, Янгибод туманининг Сармич яқинидаги Каттақиртепа харобаларида мустаҳкам истеҳкомлар бор. Вилоят маркази Бунжикат шаҳри, бутун тараққиёти даврида мустаҳкам истеҳкомга эга бўлган (Негматов, Хмельницкий, 1966, 194-б.; Негматов, Мамаджанова, 1989, 82-б.).

Тараққиёти энг юксалган даврида шаҳар худуди камда 45-50 гектар бўлган. Хўжамушкентсойнинг суви асосида шаҳарнинг кенг атрофлари шаклланади. Унинг иқтисодини юксалишга халқаро карвон йўлида жойлашгани ҳам ёрдам беради. Олинган маълумотлар, нафақат ички, балки ўрта аср дунёсининг узок худудлари билан ҳам изчил алоқалар мавжуд бўлганлигидан дарак беради.

XIII аср бошларида шаҳарда ҳаёт тўхтайди ва темурийлар даври Сабати Хўжамушкентсойнинг ўнг қирғоғига (Майтепа) ўтади (Грицина, 1996, 94-б.).

КАРВОН-САРОЙЛАР

Ўрта асрлар Ховоси муҳим савдо йўллари туташган ерда жойлашиб, шубҳасиз, бутун дунёнинг қатор мамлакатларидан келадиган савдо карвонлари тўхташлари учун хизмат қиласидиган карвонсаройларига эга эди. Таассуфки, бу ҳақда, бошқа кўп нарсалар қатори манбаларда маълумотлар йўқ. Шаҳар харобалари яқинида Карвон сарой номли қишлоқ бўлиб, ақидаларга кўра, улар бу ерда жуда кўп бўлгани бежиз эмас эди. Улар кўшни Зомин ва Дизакда ҳам ниҳоятда кўп бўлган. Уструшона шаҳарларининг қаериладир, Ди-зак, Зомин ва Ховос оралиғида машхур Худойсар карвон-саройи бўлган...

Юқорида қайд этилганидек, IX-X асрларнинг иккинчи ярми, бу Сомонийлар давлатининг гуллаб-яшнаган халқаро савдо алоқалари кенгайган даврdir (Мең, 1973, 375-383-бб.). Бу давр маълумотлари бўйича, Самарқанддан Катван (Булунгур) дашти орқали Уструшона ерларига икки асосий йўл орқали бориш мумкин бўлган. Аввало, Баркетга бориб (бир кунлик йўл, бу эса Самарқанд шаҳарларидан бири), сўнг Абу-Аҳмад работига ўтилган, бу ерда эса йўл айрилган. Бири шимолга қайрилиб, Уструшона шаҳарлари Харкан (Харакан) ёки Катвандиз орқали Уструшанинг чекка рустаги Фекнан (Фегнан) маркази Дизакка борган. Бошқаси шарқ томон Уструшона ерларининг ичкарисига давом этган. Йўл Абу Аҳмад рабатидан то Саъд роботигача, ундан Бурнамад рустаги орқали Зоминга чиқишиган (Бартольд, 1963, 221-222-бб.; Негматов, 1953, 246-247-бб.).


Биринчи йўл Жиззахдан Мирзачўл орқали Шошга, иккинчиси эса Фарғонага олиб чиқар эди. Кўпинча карвонлар Шош томон, кулай ва хавфсиз бўлгани учун Фарғона йўлидан ҳаракат қилишар эдилар. Зоминдан ховосга йўналиб, у ундан тўғри Сирдарёга сўнгра, Шошининг иккинчи катта шаҳри Бенакетга йўл олишар эди. Манбаларда бу йўл Бенакент йўли деб юритилади. Табиийки, бу йўл анча фаол бўлган, ўша манбалар маълумотлари ва археологик кузатишларга қараганда у анча қадимий йўл бўлган (юқорига қаранг). Тўрткўлтепа карвонсаройи ҳам айнан шу йўл билан боғлик бўлган.

Шу вақтларда барча йирик шаҳарлар ва катта савдо йўлларида

мукаммал карвон-саройлар ва роботлар қурилар эди. Ал-Истахрий ва ибн Хавкалларнинг маълумотларига кўра, бутун Мовароуннахрда ўн мингдан ортиқ карвон сарой ва роботлар бўлган (Смирнова, 1970, 138-139-бб.). Бу рақам балки кўп бўлсада, карвон савдосининг юксак ривожланганлигидан ва унинг давлат миқёсидаги аҳамиятидан далолат берар эди. Кўпинча улар у ёки бу хукмдорнинг мавқеини кўрсатар эди. Мисол учун, VIII асрда Хурсон нойби Асад ибн Абдуллоҳ замондошларга даштда карвонсарой ва меҳмонхоналар куриши билан машҳур бўлган: “У ерга Шарқдан ва гарбдан сайёҳлар келиб у ерда камчилик топа олмайдилар” (Бартольд, 1963, 250-б.). Султон Санжар даврида Мавр водийсининг бошқарувчиси Шарофиддин Абу Тохир ибн Саъд Хурсоннинг икки шахри Нишопур ва Марв оралиғида XII аср бошларида катта Работи Шариф карвонсаройи қуриб ўз номини авлодлари хотирасида қолдирди. Унинг салоботли қолдиқлари Шўрлага яқинида Машҳад ва Серахс шаҳарлари оралиғида энг машҳур ва гавжум Шарқ савдо йўлларини эслатиб туради (Пугаченкова, 1958, 230-б.; Ўрозов, 1973, 84-85-бб.).

Улуғ шоир ва мутафаккир буюк Алишер Навоий фақат санъат ҳомийиси сифатидагина машҳур бўлмай, у Ҳиротда 90 та работ қуриб, уларни таъминлаган ва ундан ташқари у Хурсоннинг асосий йўллари бўйлаб 50 га яқин роботлар қуриб, тиклаган. Афсуски, бу карвон-саройлар бизнинг давримизгача етиб келмаган. Ҳиротда Алишер Навоий номи билан боғлиқ биргина ярим хароба Қўшработ карвонсаройи маълум (Пугаченкова, 1976, 49-б.).

Кораҳонийлар сultonни Шамс ал-Мулк Самарқанд ва Хўжанд йўли бўйлаб, ўзи курган карвон-саройда ёки Тўрткўлтепанинг Пшагар карвон саройи жойлашган ерда дафн қилинган. Бу тарздаги воқеалар, кам бўлсада, хаётда учраб туради. Худди шунингдек, Но-сир ибн Аҳмад даврида (864-892-йиллар) Исфижоб вилоятининг бошқарувчиси Коратегин ўз номидаги, ўзи курдирган работда дафн этилган. Унинг яқинида 951 йили дунёдан ўтган ал-Мансур ўғлининг қабри жойлашган (Бартольд, 1963, 233-378-бб.). Ар-Равандийнинг хабар беришича, Хурсоннинг Тўс шахри хукмдори Арслон Жозиб ўзи курган Нишопур ва Серхс оралиғида жойлашган Санғbast роботида дафн қилинган. Робот харобалари ва унинг қабри устидаги мавзолей қолдиқлари ҳанузгача сакланган (Оразов,



Зомин. Тўрткультепада карвон-сарой қолдиги

1973, 82-б.).

Тусдан Серхсга бориш йўлида Сангбаст работидан бир кунлик йўлда жойлашган машхур Махи роботи тўғрисида, Ҳафиз Абру қизикарли мъалумотлар келтиради. Робот гўё, Фирдавсий хотирасига боғишилаб, Султон Маҳмуд Фазнавий томонидан қурилган эмиш (Ўша асар, 83-б.). Яна бир мисол. Салжуқийлар султони Санжарнинг (1118-1157-йиллар) хотини Туркан хатун карвон саройлар тикловчиси сифатида машхур бўлган. Унинг буйруғи билан “ўғузлар исёни” вақтида Балх атрофидаги қабилалар (1153 йили) қўзғалганда 1154-1955-йилларда Моҳи ва Работи Шариф карвонсаройлари қайтадан тикланади (Ўша ерда, 84-85-бб.).

Кўпинча карвонсаройлар ўзларининг маҳобатли қурилиш ғояси, бетакрор ишланиши ва ички тузилишининг қулайлиги билан замондошлирини ҳайратга солар эди. Бу ўринда жаҳонга машхур Акча қалъа, Доя Хотун ва Роботи Малик работларни эслашнинг ўзи киғоя (Пугаченкова, 1958, 225-241-бб.; Немцева, 1983, 112-136-бб.).

Карвонсаройлар кўп вазифаларни бажарган. Уларда нафақат карвонлар ва саёҳатчилар қабул қилинар эди, балки катта савдо ярмаркалари ташкил этилиб, уларда қатнашиш учун яқин атрофлар

дан одамлар гүё оқиб келар эдилар. Вазиятдан келиб чиқиб, улар қалъя, истеҳком, саройлар, молхона ва маҳсулот омборхоналари ва ҳатто маънавий марказлар “вазифалари”ни ҳам бажаарар эдилар (Пугаченкова, 1958, 223-228-бб.). Зарур бўлган тақдирда, уларнинг кўпчилигига овқат, кўрпа-тўшак, ҳайвонлар учун емиш ва сув ҳам бўлар эди. Ал-Истаҳрий қизиқарли ҳикояни келтиради. Унингча, у Сўғдда бир работ кўрган, унинг эшиклари очиқ ҳолда қаттиқ мустаҳкамланган. Бу дарвозалар 100 йилдан ортиқроқ вақтдан бери ёнимай, йўловчи учун ҳар доим тунашга жой берилган. Роботда 200 киши от уловлари билан жойлашиши мумкин бўлган (Смирнова, 1970, 139-б.).

Келинг яна ал-Истаҳрий ва ибн Хавкал келтирган ўн минг рақамига қайтайлик. Бу қанчалик тўғри? Сафавийлар даврида Эронида бир неча минг роботлар бўлиб, “эрон карvonсарайларининг олтин даври” дейилади (Kieiss, Kiani, 1994, p. 755). Машхур немис олими ва унинг эронлик ҳамкасби Сафавийлар даврида Эронда карvonлар харакатини таъминлаган карvonсарайлар ва бошқа манзилларни тўлиқ рўйхатини тузишган. Уларда шундай рақамлар бор: Фақат Исфаҳоннинг ўзида Аббосшоҳ 1 даврида 162 мачит, 48 мадраса, 274 ҳаммом ва 1802 карvonсарай бўлган (бошқа ахборотга кўра 1082) (ўша ерда, 775-б.). Аббосшоҳнинг она шахри Ардебилдаги Сафавийлар катта мачити вақфида бўлган бошқа турли иншотлар қаторида 8 та карvonсарай бўлиб, улар анчагина даромад келтиришган (ўша ерда, 7-б.).

Буларнинг барчаси ал-Истаҳрийнинг Мовароуннаҳр тўғрисидаги маълумотига бошқача баҳо беришга ундейди, чунки у анча обрўли, маълумотлари аниқ муаллиф хисобланади. У келтирган рақамларга карvonсарайлар ва рабатлар билан бирга карvonларга хизмат қилишга алоқадор ва савдо йўли билан боғлиқ бошқа кўплаб иншотлар (почта манзиллари, назорат жойлари, сардобалар ва сув йиғгичлар) ҳам киритилган. Бунга яна юқоридаги ал-Истаҳрий маълумотларини тасдиқлайдиган бошқа асослар ҳам келтирилиши мумкин. Манбалар маълумотларига кўра, Бухоронинг ҳар бир қишлоғи “савдогарлар шахри” Пайканд сингари ўзининг рабатига эга бўлган. Х асрда бундай рабатлар қарайиб 1000 та бўлган. Карминида (Кермине) ҳам ундан кам бўлмаган (Бартольд, 1963, 169-б.). Сомонийлар давлати кулагандан сўнг Пайкент ҳам инқирозга

юз тутади. Ас-Саъманий ўз кўзлари билан кўрган работлар колдиқлари сони унингча 3000 га етган. Бухоро мисолида Мовароуннахрнинг шаҳарларидан ташқари, кўплаб қишлоқлари ҳам, ўз работлари ва карvon саройларига эга бўлган. Уларнинг кўпчилиги ғозийлар “эътиқод курашчи”лари учун X асрларда Мовароуннахрга тегишли бўлган Дизак, Бинкет, Исфижоб шаҳар марказлари атрофидаги қурилган. Ал-Муқаддасийнинг маълумоти бўйича, бунга ўхшашиб роботлар Исфижобда 1700-та бўлган (Бартольд, 1963, 233-б.).

Савдо-сотикнинг аҳамияти у вактларда шунчалик юксак эди, шаҳарлардан шаҳарларга қатнаётган карвонлар оқими дашт ва гуллаб яшнаган водийлар орқали ўтиши, шунчалар таъсири эди, булар ҳаммаси нафакат илмий изланишларда, балки, тасвирий санъатда ҳам ўз аксини топган (Kieiss, Kiani, 1994, р. 773-778; Грицина, 2000, 171-172-бб.).

Уструшонада карvon аройларнинг кўплиги ёзма манбалардан ҳам маълум. Уларнинг кўплари Зомин ва Дизакда ҳам бор эди. Улардан баъзилари маълумотларда алоҳида эслатилади. Биринчи навбатда, бу Худойсар (Хадис) карвонсаройи бўлиб, у Дизакдан бир-икки фарсаҳда жойлашган. Уни машҳур Уструшона ҳукмдори ал-Афшин қурдирган. “...Бу барча карvon саройлардан энг каттаси бўлган. Самарқанд музофотида бундан яхши работ йўқ”, дейди ал-Истаҳрий. Худойсар работининг ҳар хилдаги “жамоа жойлари” ва вакфлари бор эди. Унинг аҳамияти шунчалик катта эди, Ёкут уни, ҳатто, Уструшона чегара худудидаги шаҳар деб ҳам атаган (Негматов, 1953, 246-б.).

Бошқа карвонсарой Ҳасан работи деб аталган ва X асрда Бадр Кушайр деган шахс томонидан қурилган. Ас-Сомоний маълумоти бўйича, у Дизакда ёки бевосита унинг яқинида жойлашган.

Ҳар иккала карвонсаройларнинг жойлашган ўрни сўнгги вактларгача номаълум эди. Улар ўша даврдан Мовароуннахрда умуман жуда оз қолган. Тўрткўлтепа карвонсаройига қизиқиш ҳам ана шундан келиб чиқади. Фарғонадан Самарқандгача бўлган бу қадимий йўлда, ҳозирча бу ягона талқин қилинган карвонсарой хисобланади. Яна у жуда яхши сақланган.

Одатда карvon саройлар меъморчилигига қадимдан ишланиб кўлланиб келинаётган марказий ҳовлили тарҳдаги тўрт айвонли

кенг ҳовли атрофи хоналар билан қурилган ёпиқ турар жойлар ва молхоналардан иборат бўлган. Баъзида ички мачит ҳам қурилган (Пугаченкова, 1967, 106-б.), бу Работи Маликда яққол кузатилади (Немцева, 2000, 10-бет; 2000, 237-б.). Тўртбурчак шаклидаги ташки деворлари ёпиқ ва баланд, ёnlари буржли. Шунинг билан бирга ягона асосий дарвоза шаклига катта эътибор берилган. Унинг маҳобатли пештоқи гўё, бутун иншоотни қуршаб олгандай туюлади. У деворлар юзасидан чиқкан тўғри тўртбурчак шаклидаги учли пештоқ шаклида бўлиб, отлик ва аравалар бемалол ўтиши мумкин бўлган кенг дарвоза эдик. Дарвоза бақувват, мустаҳкам ёғоч эшиклар билан ёпилган (Пугаченкова, 1967, 108-б.).

Тўрткўлтепада ўtkазилган илк тадқиқотлар ва қазишмалар, унинг нафакат вазифасини, балки яна унинг бир қатор хусусиятларини очиб берди. Аввало, унинг маҳобали ўлчамлари (106×106 м) барчани лол қолдириб, Мовароуннахрдаги ягона иншоот ҳисобланади. Унинг ташки деворларининг қалинлиги ҳам карvonсаройлар деворларидан фарқли 4 метрдан ортиқ бўлиб, мудофаа мақсадлари учун ҳам хизмат қилганлар. Буни ҳам тушуниш мумкин: Шимол томонда кенг, сўнгсиз “ўғузлар юрти”, жангари кўчманчилар доимо карvonларни талашга тайёр турар эдилар. Айнан Жиззах (Бурнамад яқинида) ва Холос даштларида сўнгги сомонийлар ҳукмдори ибн Мунтасир (унинг қўшинлари қаторида ўғуз қабилалари ҳам кирган) Қорахонийларга қарши қаттиқ жанг олиб борган (Грицина, 1999, 68-б.).

Тўрткўлтепа тарҳида тўрт айвонли ҳолат бузилган бўлиб, ёдгорликнинг фақат уч айвони рельефда кўринади. Ундан ташқари жанубий деворда пастаклик кузатилиб, асосий дарвозадан ташқари унинг каршисида иккинчи даражали эшик ҳам мавжудлиги кўринади. Икки дарвозаларнинг бир-бирига қарама-қарши жойлашиши илк карvonсаройларга хос хусусият ҳисобланади. Бу ҳол арабларгача бўлган Азлартепа карvon саройи (Древний Заамин, 1994, 25-б.) ва Пайкенднинг илк карvonсаройларида кузатилади (Мухаммаджонов, Одилов, Мирзаахмедов, Семёнов, 1988, 117-б., 2-расм). Ва, албатта, энг ҳайратланарлиси шундаки, карvonсарой асосий дарвозаси арки тўлалигича сақланган, бу археологлар тажрибасида камдан кам учрайдиган ҳол. У хом ғиштдан қурилган, унинг сақланиб қолган қисмининг баландлиги беш метрдан ортиқ.

Қазиши малар натижасидакенг ҳовлига олиб борадиган узунлиги 14 метр келадиган кириш йўлагининг бир қисми очилди. Унинг деворлари хом ғишт ва катта пахса пешларидан терилиб, поллари юзаси ялпок тош йирик шағаллар тўшалган. Кўплаб топилмалари: сопол идишлар, танглар, хом ва пишиқ ғиштлар карvonсаройни X аср, балки ундан ҳам олдин қурилганлигидан далолат беради. Ўзининг узоқ фаолияти мобайнида у бир неча марта бор таъмирланган ва қайта қурилган. Кириш айвонининг деворларида бир неча қатлам сувоклари кузатилиб, унинг қалинлиги 10 см.га етади.

Энди карvonсаройнинг инқирозга юз тутиш вақти ва сабабини аниқлаш мумкин. Маданий қатламлар жойлашишининг мураккаб манзараси гувоҳлик беришларича, карvon сарой мўғуллар истилосидан анча олдин инқирозга юз тутган. Бу ҳар қалай XIII аср бошлирида Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг қорахитойларга карши ҳарбий харакатлари билан боғлиқ бўлиб, у Шош, Фарғона ва Уструшона-нинг кўп туманларини вайрон килишга буйруқ берган. Тўрткўлтепа карvonсаройини қуриш вақти ҳам унинг талқини билан боғлиқ.

Юкорида курсатилганидек, ал-Истахрий ибн Хавкал ва ас-Сомонийларнинг маълумотларича, мазкур робот Уструшона хукмдори ал-Афшин томонидан IX асрнинг биринчи чорагида қурилган (Негматов, 1953, 246-б.). У Дизакдан 1-2 фарсах масофада жойлашган. Ўша манбалар бўйича, Самарқандда ундан яхшироқ работ бўлмаган. Ёқут, унинг ўлчамларини назарда тутиб, уни Уструшона чегарасидаги Мовароуннаҳр шаҳр деб атайди (Негматов, 1953, 246-б.). Қайд этиш керакки, ал-Истахрийнинг кузатишлари бўйича, "...бирон работ йўқки, бу каби душман вилоятларига яқин турган бўлса" (Истахрий, 1973, 237-б.). Ибн Хавкал ҳам шуни қайтаради (Бетгер, 1957, 20-б.). Қайд қилиш керак ки ал-Истахрийнинг кузатишларида "бирон работ йўқ ки бу работ каби душман вилоятларига яқин жойлашган бўлса" дейилган (Истахрий, 1993, 27-б.). Ибн Хавкал ҳам шуни қайтаради (Бетгер, 1957, 20-б.). "Душман вилоятлари" ёки "душман юрти" деганда, афтидан, кўчманчилар дашти, "ўғузлар юрти", деганда, бевосита маданий вилоятлар, Уструшона шаҳарларига туташ ҳозирги Мирзачўлни тушуниш керак (юқорига қаранг). Манбаларда келтирилган яна бир вазиятни эслатиш зарур: Худойсар работидан шимолда бошқа работ бўлмаган (Бартольд, 1965, 216-б.).

Табиийки, Худойсар карвонсаройи ва унинг жойлашган ўрни алла қачонлардан бери мутахассислар диккат-эътиборини ўзига тортиб келмоқда. А.И. Билолов биринчилардан бўлиб, Карвон саройни Жиззахдан 35 километр шимолда Агочти сардобаси ўрнида деб талқин килишга уринган (Билолов, 1980, 35-б.). Бироқ бу тахмин ёзма манбаларга тўғри келмас эди, чунки у ҳеч қандай археологик топилмалар билан исботланмаган. Бу борада Ў. Алимовнинг машхур карвон-саройни Кўкработтепа ўрнида жойлаштириш талқини эътиборга молик бўлиб, кейинроқ уни М.Х. Пардаев ҳам кўллаб қувватлайди (Алимов, 1975, 2-б.; Пардаев, 1991, 65-66-бб.). Кўкаработ Қалиятепа харобаларидан 7-8 километр шимолда жойлашган. У квадрат шаклида (65-65 м) бўлиб, баландлиги 3 м. Ёдгорликда IX-XI асрларга оид сопол идиш парчалари ва сомонийлар ру-сумидаги пишиқ ғиштлар топилган (21x21x4 см). У ерда қазишима ишлари ўтказилмаган. Ҳозирда ёдгорлик жуда бузилиб кетган. Ёдгорликнинг номи, тархи, сопол идиш намуналари ва унинг манбаларга келтирилган масофада (1 фарсаҳ) жойлашиши белгига асос бўла олади. Бу эса маълумотларга тўғри келадиган ягона белгидир. Кўкработ бошқа ўхшаш иншоотлар занжирида жойлашиб, улар орасида ҳеч бир томони, ҳаттоқи, ўлчамлари билан ҳам ажралиб турмайди. Мисол учун, ундан шимолпроқда Н.Б. Немцева тадқиқ этган бир неча карвонсаройлар жойлашган бўлиб, улардан энг каттаси Калтепанинг майдони 82x86 м ва 5-6 м баландликда сақланган (Немцева, 1987, 13-б.).

Тўрткўлтепа карвонсаройида ўтказилган қазишималар кўрсатишича, у Сомонийлар даврида қурилган. Илк ўрта асрлага оид қурилиш анъаналари (катта пешли пахса ва ўлчамлари 1:2 нисбатдаги хом ғишт) уларнинг анча қадимиyllигидан гувоҳлик беради.

Шундай қилиб, катталиги (бу Мовароуннахрда маълум барча карвонсаройлардан катта) сомонийлар даврининг материаллари-нинг мавжудлиги, маҳобатли меъморчилик, ундан шимолда бошқа работларнинг учрамаслиги, асл Уструшона ерларида жойлашганлиги ва бевосита “душман юрти” чегараларида жойлашиши уни хақиқий Худойсар роботи деб талқин килинишига асос бўлади. Аммо, унинг масофаси (сомонийлар даврида Дизак ҳозирги Қалиятепа харобалари ўрнида жойлашган) манбаларда анча кўп, 1-2 фарсаҳ

ўрнига, 3-4 фарсах деб кўрсатилади. Ҳисобга олиш керакки, бу ерда Ҳаракандан Дизакгача ва Жиззахдан Зомингача масофа 5 фарсахдан. Бу ҳам ҳақиқий масофага тўғри келмайди: биринчи ҳолатда у кам бўлса, иккинчисида анча кўп. Яна узоқ вақтлар мобайнида Қалиятепада олиб борилган археологик қазишмалар Сомонийлар даври қатламларини аниқлаб бера олмади (Пардаев, 2000, 119-129-бб.). Бу сўнгги икки вазиятни ҳисобга олган ҳолда (икки Дизакга яқин шаҳарлар орасидаги масофаларни тўғри келмаслиги ва сомонийлар даври қатламларнинг йўклиги): бу даврда Дизак Ҳаракандан узоқроқ ва Зоминга яқинроқ жойлашган бўлиши керак (табиийки, Тўрткултепа карvonсаройига ҳам).

Сомонийлар даврининг Дизак шаҳри талқинини четга қўйиб, қайд қиласизки, Тўрткўлтепани таклиф қилинган Худойсар работига қиёс қилиш ҳам ҳали аниқланиши зарур, улар ёдгорликнинг ўзида ва ҳозирги Жиззахда олиб борилажак қазишмалар аниқлаши мумкин. Жумладан, маҳаллий ўлкашунос С. Қарабоев (Ofa Burgutali) бизнинг эътиборимизни Бешшагар (у ҳақда юкорига қаранг) қишлоғидаги Хўжа и Сироб мавзолейига қаратди. 1994 йилдаги бизнинг қидиувларимиз натижаларига кўра, шу яқиндаги тепа ҳам шу ном билан юритилган (Грицина, 1994, 17-б.). Аммо, маҳаллий аҳоли уни бироз ўзгача Хўжа и Сар “бошнинг хўжайини” деб юритишиади. С. Корабоевнинг фикрича, Худойсар карvonсаройи дастлаб худди шундай бўлган. Бу сўзнинг вақт ўтиши билан ўзгарилиши бўлиши мумкин: Хўжай Сар –Хўжа Сар – Худой Сар. Охири ном, карvonсаройнинг жойлашган ўрни ва катталигини ҳисобга олиб, араб тарихчилари томонидан уни “Худо боши” деб аташган.

Бешшагар қишлоғидаги мавзолей номида сўзнинг илк мазмуни сақланиб қолиб, унинг Худойсар номи билан алоқаси таклиф қилинган карvonсарой талқини билан тасдиқланмоқда.

Х аср охири – XIII аср бошларига келсак, ёзма манбалар IX-X асрлар йўлномалари маълумотларига ҳеч нарса қўшмайдилар. Асосий ҳолларда кўр-кўrona уларни такрорлаб, баъзан эса бузиб ҳам кўрсатадилар. Шунинг учун ҳам нумизматика ва археологик маълумотлар асосий аҳамият асб этади.

Яқин ўн йил олдин муаллифлардан бирининг илтимосига кўра, тарих фанлари доктори, таниқли манбашунос Б.Д. Кочнев Устру-

шонадан топилган барча мусулмон тангаларини ҳисобга (шу жумладан, бизнинг қазишмалариз чоғида топилгандарини ҳам) олади. Натижада у томондан Уструшона сиёсий тарихидан янги маълумотлар қўлга киритилиб, маълумларига ўзгаришлар, аниқликлар кири tilди (Кочнев, 1994, 64-73-бб.). Жумладан, Уструшонанинг 279 ва 280 хижрий йиллар фельсларини диққат билан, синчиклаб ўрганиш сўнгги афшин Сайр б. Абдаллахнинг мамлакатда хукмронлиги фанда маълум бўлганидан анча узоқроқ бўлганлигини кўрсатмоқда (Бартольд, 1963, 269, 182-бб.; Негматов, 1977, 25-б.) яъни у ўзининг барча хукуқларини 894 йилгача сақлаган, сўнгра Уструшонанинг танга зарбонаси узоқ вақт ёпилиб, барча ускуналари Самарқандга кўчирилади (Кочнев, 1994, 66-б.). Сўнгроқ, бунга ўхшаш хulosага В.А. Калинин ҳам келиб, у бу афшинни Исмоилнинг вассали бўлган деб ҳисоблайди, бу унинг сўнгги фельсида номи жойлаштирилишида акс этган (Калинин, 2001, 58-б.). Яна эътиборни шунга ҳам қаратиш керакки, Уструшонада зарб қилинган фельсларнинг кўпчилиги майда пул сифатида чакана савдо талаблари учун ишлатилар эди, бунга чакана савдонинг масалан, Қашқадарё ҳавзаси ёки Еттисувдан баланд бўлганлиги кўрсатади. Бу Зоминга бевосита тегишли бўлиб, у ерда XI аср бошларида ўзининг Уструшонада пойтахт зарбонасидан кейин ягона зарбонаси бор эди (ўша жойда, 72-б.).

Мовароуннахрни босиб олган биринчи Қарохоний босқинчилардан Буграхон Хорун 992 йилда қисқа муддатда бўлса ҳам, Уструшонани босиб олди. Афтидан, 996 йилда Қорахонийлар ва Сомонийлар орасидаги чегара Катван чўлидан ўтган вақтда, Уструшона илк бор Қарохонийлар ҳоқонлиги таркибида бўлган. Нихоят, 1059-60-йиллардан бошлаб, Уструшона Иброҳим б. Наср томонидан босиб олинган ва у гарбий Қарохонийлар ҳоқонлиги таркибида 1212 йилгача, то унинг йиқитилишигача колган (ўша асар, 69, 73-бб.).

Шундай қилиб, Уструшона давлатчилигининг ўрта асрлар босқичи унинг ҳозирда Ўзбекистон таркибига кирадиган салмоқли кисмида ҳам, мўғул босқинчлари юришларидан олдинги ёрқин ва тугалланган даврларидан бири бўлган.

ХОВОС ВА ЧАЧАН

Эҳтимол кўпчилик ўқувчиларимизни Чачан номи ҳайратлантирар. Аммо, Тошкент мулклиги араблар истилосига қадар айнан шундай номланар эди. Ҳар қалай, вилоятнинг илк тангларида у шундай номланган, Чоч эса, бу сўзнинг чегирилган шакли бўлиб, араблар томонидан киритилган. Араб тилида “ч“ ҳарфининг йўклиги сабаб, уни аслидан ажратиб Шош дейишган (Ртвеладзе, 2000, 147-б.).

Ёзма ва археологик манбалар маълумотларига кўра, Уструшона ва Чачан ҳамиша ўзаро боғлик бўлганлар. Уларни икки давлатга ажратган дарё, бир вақтнинг ўзида, уларни бирлаштирган ҳам. XIX-XX аср бошларигача Сирдарёда бир неча кечув жойи бўлиб, улар Тошкент вилоятининг шаҳар ва қишлоқларини Уструшона шаҳарлари билан, шу жумладан, Ховосни ҳам боғлаб турган (Алимов, 1873, 107-б.). Бу кечувларнинг баъзилари анча қадимий бўлган.

Илдизларидан бошлашга ҳаракат қиласиз. Улар “ёзувсиз” даврларгача бориб тақалади. Тошкент минтақасида ўтроқ деҳқончилик, сўнгра шаҳар маданияти илдизлари бургалик маданияти деб номланган қабилалар билан боғлик бўлган (Дуке, 1982). Бу қабила-ларнинг ўтроқлашуви милодгача. IX асрлардан бошланиб, милодгача IV-III асрларда тугайди. Олимлар аллақачонлар, бу маданиятнинг қатор унсурлари (сопол, турар жойлар, тош қуроллари ва хўжалиги) биз кўрган, қадим Уструшона қабилаларининг Нуртепа маданиятига ўхшашлигини сезишган. Бу ҳам етмагандек, Сирадёнинг чап соҳили билан алоқалари яққол кўзга ташланиб, милодгача IV-III асрларда айниқса, кучаяди. Қадим Уструшонанинг юксак ривожланган маданияти таъсири айниқса, сопол мажмуаларида, нафакат кўлда ишланган кўпол ва ҳатто, юқори сифатли кулолчилик идишларида ҳам кузатилади (Филанович, Дуке, 1990, 48-49-бб.). Бу алоқаларнинг йўналиши Ховос орқали ва кейин Сирдарё кечувидан амалга оширилган. Зеро Эски Ховос ҳаробаларининг пастки қатламларидан ўхшаш идиш намуналари топилган.

Ўзаро таъсир, биз жарангдор номлаган кейинги антик (қадимги) даврда ҳам тўхтамаган. Тошкент минтақасида бу давр бургалик маданияти қабилалари ўрнига қовунчи қабилалар гурухи ёки қовунчи маданияти (милодгача II ва милодий VI асрлар) келадилар.

Бу маданият археологлар Янгийүл якинида очган Қовунчитетпа харобалари номи билан аталган. Бу маданият қабилалари Кангүй конфедерацияси билан мустаҳкам алоқада бўлиб, Уструшона давлатчилигининг шаклланишида муҳим ўрин тутган. Шуни таъкидлаш зарурки, Қовунчи аданиятига хос бўлган ҳўқиз шоҳ нуқсадаги кўчма ўчоқ тагдонлар - “шашлик қўралар” Уструшона ёдгорликларида милодий эра бошларида (Хўжамушкент яқинидаги Хитойтепа харобаси) пайдо бўлиб, баъзан илк ўрта асрларда (милодий V-VII асрлар) ҳам учраб туради. Улар эски Ховосда ҳам тез-тез учратилиди. Ана шу қатламлардан Қовунчи типидаги муҳр ва идишлар топилган.

Кўриниб турибдики, ховосликлар жуда қадим замонлардан буён ўзларининг шимолий қўшнилари – Чоч (Чачан) кейинроқ, уни араблар Шош деб номлашган, минтака билан мустаҳкам алоқада бўлганлар.

Уструшона ва Ховос тарихининг муҳим даври, марказлашган Сомонийлар давлати тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлган (Фофуров, 1972, 338-340-бб.; Негматов, 1977).

893 йил Сомонийлар давлати тарихида бурилиш йили бўлди: шу йили Носир ибн Аҳмад вафот этиб, бутун ҳокимият тўлалигича унинг укаси Исмоилга (893-907 йиллар) ўтади. Туғилиб ўстан жои Фарғона бўлган Исмоил—Сомонийларнинг энг буюк ҳукмдори ва аслида давлат асосчиси бўлган. Шу йилнинг ўзида у Уструшонани тўлқ бўсундиради ва сўнгги машҳур афшин Сайр ибн Абдуллоҳ ўз тангасини зарб қилишни тўхтатиб тарих саҳнасидан кетади (Бартольд, 1963, 282-б.; Негматов, 1977, 25-б.). Иқтидорли ва омадли саркарда Исмоил ўз ҳаракатини кенгроқ, шимолга давом эттириб, кўманчиларни бўйсундиради. У бирданига Таразни босиб олиб, 10 минг туркни хони билан асир олади ва кўплаб ўлжани қўлга киритади. Христианлар ибододхонасини мачитга айлантиради ва ислом байроби чўл узра тантана қилади. Ал-Истаҳрий маълумотлари бўйича, “Тараз – турклар ва мусулмонлар ўртасидаги чегара бўлиб, деворлар билан ўралган атрофи ҳам Тараз деб юритилади. Исломнинг тарқалиш чегараси шу ергача ва у ердан ҳарлуклар чодирларигача етади. Бу (бир вақтда) Шошнинг ҳам чегараси эди” (Материалы по истории киргизов и Киргизии, 1973, 30-б.). Кўчманчилар узоқ вақт бу ёш ва кучли давлатни безовта

килмайдилар.

Исмоил тажрибали, харакатчан қўшинга эга бўлганлиги учун у энди гуллаб яшнаётган водийларни кўчманчилар хужумидан қўриқлайдиган, камфойда, серхаражат деворларга муҳтож эмас эди. Деярли мақолга айланиб кетган «Мен ҳаёт эканман - Бухоронинг деворлари, мен» деган сўзлари асоссиз эмас эди (Фофуров, 1972, 340-б.). Бухоро Исмоилинг нафакат қадимий қароргоҳи, балки у давлат пойтахти ҳам эканлиги учун бу сўзлар унинг барча мулкликларига ҳам тегишли эди.

Бир неча йилдан кейин у давлатнинг жанубий чегараларида ҳам “тартиб” ўрнатади, Саффарийлар сулоласини бўйсундириб, ўз мулкларига Хуросон ва Эрон бир неча вилоятларини қўшиб олади. Эндиликда араб Халифалигига қарамликдан холи бўлган, маҳаллий сулолалар раҳбарлигига кучли давлат чегаралари қарор топди. Давлатнинг обруси шунчалик баланд эдики, Сомонийларни форс манбалари баъзан “мусулмонлар раҳномолари” деб, уларга фақат Халифаларга бериладиган нишонлар билан атар эдилар.

Исмоилдан олдинги раҳбарларнинг вазиятни барқарорлаштириш борасида тадбирлари иқтисодни ўсиб ва янада юксалишига имкон беради. Эски савдо йўллари фаоллашади ва янгилари пайдо бўлади. Шаҳарлар юксалиб мустаҳкамланадилар, янги аҳоли манзилгоҳлари ташкил топади, шулар жумласига Хушкет ҳам кираади. Бошқа мусулмон давлатларида ҳам юқори юксалиш даражаси кузатилиб, “Мусулмонлар Ренессанси” аталмиш давр бошланади (Мец, 1973).

Хушкет – Нуротанинг тикланиши Сомонийлар давлати сингари



Нурота шаҳар харобасидан топилган
Хаср оид сиёҳдон

жуда тез амалга ошади. Илк араб йўлномаларидан бири ибн Хордадбех 885 йилда ёзилган ўз асарида Мирзачўл орқали ўтган Зоминдан Ховосгача ва сўнгра Хушкатга борадиган йўл ҳақида: “Зоминдан Ховосгача дашт орқали 7 фарсах, сўнгра кўприкдан Банакитга ўтилади” (Хордадбех, 1986, 64-б.). Шу ерда шаҳар ва унинг номи йўқолади. Бу ерда гап шундаки, Абул-Фида ибн Хордадбек-нингбизгача етиб келмаган асарларидан бирининг ilk рўйхатини ишлатади. Шу туфайли Ховосдан Мирзачўл орқали Хушкетдан Бенакет кечувигача ягона киска йўлнинг борлиги ҳақида маълумот оламиз. Ибн Хордадбех уни ана шундай (Абул-Фиднинг айтишича) ёритади: “Ховосдан ҳам Хушкетгача дашт орқали 7 фарсах, Хушкет эса аш-Шош дарёси бўйида жойлашган” (Хордадбех, 1986, 23-б.). Афтидан, бу Мирзочўл ва кўчманчилар мулкликлари орқали тўғри, оралиқ манзиллари бўлмаган бу йўлдан кам ва баъзидағина фойдаланишган. Ибн Хордадбех таърифлаган йўл анча хавфсиз ва обод эди. У дарёning чап соҳили бўйлаб, камида икки манзилгоҳ орқали ўтар эди. Аммо, Хушкет бу ерда негадир эсга олинмайди. Кейинги X аср йўлномалари уни карвонлар йўналиши ўзгариши муносабати билан, уни бутунлай “инкор” қиласидар (Грицина, 1992, 36-41-б.; унинг ўзи, 2000, 216-217-бб.).

Нурота шаҳар харообалари қазишмаларига қайтсак. X аср бошлирига оид маълумотлар арки аълонинг барча худудларида қайд қилинади. Қадимгироқ маълумотлар, унинг шимолий қисмидан олинди. Бу вақтларга келиб Хушкет кулоллари Шош учун хос бўлган ilk сирланган сопол ишлаб чиқаришни ўзлаштирган эдилар. Идишларни сирлаш тўғридан-тўғри ангобланмаган юзасига берилган. Сополлардаги нақшлар ҳаво рангдаги оқирилган бўёқларда оч пушти рангли юзада берилган. Бу энг қадимги безаклаш ва бир вақтнинг ўзида илоҳий тимсоли ҳам бўлган.

Илк хушкетликлар қаердан келишган? Аввало, улар қўшни Бенакетдан келган ишибилармон одамлар бўлишган. Аммо, бу вақтда Ховос ва унинг мўъжаз тевараги уларга қўшни бўлган. Шунинг учун ҳам Хушкент шаҳри аввало, Уструшонага эмас, Шошга тегишли бўлган. Бу В.В. Бартольдинг, Сирдарё жануби ва Мирзачўлнинг шимолдаги суғориладиган ерларини, ҳар қалай, Шошга тегишли эканлиги тўғрисидаги тахминини яна бир бор тасдиқлайди (Бартольд, 1963, 227-б.). Ҳар қалай, бир неча қазишмалардан олин-

ган X-XI асрларга оид топилмалар мажмуаси Уструшона материалларига ўхшасада, кўпроқ Шош кулолчилик мактабига яқинлиги кузатилади (Грицина, 1996, 86-92-бб.). Худди шундай шаҳар харобаларидан топилган барча тангалар ҳам Шошда зарб қилинган (Б.Д. Кочнев маълумоти). Афтидан, янги қишлоқнинг пайдо бўлиши эски шаҳарни, илк ўрта асрлар Бенакетини янги жойга кўчишига тўғри келади.

Ховосга келсак, у Хушкет билан ҳам, Чач (Чачан) билан ҳам гўё, умуман кўшни давлат сингари бевосита боғлиқ эди.

Энди хужжатларга мурожаат қиласиз. Шундай қилиб, IX асрнинг иккинчи ярмида йирик манзилгоҳ, Шош-Бенакет шахрининг қаршисида кичик бир қишлоқ қад кўтариб, кейин у кенгайиб, гуллаб-яшнаб кетади. Бу ходисанинг сири оддий. Биринчидан, янги қишлоқ ўша вактда машхур бўлган “бенакет йўлининг” жанубида жойлашган. Иккинчидан, бу ерда Сирдарёning кечуви бўлиб, табиийки, иқтисодий жиҳатдан кулагай манзилгоҳ бўлади. Бу муносабатда Хушкет Сирдарёning қуий оқимида жойлашган бошқа бир шаҳар, Нежакет ёки Унжакетга жуда ухшайди. У ҳам, IX аср охирларида, аввало, Сўғдан Шошга борадиган шимолий йўлдаги карвонлар фаол харакати натижасида вужудга келган кечувдаги маҳсус истеҳком сифатида қад кўтаради. Сўнгра у кичик шаҳарчага айланади. У ернинг одамлари орасида қайиқчилар ҳам бўлиб, уларнинг кўлларида кечувнинг ва қисман савдонинг омад қалити бўлган (Буряков, 1975, 46-47-бб.; унинг ўзи, 1982, 162-б.).

Хушкет Шошнинг чегарасида жойлашгани туфайли, бу ерда муҳим божхона манзилгоҳларидан бири ҳам бўлган. Сомонийлар давлатида ташқаридан олиб келинадиган барча маҳсулотлар божхона орқали ўтказилиб, улардан бож олинар эди. Умуман, олинадиган бож микдори катта эмас эди. Баҳоси 200 дирхамдан кўп бўлган маҳсулотдан 2,5% мусулмонлар тўласа, мусулмонлар юртида яшовчи мусулмон бўлмаганлар 5% ва мусулмон бўлмаган келгинидилар 10% бож тўлашган (Беленицкий, Бентович, Большаков, 1973, 293-294-бб.). Қуллар ва кумуш ём билардан маҳсус бож олинар эди. Хар иккала тоифа даромад воситалари, афтидан, анча салмоқли эдилар, чунки қулларни Мирзачўлдан кўчманчилар етказиб берсалар, кумушни йирик “кумуш конлари” бўлган, Шошдан олиб келишар эди (Буряков, 1974, 110-111-бб.; унинг ўзи, 1975, 112-б.; унинг ўзи,

1978, 70-79-бб.). Ундан ташқари күчманчилар билан савдо қилишда мавсумий савдо сайиллари ташкил қилиниб, унга моллар келтирилиб, тери, жун ва гўшт билан савдо қиласр эдилар.

Таъасуфки, бизга ёзма манбалардан Сомонийлар давридаги Бенакет тўғрисида маълумотлар жуда кам. VII аср охирлари ва VIII аср бошларида номсиз “Банака ҳукмдори” ўз тангасини зарб қилган (Ртвеладзе, 1987, 168-169-бб.). Ал-Муқаддасийнинг маълумотлари бўйича, Бенакетда “тўполончилар яшаганлар. Мудофаа деворлари ҳам йўқ эди. Мачит бозор ҳудудида жойлашган”. Сўнгроқ шахар “Туркистон” матолари билан машхур бўлган (Бартольд, 1963, 295-б.). Бенакетда мудофаа деворларинг бўлмаганлиги бу Сомонийларнинг ўша, шаҳарлар хавфсизлигининг кафолати, сиёсати эди: Уструшона Зомин, Сабот ва Дизак шаҳарлари ҳам бу вактларда деворларга эса бўлмаган. Деворлар Хушкет атрофларида ҳам бўлмаган.

Х асрнинг иккинчи ярмидан Нуҳ ибн Насрнинг (943-954-йиллар) ҳукмронлиги давридан Сомонийлар давлатининг тушкунлиги белгилари тобора кучлироқ сезила бошлади. Тез вакт орасида Хушкатда ҳам унинг белгилари намоён бўлиб, шаҳар тушкунликка юз тутди. Бу аввало, дарёнинг кўйи оқимида янги кечувнинг пайдо бўлиши ва карвонлар ҳаракатининг Бенакентга чап соҳилдан ўнг соҳилга ўтиши билан боғлик. Бу IX асрнинг 20-чи йилларида бўлиб ўтади. Ҳар қалай, 928 йилда ёзилган асарида Кудама: “...Ховоидан Шош дарёсигача 5 фарсах у ерда кечув бор, дарё бўйидаги бу бекатдан Бенакатгача 4 фарсах” (Буряков, 1975, 13-б.). Юкорида кўрсатилган манбаларга кўра, маълум вакт иккала кечувлар ҳам ишлаган, аммо вакт ўтиши билан Хушкентдаги кечув ўз аҳамиятини йўқота борди. Бу Сомонийлар давлатидаги вазиятда барқарорлик йўқолиши билан боғлик бўлган. Кучманчилар карвонларни тез-тез безовта қиласр, ва савдогарлар тезроқ Сирдарёга етиб олишга ва кечувдан ўнг соҳилга ўтиб, назорат қалъалари ва манзилгоҳлар паноҳига етишга ҳаракат қиласр эдилар. Шу сабабдан Хушкет ҳам нотинч эди. Чунки бу вактларда шаҳарнинг мустаҳкам мудофаа деворлари ҳам бўлмаган. Бир томондан бевосита Сирдарёга тақалган бўлса, иккинчи томони нотинч даштга қараган эди. Манбалар, жумладан, кўплаб ўғуз (огуз) қабилалари ҳақида маълумот берадилар. Ибн Хавкал Зоминдан шимол дашт томон ҳудудларини “ўғузлар юрти” дейиши ҳам бежиз эмас. Ўғузлар кейинроқ,

Сомонийлар хукмронлигининг сўнгги йилларида ўзларининг қалтис ҳаракатларини кўрсатдилар.

999 йилда Қораҳонийлар шоҳи Носир-илем Сомонийлар пойтахти Бухорони босиб олиб, унинг сўнгги хукмдори Абд ал-Малик ва бошқа хукмдорлар оила аъзоларини қамоққа олди. Ўз вактда кудратли бўлган давлат ўз фаолиятини тугатди. Аммо, Абд ал-Маликнинг укаси кудратли ва тажрибали саркарда Абу Иброҳим Исмоил ибн Нуҳ (кўпроқ уни ал-Мунтасир (“ғолиб”) деб аташар эди) озодликка чиқиш насиб этади. Вазиятни ўта ишонсизлигига қарамай, у Сомонийлар ҳокимиятини тиклаш учун қатъият билан курашади. Унга Бухорони босиб олиб, ўз тангларини чиқариш ва ажойиб ғалабаларга эришиш мұяссар бўлади. Унинг сўнгги ғалаба ва мағлубиятлари Уструшона худудлари билан боғлиқ бўлган.

XI асрнинг бошларида у кўпминг кишилик қўшин тўплаб, уларни жанговор ўғузлар билан кучайтириб, Носир-илоқнинг асосий кучларини Бурнамад якинида тормор қиласди. Аммо, у навбатдаги Дизак ва Ховос орасидаги даштда мағлуб бўлади. Ҳарбий ўлжадан тортилган қўчманчилар, уни ташлаб кетадилар. Ал-Мунтасир Хурросонда яширинишга мажбур бўлади ва шу ерда 1005 йилда вафот этади (Утби, 1988, 37-45-бб.; Пугаченкова, 1956, 83-б.).

Хушкетга бу воқеалар қандай таъсир килганини айтиш қийин. Шахар тезда илк Қораҳонийлар ҳокимияти қўлига ўтади. Қораҳонийларнинг бу ерда топилган энг биринчи танглари Шошда ал-Хон ал-Одил томонидан 394/1003-1004 йилларда, энг кечгиси эса, 403/1012-1013 йилларда Аҳмад ибн Али Юсуф (ибн Абдуллоҳ) номидан зарб қилинган. Қораҳонийлар Бенакети тез кўч йиғиб, Шошда ўзининг зарбхонасига, яхши йўллар тармоғига эга бўлган анча йирик шаҳарлардан бирига айланди (Буряков, 1982, 147-б.). Хушкет кечувидан анчадан бери карвонлар ўтмас эди, бошқа керак бўлмай қолди ва ҳалқ уни тарк этди.

ХОВОС ВА ФАРГОНА

Сиз ташландик қишлоқларни кўрганмисиз? Улар ҳозир ҳам собиқ Суғд, Тоҳаристон, Уструшан ва Фарғона худудларида учрайди. Улар инсон ҳаётининг ўткинчи ва абадий эмаслигидан гувоҳлик берувчи оғир ва ғамгин манзараларни намоён қиласди (Очерки..., 1998). Ховос ва унга қўшни Жўйлангар ҳаробалари, афсуски, ғамгин ва нохуш тарихнинг яна бир лаҳзасидир.

Қадимда одамлар ўз туарар жойларини ҳар хил сабабларига кўра: урушлар, табиий оғат ёки қасалликлар, кургокчилик, қум ва сув бошишлари натижасида ташлаб кетар эдилар...

Фарғонанинг Чуст маданияти ахли ўз туарар жойларини нега ташлаб кетишган? Шу жумладан, Уструшона ва Ховос ёдгорликларида бу қандай намоён бўлган?

Одатдагидек, Чуст маданияти қишлоқ ҳаробаларидағи қазишмалар чоғида ҳеч қандай оғат белгилари топоилмаган. Афтидан, одамлар ўз ҳоҳишлари билан, эҳтимол, бирданига эмас, астасекин алоҳида гурухларда кетишган бўлсалар керак. Аммо нимадир уларни шундай қилишга ундан ва айнан қаерга кетишган? Вақт ва замонлар ўтиши билан уларнинг йўқолган изларини кўриш мумкинми?

Ёзма манбаларга мурожаат қиласиз. Олимлар орасида Гекатейнинг (милодгача VI аср), сўнг “Тарих отаси” Геродотнинг (милодгача. V аср) ва бошқа антик манбаларнинг кўрсатишларича, сирли париканияликлар тўғрисидаги тортишувлар ҳозиргacha тўхтамайди. Уларнинг Фарғонага муносабати борми ёки йўқ? Шу муносабат билан савол келиб чиқади, Фарғона Аҳамонийлар (милодгача VI-IV асрлар), сўнг Буюк Искандар (милодгача IV аср), ва Селевкийлар (милодгача III аср) салтанатлари таркибида бўлганми, деган савол туғилади?

Афсуски, бу саволларга жавоб шунчалик чигал ва муҳими бизни қизиқтираётган муаммо тўғрисида шунчалик кам маълумот бериши туфайли, уни ҳозирга чеккага қўйиб, аниқроқ маълумотлар кидириб, тарихий манбаларга янада чуқурроқ ёндошамиз. Бундай маълумотлар хитой манбаларида бор. Биз бу борада, аввало, ажойиб тақдир эгаси Чжан Цяндан миннатдормиз.

Милодгача 140 йилда Ханъ империяси (милодгача III ва мило-

дий III асрлар) тахтига Хитойнинг энг машхур ҳукмдорларидан бири У-ди (милодгача 140-87 йиллар) чиқади. Янги императорни унинг шимолий қудратли қўшниси, милодгача II асрлар бошида пайдо бўлган кўчманчилар мамлакати Хунну безовта қилиб келар эди. Даҳшатли кўчманчилар ўз юришлари билан хитойликларни гарб мамлакатлари билан алоқаларига халақиат берар эдилар. Ўз кучлари билан «уларни тартибга келтириш” жонига теккан У-ди машхур сарой вакили Чжан Цзянь бошчилигига хуннуларга қарши курашга иттифоқчи излаш учун маҳсус гурух юборади.

Аммо, Чжан Цзянь кўп вақт ўтмай, дўстлари билан биргаликда Хуннларга асир тушади ва у ерда 10 йил қолиб кетади. Нега хуннлар (гуннлар) машхур асирни тирик қолдиришганликлари ҳақида маълумотлар йўқ, нега улар бу бебаҳо асир учун тўланадиган тонвонни шунча узоқ вақт кутадилар. Асир эса, ўз навбатида, вақтни бехуда ўтказмай хуннлар (гуннлар) ва қўшнилари тўғрисида маълумотлар тўплайди ва хуннулардаги тартибсизликлардан фойдаланиб қочади. Аммо, у асирик вақтида билиб олган яширин сўқмоқлар орқали кўп сонли шерикларсиз ўз Ватанига эмас, Фарб томонга қочади.

Шундай қилиб, у Давань мамлакатига келиб, амалда, Фарғонани жаҳонга очди.

Унинг қиска ва қимматли, аммо, “биринчи кўлдан” олинган маълумоти ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Чжан Цзянь гуллаб яшнаган ва узоқ юксалиш йўлини босган «70 дан ортиқ катта ва кичик шаҳарларга” эга мамлакатни кўрди. Уларнинг учтаси анча катта аҳамиятга эга, булар: Гуйшань, Эрши ва Ю-Чен деб номланади.

Қайд килиш керакки, ҳар қандай давлатлар ҳам бундай шоншуҳратга эга бўла олмайдилар. Бу шаҳарларда ҳар хил хунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги юксак бўлиб, хитойликлар фикрича, юқори даражада эди. Хитойликлар фикрича, бу ерларда ҳар хил ёввойи мевалар етиштирилиб, зотли отлар парвариш қилинар эди. У отлар Давань билан қўшни мамлакатларда ҳам машхур бўлган.

Дованда, - Чжан Цзяннинг таъкидлашича, “шанъма”- отлари зотли. Уларнинг терлари қонли ва тяньма зотидан - “учкур отлар” бўлишган. Унинг кузатишича, даванликлар му-су беда парвариш

экадилар, уларни эса отлари яхши кўради ва яқинда узум сингари, Хитойга олиб кетилади.

Бу ба бошқа маълумотларни Чжан Цзянь император У-дига етка-зади. Буюк савдо йўналишининг шаклланиши бошида турган узокни кўрувчи император ва Чжан Цзяннинг буюк хизматлари на-тижасида бу йўналиш XIX асрдан бошлаб, Буюк ипак йўли деб ата-ла бошланган. Ҳақиқатдан ҳам, бу икки буюк шахснинг хизматлари бебаҳо, уларнинг икки дунёни, икки қитъани, икки ўзига хос циви-лизацияларни бирлаштиришга кўшган хиссалари инсоният кўлга киригтан ютуқларининг юксак босқичида туради.

Милодгача 121 ва 124 йилларда Хань кўшинлари хуннларга бир неча сезиларли зарбалар бериб, Гансу йўлагини (Лобнор кўлидан гарбга, Куэнь-Лун тоғигача) озод қилдилар ва шундай қилиб, гарбий ўлка дарвозаларини ўз назоратларига олдилар. Шундан буён император У-ди барча катта “жозибали” мамлакатларга, ҳатто, Лигангача (Римгача) элчилар (йилига 5-6 марта) юбора бошлиди. Одатда элчилар ўз бурчларини бажариб яқин мамлакатлардан бир неча йилдан сўнг ва узокларидан эса, саккиз-тўқиз йилдан кейин қайтганлар. Хитой пойтакти Чанъандан Римгача йўл яқин ети минг километр эди. Натижада карvonлар уни соғ-саломат босиб ўтиш учун икки уч йил сарфлаганлар! Аммо, мақсадга етишиш ниҳоятда кўп куч ва маблағ талаб этарди. Муваффақиятли савдо юриши ниҳоятида катта фойда келтириб, омадлининг “қолган умрини” тўла таъминлаган.

Дован қайсар мамлакатлардан бири бўлиб, Хань элчиларига ун-чалик хурмат кўрсатишмай, зотдор “Дованъ” отларини сотишдан бош тортадилар. Бир марта ҳатто, унинг элчисини ҳам ўлдиришади. Буларнинг барчаси замирида Дованинг қудрати сезилаш, ўзининг қудратли, яқиндагина енгилмас гуннларни тор-мор қилган, тоғлар ортидаги, шарқий кўшнисидан сира ҳам кўрқмас эди. Бу кейинги воқеалар билан исботланди.

Милодгача 104 йилда Ханнинг катта қўшни Дованга бостириб кириб, чегарадаги Ю-чен шаҳрини эгаллайди. Юришнинг асосий мақсади “Эрши шаҳригача бориб, у ердан шанъма”, яъни Дованъ отларини олиш эди. Хань империяси қўшинлари ғалабага шунчалик ишонар эдиларки, ҳатто, саркарда Ли-Гуан Ли олдиндан “эршилик” фахрий унвонини олди. Аммо икки йилни бехуда сарфлаб, улар До-

вань пойтахтига етиб бера олмадилар. Бир неча йилдан сўнг, юриш яна тақрорланди. Бу гал Ли Гуан Ли Ю-ченда тўхтаб қолмай, тўғри Эршига кириб келди ва 40 кунлик қамалдан сўнг, биринчи халқа мудофаа деворлари доирасида эгаллади. Ўрта шаҳарни (хитойчада чжун чен) олишга мұяссар бўлмади. Ўзаро келишув асосида дованиклар ўнлаб зотли отларни хитойликларга бердилар. Ханъ империяси қўшинлари кетиши билан Дованинг мустақиллиги тезда тикланади.

Чжан Цзяннинг асосий маълумотлари шулардан иборат бўлган. Аммо, эсингизда бўлса, бизларни Чуст маданияти қабилаларининг тақдирни қизиктиради. Улар қадимги Фарфона – Дованъ ахолисининг шаклланишида қандай таъсир кўрсатдилар? Дованъ давлати қачондан буён бўлган.

Бу саволларнинг барчасига жавоб олиш учун биз яна археологияга мурожаат қилишимиз керак.

ДОВАНЬ ПОДШОХЛИГИГА КИМ АСОС СОЛГАН

Ёзма манбалар маълумотлари асосида тикланган Довань тарихи, китобхон ишонганидек, анча кеч, милодгача II асрдан бошланади. Ҳар қалай, олдин, милодгача VI-III асрларда нима бўлган эди? Ана шу ерда, биз нафақат, мавҳум вақтни аниқлашдек оғир вазифани бажарашимиз зарур, балки тадқиқотчиларнинг сўнгсиз тортишувлари ечимини излаб, уларнинг қийин ва нокулай саволларига жавоб топишимиз зарур. Албатта, ўз вактида, Ю.А. Заднепровский Фаргона археологиясида бир маданиятининг иккинчиси билан алмашиш тизимини тузади. У илмий жиҳатидан тўла асосланган ва тугалланган ҳисобланади. Чуст маданияти қабилаларини бошқа Эйлатан маданияти (Норин ва Қорадарё оралиғида жойлашган Эйлатан шаҳар харобалари номи билан) аталмиш маданят (милодгача VII-IV асрлар) қабилалари эгаллайди. Уларнинг ўрнига Шўрабашот маданияти (милодгача IV-I асрлар) халқлари келади, сўнгра эса, Марҳамат маданияти (Марҳамат шаҳар харобалари Ўш шахрининг гарб томонида жойлашган) даври уни ўрнига келади. Бу тизим қадимги Фарғонанинг мураккаб тарихий жараёнларини тушунишда муносиб ўрин тутади (Заднепровский, 1960). Барибир, кўп масалалар ечими топилмай қолган эди. Зеро археологик манбалар ёзма манбалардан факрли ўлароқ, факат моддий маданиятни акс эттириб, улар орқали маълум даврларда, қандай бўлса, тарих сахифалари шундайлигича берилади. Шунинг учун ҳам мутахассисларнинг фикрлари бир манбанинг ўзида бутунлай бошқача ҳам бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, Фарғона маданияти тараққиётининг Эйлатан босқичига қайтамиз. Ҳақиқатдан ҳам, агар эйлатанликлар чустликларга алмашган, уларнинг маданиятлари генетик боғлиқ бўлса, унда нега уларда рангли идишлар кам? Мутахассислар қўлидаги маълумотлар ҳам қандайдир ғайри табиий, ўзгача ҳолда? Эйлатанлиларнинг асоси кўчманчи бўлган маданияти шаклланган Чуст дехқончилик маданияти қиёфасига эга маданияти ўрнига қандай қилиб келади? Эйлатан маданияти, Фарғонада доимо, кўп бўлган, келганди маданият бўлсачи? Унда Чуст маданиятининг бевосита меросхўрлари кимлар бўлишган?

Айнан ана шу ерда, А.Н. Бернштамнинг илмий хуносалари ил-

дизларига қайтишга тұғри келади, унингча, Довань давлати хитой-лиklärар маълумотларида кўрсатилгандан камида икки аср олдин мавжуд бўлган. Тасаввур қилинг, Чжан Цзянь Фарғонада аллақачонлар шаклланиб бўлган юксак ривожланган давлатни кўрган. Унинг таклиф қилган санаси (милодгача IV аср) Фарғона тарихининг “дованлар” даври қатор археологик ёдгорликларини юзаки ўрганиш асосда бўлиб, уни қабул қилса бўлади. Аммо А.Н. Бернштамнинг шогирди Ю.А. Заднепровский Шўрабашот маданияти ёдгорликларини изчил ўрганиш асосида бошқача хуносага келди. Унингча, Шўрабашот маданияти ёдгорликлари - бу шўрабашот ёдгорликлар доираси, Довань подшоҳлиги моддий маданиятининг худуди бўлиб, унинг келиб чиқишини милодгача I минг йиллик ўрталаригача суради (Заднепровский, 1997). Шўрабашот маданияти ёдгорликлари шимолий ва марказий Фарғонада жуда кўп бўлиб, худди шу жойда эски танишларимиз, анъаналарни давом эттирувчи Чуст маданиятининг рангли сопол идишлари топилмоқда. Ва нафақат бу, балки Чуст маданиятидан олинган белгилар ҳам бор, шу билан бирга бегона маданиятлардан мерос олинган белгилар ҳам бор. Тўғри, бу ерда уларга нотаниш бўлган нарсалар ҳам етарли. Аммо, Довань давлати оз эмас, кўп эмас 600-800 йил яшади. Қанча қабила ва халқлар унинг таркибиға кирмади, қанча ташки таъсуротларни бошидан кечирмади, бу маҳаллий халқ?

Бизлар учун муҳими, Чуст маданияти халқларининг анъаналари ном нишонсиз кетмай, давом этиб, ўзгариб, такомиллашиб борди. Шундай мулоҳаза борки, айнан Шўрабашот маданияти қабилалари “яни давонликлар Чуст маданияти анъаналарининг давомчилари бўлганлар. Аммо кейинги текширишлар бўндан олдин Чўст маданияти анъаналарини эйлатонликлар давом эттириши кўрсатмоқда (Матбобоев хуносаси).

Аммо, тадқикотчиларнинг сўнгсиз ва чигал тортишувларига эътибор бермаймиз. Ишонамизки, бу тортишувлар баҳам топиб, тарихий адолат тантана қилади. Ҳар қалай, давонликлар томирида, уларнинг ўтмиш авлодлари, Чуст маданияти одамларининг қони оққанлигини ҳеч ким инкор қила олмайди.

СУЛАЙМОН ТОҒ – МУСУЛМОНЛАРНИНГ МУҚАДДАС МАСКАНИ


Ўрта Осиёда мусулмонларнинг муқаддас масканлари жуда кўп. Улардан бири китобхонларга маълумки, Ховосда жойлашган. Афуски, биз у ҳақда деярли ҳеч нарса билмаймиз. Ўзи ҳам маҳаллий аҳамиятга молик маскан бўлган. Ўш шахридаги Сулаймон тоғ - бошқача, у ерда муаллифлардан бири археологик қазишмаларда қатнашган. Бу муқаддас масканни зиёрат қилишга, нафакат Ўрта Осиёдан, балки бошқа кўшни юртларданҳам кўплар интилганлар. Зиёратчилар орасида ховосликлар ҳам бор эди.

Табиатдаги фавқулодда ҳодисалар инсон дикқат-эътиборини ўзига тортиб, одатда илохий хусусиятга эгадек туюлган. Масалан, ўрта асрлардаги Фарғона билан кўшни давлат Уструшонада ҳозиргача ҳам тошга сифиниш узоқ (қадим) зардуштийлик давридан бўён билан ўз кўринини ўзгартириб, ҳозирга қадар етиб келган. Сулаймон тоғининг қайси даврлардан бери сифиниш жойи бўлганинги айтиш қийин. Ҳар ҳолда IX-XII асрлар араб муаллифларининг маълумотларида, сўнгроқ эса, юкорида кўрсатилган Жамол Қарши ва Бобур маълумотларида ҳеч нарса дейилмаган. Бу қалай, Сулаймон тоғи каби, “тошча”ни бирор бошқа жойдан топилиши қийин: ерга қадалган метеорит каби бир ярим километргача чўзилган тош, самовий тухфа ўзининг беш кирраси билан ой нурига қадалган.


Машхурлик чўққиси ва афсонавий тож - ауранинг тикланиши, мумкин, XVIII-XIX асрларга тўғри келади. Бу пайтларда тоғ атрофидаги барча нарсалар; сув, ҳаво, сўз, ҳатто, шамол кўтарган тўзон ҳам муқаддас ҳисобланган. Кўпсонли хаж қилувчилар, мусулмон дунёсининг барча томонидан келганлар бу ерда сон-саноқсиз дин алломалари – муллалар, башоратчилар, таҳлилчилар ва бошқаларни вужудга келтирдилар. Тоғнинг шарқий этагида, ҳозирги Алебастровая кўчасида бунга ўхшаганларнинг бир неча маҳаллалари бор эди... 1900 йилда Ўшда барчага хизмат қиласиган яқин 150 та маҷит, 7 та қабристон ва 5 мадраса бор эди. Уларнинг барчаси Сулаймон тоғи этагида жойлашган эди. Л. Зимин томонидан таржима қилинган ёзма манбалардан бирида кўрсатилишича, Бара-Кўх тоғидаги мачитга 366 пайғамбар қадам босган. Агарда муқаддас

Қурбон ҳайити Ўшда ўтказиб, сажда қилинса, у Маккага ҳаж қилишга тенглаштирилади, деган ақида бор эди. Күпгина мачит ва мозорларни Макка номи билан боғлаш тасодиф бўлмаган: Кичик Макка, Маккан Ажам ва бошқалар. Сўнгиси тўғрисида Е.В. Дружинина ёзид олган ақида бор. Маккани яратган Ҳазрат Иброҳим, Ўшдаги фаровонликни кўриб, бу ерга қадам ранжида қилдилар. Ўшга келиб кўрдиларки, мачит қуриш учун сув йўқ эди. Ўшандада улар икки ночор туюни соғиб, уларнинг сутидан Макка мачитга ўхшаш мачит қурдилар ва уни “муқаддас Макка” деб номладилар.

Умуман, Ўрта Осиёда бир неча шундай муқаддас жойлар борки, уларни зиёрат қилиш Маккага бориб келиш билан баробар ҳисобланади. Масалан, улардан бири Самарқандда жойлашиб, Кусам ибн Аббос номи билан боғлиқ. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, у зот Ўрта Осиёда биринчи слом тарғиботчиларидан бўлиб, милодий VII асрда ўлдирилган. Бошқа бир шундай жой, Самарқанд вилоятида жойлашган, ал-Бухорий қабрларидир Бу зот биринчи бўлиб ҳақиқий хадислар - Пайғамбар ўгитларини тўплаган йирик ислом тарғиботчиси ҳисобланади. Яна шуларга ўхшаш бир неча муқаддас қадамжоларни кўрсатиш мумкин. Уларнинг барчаси



Тахти Сулаймон. Умумий кўриниши



Тахти Сулаймон. Тош солинган суратлар. Жез даври.

мусулмон дунёсининг марказида жойлашган. Аммо, Ўш ва Сулаймон тоғ улар орасида алоҳида ўрин тутиб, мусулмон дунёсида Макканинг қарама-қарши томонида, ҳож амалини бажариш ундан енгил бўлмаган худудда жойлашган.

Сулаймон-тоғ... Неча бор кечқурун ва эрталаблари бизнинг тасаввуримизни безовта қилган. Маҳаллий аҳоли орасида тоғнинг шакли ётган туюга ўхшатилади. Унинг қояларидан бири Оқ бўра деб аталиб, оқ тую маъносини англатади. Тоғ дарёсининг номи ҳам шундай аталади, бу йил, узлуксиз ёмғирлар натижасида янада кутурган, у шаҳарни икки тенг қисмга ажратиб оқади. Унинг шовқини маҳаллий аэропортдаги реактив самолётлари товушига ўхшаб, табиий оғатни назарига олмайдиган куч каби уй қолдиқлари, гранит қояларни ўринларидан силжитиб, кўприкларни бузиб, дараҳтларни илдизи билан кўпориб ташлар ва, ҳатто, одам курбонлари ҳам унинг оқимида учраб турар эди. Буларнинг барчасини Сулаймон-тов билар ва ёдда тутар эди.

Афсоналарнингни бири бўйича, Сулаймон тоғ олдида қурбонлик

туя сўядилар. Шаҳарни тўлдирган кўплаб карвонларнинг туялари XX асрнинг бошларигача ўз маҳсус мақомларини ўшликлар хоти-расида мустаҳкамладилар. Сулаймон тоғ ва туялар Ўшнинг энг қадимий тимсоли эди.

Биз Ўш Давлат Университетининг ётоқхонасида 1,5 ой яшагани-мизда, ҳар гал одатгидек тепага чиқиб унинг қоясида турар эдик. Ҳар дафъя беш эмас, олти қояни, гўё жуфтларга ажратилгандек, ёки узок йўлдан кейин ётишга чоғланган, учта йирик Бактрия туялари ўркачларини кўрар эдим.

Тун... Хира ой парчаси тош туянинг ўркачига илиниб қолган. Уни қаҷон ўркачлар орасига тушушини ва озад бўлган ёруғлик Сулаймон тоғнинг яна бир сирли пардасини очишини сабр билан қутаман. Мен қизиқ ўйин бошладим: шуни билан ухламай ёруғ шарга ўхшаган минг йиллик ойни кузатаман, у жуда ҳам сусайтирилган кино тасмалари ҳаракати сингари, бирин-кетин янги куннинг мовий шўъласида эриб, абадий қотиб қолган туялар ўркачларини орқага қолдириб йўқолиб кетар эди.

Муқаддас Шарқнинг афсонлари... Уларда қанчалик самовий (космик) куч, ўтган аждодларимизнинг сахий ва ёрқин биз учун қанчалик азиз авлиёлар бор. Улардан шундай бирданига ажраша олмайсиз, уларни археология қазишмалари каби қатлам ва қатлам очиб, чанг-тўзонлари, яроқсиз нарсаларини ташлаб, улардаги тарихий ҳақиқатнинг тоза жавоҳирларинин ажратиб олишимиз зарур. Сулаймон тов атрофида улар жуда кўп, уларни ким, қаҷон қўйган, қай бири азиз ва авлиё эканликлари ва қай бирлари осмондан юборилганинг ажратишимиз керак? Ажаб эмас, уларнинг бошида, Манаснинг устози, кирғиз халқининг буюк ҳомийси қария Ошпур тургандир? Бизга ўтмишдан келаётган бу арқонни узмаслик керак...

Мен яна энг асосий – учинчи қоя – Равшан тоғга қайтаман. Уларнинг атрофида саросимада турган девларни кўраман. Айтишларича, улар Сулаймондан жуда кўрқар ва қора ишларини унутиб, бор кучлари билан ишлар эдилар...

Чўққилар яхлит эмасди. Табиий эгар, (само юзасида яна бир туянинг ўркачига ўхшар эди) катта тепалик каби, уни ажратиб, 160 метрлик баландликка кўтарилиган эди. Барча ўшликлар ва хаж амалини бажарувчилар унинг чиқиши қийин чўққисига бўлишганми? Уларнинг қайбирлари айнан шу пайтда ҳақиқий Маккани ёдга кел-



Тахти Сулаймон. Жез даврининг тошга солинган суратлари

тириб, уни вақт бўшлиғи орқали тасвур қилишга уринган?

Сулаймон оламдан ўтгандан кейин одамлар девларни қайтиб ўз ёвузликларини давом эттиришларидан қўрқишиган. Шунинг учун тезда тахт қурдилар (бу тоғ яна Тахти Сулаймон деб ҳам юртилади) ва унга ўликнинг танасини ўтқазиб, ўнг қўлига эса ҳасса ушлатиб қўйдилар. Тўғри, девлар бу найрангни узоқ вақт сезмадилар. Аммо, тезда қуртлар ҳассани кемиргач, у қўлдан тушиб кетади ва фириб-гарлик фош бўлади, натижада девлар қочиб кетишади.

СИМОБҚҰЗАЧА ВА КУМУШ СУВ

Эсингизда бўлса, X-XII асрларга оид топилмалар орасида сферо-коник идишлар симоб қўзачалар парчалари бўлганлигини айтган эдик? Улар анча кўп топилган. Ундан ташқари шаҳар харобаларидан топилган бус-бутун идишларни таниқли маҳаллий ўлкашунос, тарих фани ўқитувчиси, Б.Х. Азимов келтирган эди. Улар Ховос ва бошқа мусулмон дунёси шаҳарлари аҳолисига нима учун керак бўлган?

Бу идишларнинг номи – симобқўзачани мутахассислар ўйлаб чиқаришмаган, у бизларга асрлар оша, ўзларининг бевосита вазифаларидан келиб чиқиб номланган: сим – “кумуш”, об – “сув”, қўзача – “идишча”. Яъни “кумуш сув” ёки симоб учун идиш. Уларнинг бошқа номи – “балсанг” илмий адабиётда қабул қилинмаган. Бу идишчаларини (мундилар) ноёб идишлар жумласига киритиш қийин. Улар қўплаб топилмалар бўйича яқин ва Ўрта Осиё Кавказ, Крим, Миср, Испания, Поволжье ёдгорликларида маълум... Уларнинг ишлатилиш даври ҳам узоқ IX асрдан XV асргacha чўзилган. Аммо, уларнинг асосий қисми Ўрта Осиёдан келиб чиқкан. Бунга ўхшаш идишлар, шу жумладан, бутун идишлар ҳам ўкувчиларга маълум бўлган Нурота харобаларида ҳам топилган.

Археологлар қўлига тушадиган қўплаб синик идишлар, уларнинг тўқ кўкимтири, кулранг ва қалин деворларидан осонгина ажратиш мумкин. Улар жуда ҳам мустаҳкам. Бунинг сабаби уларнинг пишиқ маҳсус лойдан тайёрланиши, ҳажми ва шаклларидан ажратиш мумкин. Бу идишларнинг бутун намуналари қўплаб археология жамламаларини безайди. Термизда симобқўзачалар тайёрлашга мўлжалланган маҳсус хумдон топилган. Унда 200 дан ортиқроқ идиш бўлган. Уструшонада Шахристон қишлоғидаги Калъа и Қаҳқаҳа харобаларидан симобқўзача хазинаси топилган.

Худудий ва узоқ вақт муомалада бўлишига қарамай: улар бир хилда: тор оғзи билан ажралган бўйни, энли қорни ўткир тагига ўтади. Кам бўлсада, шишадан ва металлдан ишланган ҳамда сирланган текис тагли симобқўзачалар ҳам учраб туради. Жумладан, текис тагли идиш Зомин атрофидан топилган. Симобқўзачалар амал қилиш даврларида ҳар хил нақшлар билан безатилган: босма, ўйма, тирналган ва эпиграфик нақшлар ҳам берилган. Берлинда

Даълем музейида (А.Г.) кўкранг шишага ўхшаш масса қадалган нақшли симобкўзачаларни ҳам кўришга мусассар бўлганман. Идишлар XIII асрга оид бўлиб, Эрон ёдгорликларининг биридан топилган. Бунга ўхшаш идишлар Марв материаллари орасида ҳам бор.

Баъзи кулоларнинг ҳаддан ошиқ иштиёклар фақат безатиш билан чекланмас эди, уларни айрим қисмлари шаклини ўзgartиришга ундар эди, шунда идиш балиққа, уларнинг таглари балиқ думига ўхшаб кетар эди. Бу борада Самарқанд, Фарғона, Шош усталари машхур бўлишган.

Бунга идишнинг ноёб нусхаси Канкада (ўрта аср Харашкетида) 1975 йилда топилди. Шошнинг йирик ва обод шахри кулоли идишни нафақат балиқ думига ўхшатган, балки у бошқа тартибни ҳам бузиб, уни тенг бўлмаган шаклда, бир томонини бўртириб уруғ сочмоққа тайёр балиққа ўхшатиб ясади. Ишига берилиб кетган кулол балиқ танасидаги тангачаларини ҳам унутмайди, уни босма учубурчаклар, доира ва “ўйикчалар” шаклида тасвирлайди.


Нима учун қушни эмас фақат балиқни, ахир уларни симобкўзачалар шаклига келтириш учун катта куч ва меҳнат керак эмаску? Балиқ – тасвирий санъатда энг кенг тарқалган мавзулардан бири ҳисобланади. Унга бўлган муносабат бир хил эмас. Бир томондан, у ўтганлар ороми, нариги дунё тасаввурини акс эттиради. Бошқа томондан у омад, бойлик ва иззат-хурмат тимсолидир. Шунинг учун ҳам балиқни X-XII асрлар сопол идишларда акс эттирилган ва бу идишлар кулоллар ва харидорлар ордасида алоҳида ўринга эга бўлган. Бир доирага олинган икки балиқча “кун ва тун”нинг қадимиј рамзи ҳисобланган. Балиқ тасвирлари симобкўзачаларда ҳам маълум бўлган. Кулоллар кўзачаларни “балиқларга” айлантириб қайси тимсолни назарда тутганлар?

Бу масалага биз яна қайтамиз. Аммо, симобкўзачанинг нима мақсадда ишлатилганлиги масаласи, оддийми? Гўё, ҳаммаси оддийдай туюлади. Номининг ўзи кўрсатишича, унда “тирик” симоб сақланган ва ташилган. Симоб солинган идишлар, симоби билан топилган ҳолатлар ҳам учраб туради. Шундай идишлардан бири Кримда топилган. У ёғоч тиқин билан беркитилиб, устидан мумланган. Ўрта Осиёда симоб соқалари кўплаб симобкўзачаларда топилган. Аммо, энг машҳури Уструшонадан топилган ғончиидир. Хушват қишлоғида металл симоб билан тўлдирилган идиш топил-

ган. Унинг оғирлиги уч килограммга яқин бўлган. Шундай қилиб, анча катта симобкўзачаларга 6-8 килограмм ва ундан кўп бу қимматбаҳо модда сифар эди.

Аммо баъзи идишларда қандайдир бошқа моддалар колдигини ҳам пайқаш мумкин эди, масалан узумни данагини ҳам. Шундай қилиб, улар ўзларининг асосий вазифалари – симобни саклаш ва ташишни “бажарип” яна ўзига хос бошқа вазифаларни; мой-ёғ, дори, хушбўй бошқа моддаларни ҳам саклашда хизмат қиларди. Ана шу ерда идишларнинг одатдан ташқари шакллари тўла тушунарли ва ўринли эканлиги аниқланади: улар замонавий дорихоналар ва лабораторияларни кўрсатиб, бу идишлардаги нарсалар дори ва ўткир заҳарли моддалар бўлиб, ҳамма вакт чекланган миқдорда тайёрланган. Уларнинг конусга ўхшаш учли таглари модда чўқиндиларини тўплашга хизмат қилиб, бу эса оддий фармокология учун жуда муҳим бўлган. Яна, симобкузача факат ёнбош ҳолатда ёки сополдан қилинган маҳсус мосламада маҳкам турар эди. Эҳтимол, балиқка ўхшаш симобкўзачалар агар уларнинг ичидаги нарса тўғри ишлатилмаса соғайишга эмас, ўлимга олиб келиши кўрсатилгандир.

Энди, кулгили туюлган, гўё симобкўзачалар “нафтандоз” сифатида камал қилишда, чироқлар, маъморчилик безаклари, атири ва



Нурота шаҳар харобаси. Симобкўзача. X аср.

муқаддас сув сақлаш идишлари деб ҳисоблаш тарих сахифалариға ўтиб кетди.

Симобни ишлаб чиқариш ва бунчалик кўп идишларни улар билана тўлдириш учун манбалар бўлиши зарур эди. Ўрта Осиё худуди ана шундай симоб ишлаб чиқарувчи ўлка бўлган. Жумладан, ўрта асрларда симоб ишлаб чиқариш конлари қолдиклари Сўғд, Фаргона ва Уструшонада топилган.

Бу “кумуш сув” нима учун керак бўлган? Ёзма манбаларда бу саволга аниқ жавоб берилади. Мана, симобнинг баъзи хусусиятлари ҳакида 1541 йилда Шайбоний ҳукмдорларидан бири учун қайта қўчирилган, XIV асрнинг таникли врачи (табиби) ал-Ансарий шундай ёзган “Симоб форсча сўз бўлиб, унинг яххиси тирик симоб, фойдаланилмагани ва қаттиқ бўлади, унинг бир бўлагини матога солиб (қора рангли) ранги кетгунча сиқиб сўнг ишлатилади. Амалда симоб кўйдириш даражасида иссиқ... у бошни оғритади. “Ўлик” симоб битлар ва кирдонларни ўлдириш хусусиятига эга. Агар симобни пуштиранг мойга қўшсангиз замбуруғли яралар ва қичима касалликларига қарши ишлатиш мумкин. Агар симоб кукунини бирор емишга қўшиб берилса, у сичконни ўлдиради. Сирка билан қўшилган симоб замбуруғли яра ва қичималарга даво бўлади.

Симобнинг тутуни ёмон касалликлар: шол, юз нервининг шоли, карлиқ, қалтироқ ва ақлдан оздериш касалликларини ўйғотиб, қўзни хиralаштиради, юзини сарғатиради ва бадани қалтиратади, оғиздан ноxуш хид келтиради ва мияни қуритади. Илонлар ва чаёнлар симоб тутунидан қочадилар ёки ўладилар... Бу ўлдирадиган ва ўта хавфли заҳар. Оллоҳ эса, ҳақиқатни яхши билади”.

Бу маълумотлар билан симобнинг хусусияти ва аҳамияти тугамайди. Ўрта аср алхимиклари симобни барча металларнинг таркибий қисми, деб ҳисоблаганлар. Энг аҳамиятлиси шунда эдики, (бевосита ва билвосита) унинг амалгальмация йўли билан олтин ажратиб олишда салмоқли улуши бор. Ундан косметика ва тибиётда ҳам кенг фойдаланилган. Яқин вактларгача симоб одам ва ҳайвонларнинг тери касалликлари; қичима ва асосан сифлисга қарши ишлатилган.

Шуниси қизиқки. симобни кўпинча ўрта асрларда эрмак учун ҳам ишлатар эдилар. Кўп соҳалар бўйича қўчирма асарлар муаллифи Абу-л-Фазл Хубайш ибн Иброҳим Тифлиси (XII аср) баъзи фо-

кусларни асосан симоб ёрдамида бажарилғанлигини ёзиб колдирган. Мана улардан иккитаси: “Агар кимdir ёнғоқдан товуш чиқармоқчи бўлса,, унинг ичидан мағзини олиб, ўрнига олтингу-гурт ва симоб солиб, тешигини лой билан маҳкам бекитсин. Ёнғоқ аланга устида қизиши билан, ундан овозлар эшитила бошлади.” Бошқа фокус: “Агар кимdir товуқ тухумини бўшатиб, ўрнига симоб солиб, ҳаммомнинг иссиқ хонасида қўйса, у тезда қўтарилиб юқорига осилиб қолади. Агар ҳаммомнинг қуббасида тешиги бўлса, унда у чиқиб кетиб, ерга тушади.”

Симобни даво мақсадида ишлатилишини энди археологик то-пилмалар ҳам тасдиқламоқда. Эсласангиз, Хушкатни XIV-XVI асрларда қисқа муддатга тикланишини айтган эдик. 7-8 яшар боланинг қазиб очилган қабри айнан шу даврларга оид бўлиб, қизиқарли томони шундаки, унинг қўкрак ва қорни суюклари остида “тирик” симоб бўлган. Ҳали бу қандайдир, ноёб топилмадир. Аввало, бола си-филис касаллигидан ўлган бўлиши мумкин, чунки уни ғаройиб таъсирга эга симоб билан даволашга уринишган.

ДАСТУРХОНЛАР


Хозир айтиш қийин, ким ва қачон бу археологик топилмани чи-ройли ва аниқ қилиб дастурхон деб атаган. Уларнинг маҳобатли парчалари X-XIII асрларга оид мажмуаларда тез-тез учраб, мута-хассисларнинг доимий диққат марказида туради. Эски Ховос харо-баларида улардан жуда кўплар топилган. Бу буюмларнинг илк кўринишлари тўла тикланиб, ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди. Аммо, уларнинг нимага ишлатилиши, вазифаси, ҳар қалай баҳсли. Хўш, улар ўз номларига мосми? Бу саволларга жавоб беришга уриниб кўрамиз.

Дастурхонларнинг ташқи кўриниши кам ўзгариб, улар дарров танилади: улар доира шаклида бўлиб, чеккаси баланд бўлмаган де-ворча билан тўсилган, айланаси 80 сантиметргача, учта конус шак-лидаги ёки доира марказида жойлашган битта коса шаклидаги оёқчада туради. Айнан сўнгги хилдаги дастурхонлар эски Ховос ха-робаларидан топилган. Унинг устки юзаси, кўп ишлатилганидан силликланиб ялтираб кетган. Ҳаммаси маълум, унинг кўп ишлати-лиши ҳам қизиқарли эмас. Ички томони эса, бошқа гап, у маълум мақсадларга кўра, доимо ҳашаматли безатилган: ишлатилгандан сўнг дастурхонлар девор ёки токчага сунятириб кўйилган ва шун-дай ҳолда бошқа “вазифаларни”, хона ички безаги сифатида ишла-тилган.

Одатда дастурхон оёқлари орасидаги юза босма безаклар билан шунчаки безатилган. Кўп холларда кулоллар бу масаланинг мурак-каб ва турлича ечимини топишга уруниб, маҳсулотни “кенг омма учун” лигидан келиб чиқиб, қанча кўп ишлаб чиқарсанг, шунча кўп сотасан қабилида ишлашган. Худди шу йўсинда, Тошкент мулкли-ги - Шошнинг хунармлари ишлашган. Аммо, шундай дастурхон-лар ҳам борки, уларни кулоллар бутун вужудлари ва тасаввурлари-ни сарфлаб безашган. Ўшанда сопол буюм, ўзининг турли усулда безалиши ва санъати билан яшнаб кетган: бунда босма, ёпиширил-ган, ўйма, қирқма безаклар ҳаммаси уйғун тарзда, юқори техникада бирлашиб, ўзининг хилма-хил тасвиirlари ва чексизлиги билан бар-чани ҳайратга солар эди. Бундай дастархонлар ҳақиқатда, уй эгаларининг фахри, уйнинг эса, ҳақиқий кўрки эди, улар айни бир вақтда меҳмонларнинг рашк ва ҳавасларини келтиради.

Таассуфки, дастурхондаги тасвиirlар унинг қайси қунларда ишлатилашини кўрсата олмайди. Баъзи тадқиқотчилар, уларни ҳамир қилиш учун ишлатиладиган оддий супра деб ҳисоблаб, унинг “дастурхон” номини ҳам инкор этишга уринадилар. Ва, афтидан, улар қайсиидир маънода ҳақ. Аммо, бу уларнинг бир вазифаларидан биридир. Шу билан бирга, барча дастурхонларда ҳам ҳамир қилиш бирдай кулай эмас эди.

1989 йилда Сирдарё соҳили яқинидаги Нурота-Хушкат шаҳарчаси харобаларида, баланд ичи бўш тагликка эга бўлган бутун бир дастурхон топилган. У кўпол, яхши эзилмаган лойдан ясалаб, етарли пиширилмаган ҳам эди. Унинг хусусияти, кўшалоқ тасмалар ёпиштирилган безаклар бўлиб, улар дастархон юзасини саккиз япроқли безакка ажратиб тасвиirlanganлиги эди. Агар бундай



Нуртепа. Шахар харобаси. Дастурхон. X аср.

супрада хамир ёйилса ўқлоқ марказдан четга энганиб, ҳатто йиқилиши мумкин эди. Ба бу назарга ташланадиган хулоса бўлмай, балки биз ўтказган тажриба натижасидир. Шундай килиб, ўрта аср кулолларнинг кенг тарқалган бу идишларни “дастурхон” деб аташларини инкор қиласа ҳам бўлади. Бундай ёзилган дастурхонлар устида барча оллоҳ берган нарсаларни қўйиб Шарқ одатлари бўйича меҳмонларни эъзозлаш қулагай эди. Ўйлашимизча, дастархонлар, ҳозирги пастаккина “хонтахта” ёки “такта”ларнинг авлоди бўлишган. Умуман эса ўрта аср дастурхонлари серкирра бўлиб, уларда овқат тайёрланган, беришган ва шунингдек, улар билан хоналар ичини безатишган.

“Дастурхон”- меҳмондўстлик, тинч–тотувлик, худо ярлақаган, яхши кайфият ва уй-жой илиқлиги мазмунини берар эди. Биз ишонамизки, бу юз йиллик ўтмиш парчаларни ким биринчи бўлиб маъносини ақл-идрок билан эмас, шунчаки, дастархон атаб, уларда номаълум кулоллар ва хўжайинларнинг сахий қўллари тафтини билишган.

АРХЕОЛОГИЯ ЁДГОРЛИКЛАРИ ҲАҚИДА СҮЗ

Ўзбекистонда, умуман Ўрта Осиёда туғилган кишиларнинг барчаси ҳамиша болаликлари ўтган тепаликларни яхши эслайдилар. Кўплаб сопол синиқлари, кўпинча улар оддий лойдек бўлсаларда,, баъзан ажойиб безалган ва сирланган ҳолда кунлик турмушимизга мустаҳкам ўрнашиб қолган. Зеро, бу сопол бўлакларини ҳар куни тепаликда кўришга ёки ҳовлида қазиётган чукурда учратишга одатланиб қолишган. Кўп оиласарда ҳозир ҳам, лойдан ясалган идишлардан фойдаланадилар ва улар қачанлар ўтиб кетган авлодларидан қолган эски хумни кўрсатиб, фахрланадилар. Одамлар бутун умр бундай тепа яқинида яшаб, юз, минг йиллик археологик ёдгорлик олдида яшашларини сезмайдилар ҳам.

Археологик ёдгорликлар (ёки манбалар) археологларнинг изланиш обьектлари ҳисобланади. “Археология” деганда одатда, инсоният ўтмиш фаолиятини моддий қолдиқлари асосида ўрганувчи фан тушунилади.

Археология ёдгорликларининг кўплаб турлари бўлиб, улардан асосийлари кишилок ҳаробалари ва қабристонлар ҳисобланади. Ёдгорликларнинг ҳар иккала шакли Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг тарихий худудларини белгилайди.

Юқорида кўрсатилган тепаликлар остида қадимий кўшклар ва қалъалар, алоҳида уйлар ва бутун шаҳарлар яширинган. Билмаган одамга буни тасаввур қилиш қийин, онгимизга қанчалик мустаҳкам ўрнашганини, гўё биз эътибор бермайдиган маҳобатли иншоотлар, ҳайкаллар, мачит ва мадрасалар, абадий Миср пирамидалари ёки юонон-рум бинолари ҳам археология ёдгорлиги эканлигини. Вилоятларнинг бирида бўлган бир ҳодиса диккатга сазавор. Ёши икки минг йил ҳисобланган археология ёдгорлиги майдонини пахта экиш учун “ўзлаштирадилар”. Эндиғина қирқилган маданий қатламлар излари йирик ярадек кўриниб турар эди. Булдозер бутун майдон бўйлаб гишт бўлаклари, сопол ва шиша идиш синиқлари, ҳайвон суюклари, қадимий ўчоқлар кулини сочиб юборди. Улар орасида металл буюмлар ва тангалар ҳам учрар эди. Буларнинг барчаси бир неча тепаликларни бузган хўжалик раҳбарини мутлако безовта қилмас эди. Ҳар қалай ишлар тўхтатилганда, у ёдгорликни бузиб, қадимги маданият қолдиқларини оёқ ости қилаётганлигига

ростмана ҳайрон бўлди. “Бу сополлар кимга керак? Қаранг уларнинг қанчаси бу ерда ётибди, деб ҳайқирди! Шу хам ёдгорлик бўлдими? Оддий тепалик, булардан бизнинг туманда минглаб бор.

Афсуски, археологик ёдгорликларининг сон-саноқсизилги тўғрисидаги нотўғри тасаввурлар анчадан бўён нафақат мутахасисларни, балки уларни сақлаш билан боғлиқ ўлкашуносларни ҳам чалғитмайди. Ўтган асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмида ўнлаб юзлаб ёдгорликлар изчил хўжалик фаолияти даврида ўзлаштириб юборилди. Республика археологик ёдгорликларининг Рўйхатини тузиш давомида олиб борилаётган ишлар, уларни унча ҳам кўп қопмаганлигини кўрсатмоқда. Уларнинг кўплари у ёки бу даражада бузилган ёки бузилиш даражасида. Масалан, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида бундай ёдгорликлар 30%ни ташкил этади. Ҳар ҳолда, бориш қийин тоғли жойларда ёдгорликлар нисбатан яхши сақланган бўлсалар, ўзлаштирилган чўл туманларида уларнинг ҳар бири қайсиdir даражада шикастланган.

Бизнинг аданий меросга муносабатимиз... Эндиликда Жиззахдаги Ўрда харобалари деярли тўлиқ бузиб ташланган. Тахмин қилинишича, Жиззах аҳолиси араблар босқинидан сўнг Қалиятепадан айнан, Ўрдага кўчиб ўтган. Афсуски, Зоминнинг қадимги ва ўрта асрлар худудлари деярли тўла бузиб ёки куриб юборилган, сақланиб қолганлари эса, ҳозиргacha бузилмоқда.

1992 йилнинг баҳори ниҳоятда серёмфир келди. Зоминсойнинг лойқа сувлари қутуриб, бетон каналининг торгина ўзанидан чиқиб кетар эди. Кучли тўлқин тошларни пастга тортиб, дараҳтларни илдизи билан кўпориб, бетон устунлар ва яна қандайдир қурилмалар қолдиқларини ўзи билан олиб кетар эди. Куйироқда, Зоминнинг ўзида, у сувайиргични осонгина ағдариб, эски ўзани билан оқа бошлиди. Даля ва қишлоқлар сувсиз қолди. Тезда вақтингча каналлар қазиш тўғри келди. Улардан бири Зоминнинг XII асрга оид робади Курғонтепа шаҳар харобаларини кесиб ўтиб, унинг қатламларини бузди. Канал қазиш давомида қурувчилар тупроқ билан биргаликда юзлаб сопол парчаларини, одатдагидек, эътиборсиз олиб ташлар эдилар. Аммо бир топилма ҳаммани ишини ташлаб югуриб келишга мажбур қилди: ер остидан тупроқ билан тўлдирилган катта идиш – хумни тортиб олдилар. Ҳамма хумни бўшатиш харакатига тушиб қолди. “Афсус” деди, умидсизликка тушган “қазишма» қатнашчи-

ларидан бири! Унда олтин йўқ экан, биз уни синдиридик». Зомин куллонинг қўл тафти теккан ва аждодларга ўн йилликлар беминнат хизмат қилган хумни тақдири шундай якун топди. У яна илм-фан учун, яқин минг йиллик ёдгорлик сифатида ўлкашунослик музейда хизмат қилиши мумкин эди.

Эски Ховос шаҳар харобаларига келсак, унинг бузилиш тарихи бутун бир даврни ўз ичига олади. Ҳар қалай, одамларнинг изчил фаолияти натижасида унинг дастлабги кўриниши аллақачон йўқолиб бўлган. Унинг XX ва XXI аср бошларида изчил “ўзлаштирилиши” икир-чикирларига эътибор бермасдан айтадиган бўлсак, унинг аянчли манзараси Ховос-Ўратепа йўли қурилишида олинган кўп миқдордаги тупроқлар бўлиб, натижада инсоният ўтмишининг катта бир қатлами ном-нишонсиз йўқолиб кетди, тарихнинг бу сахифаларини энди, мутлақо ёзиб бўлмайди.

Ҳаммамизнинг ёшилигимиз ҳам тепаликлар ёнида ўтган. У тоғли қишлоқ четида жойлашиб, Оқтепа деб аталар эди. Кейинроқ, археологлар уни, Табошар Оқтепаси ёки Тиркаштепа деб номладилар. Табашар болалари орасида, Оқтепа турли ҳазил, ажойиб ўйинлар учун севимли жой бўлган. Унинг тик кирғоқлари, ўзига хос кул қатламлари ва шунчаки ўйин учун қулай бўлган юмшок тупроқлари киши диққатини тортар эди. Болаларча қазишмаларимиз жараёнида ҳайвон сұяклари, идиш бўлаклари ва тошлар учраб, биз уларга эътибор ҳам бермас эдик. Бизлар ва тенгдошларимиз учун бу биринчи “ихтисосиз” қазишмалар эди. Сўнгроқ, Оқтепада ҳақиқий археологик қозишмалар ўтказган мутахасислар, қалин тупроқлар остидан қалин деворлар билан ўралиб, буржлар ўрнатилган мустаҳкам кўшк девор ва буржларида камонбозлар йўлаклари ва шинаклар борлиги аниқланди. Қазишмалар натижасида олинган материаллар орасида ноёб топилмалар ҳам бўлиб, улар Илоқнинг илгари ёзма манбаларда бўлмаган, IV-VI асрлар (Тошкент минтақаси) тарихидан гувоҳлик беради. Аммо, Оқтепанинг кейинги тарихи қанчалар аянчли бўлгани, барча қазиб очилган археологик ёдгорликлар учун одатдаги ҳол ҳисобланади. Яъни мутлақо кўрикланмайдиган бу қадимий бино қолдиқлари ахлатхоналарга айланади.

Албатта, ёдгорликларга бундай муносабат ҳар доим ва ҳамма жойда ҳам шундай бўлмаган. Аммо, ҳар гал бульдозер тифлари ин-

соният борлиғи қатламларини олиб ташлаганда юраклар ларзага тушиди: деворлар қўпорилади, поллар чўқади, сопол, шиша ва суяклар бульдозер занжирлари орасида ғажилади, юраклар қақшаб кетади...


Энди, биз ташвиқотдан қоча олмаймиз. Уни тузишда истеъоддиз одамлар қатнашмайдилар. У хотирада ўтиб, ёдингизда қарийиб абадий сақланади. Бундай жўшқин даъватлар бизнинг маънавий ва маданий меросимизни, хусусан археология ёдгорликларини сақлаш учун ҳам жаранглашини хоҳлар эдим. “Баунти”ни ўзингиз учун очинг, деган даъватлар ёдингиздами? Кўп сонли шоколадлардан биттаси – батончик учун бу ҳаддан ошиқ эмасми? Нега, “ўзларинг учун... археология ёдгорликларини очинг! – деган даъватлар йўқ! Аҳир унинг мазмуни авлодларимизнинг – юз йиллик ижодлари ва чеккан азоб – укубатлари-ку! ўз фикрлари ва қўлга киритган ютуқларини, орзу умидларини бизларга қолдиришни орзу қиласар эдиларку, биз улардан “яхши фойдаланамиз ва уларнинг меҳнатлари маҳсулини абадиий коронғулик ютиб юбормайди”.

Шундай қилиб, археология ёдгорликлари нима? деган, юқоридаги лўнда илмий талқиндан бошқача ифодалаймиз. Археология ёдгорликлари бу ишончли, Оллоҳ берган ноёб маълумотни ёки ёзма манбаларда бўлмаган шароитда етказиб беришни ягона усулидир. Бундай еrostи архиви кўп ҳолларда ягона бўлади. Агар у йўқотилса, бизни тўлдириб бўлмайдиган жарлик, руҳий бўшлиқтарихий хотирада ялтироқ тешик кутади.

Археология ёдгорликлари қонун томонидан қаттиқ химоя қилинишлари керак. Ва, нафақат Қонун билан, балки давр тақазоси ва бизнинг ташаббусимиз, бекарор қалбимиз қўри билан ҳам химоя қилиниши зарур. Агар биз ўзимизни ўзимиз куткармасак, ким бизни кутқаради!


СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРИ РЎЙХАТИ

Сирдарё вилоятининг археология ёдгорликларини топографик жиҳатдан икки минтақага бўлиш мумкин: Шимоли-шарқий (Сирдарё бўйи) ва жануби-гарбий (чўл ва тоғ этаклари) минтақаларига бўлиш мумкин. Биринчи минтақа Мирзачўл ёдгор-



Шимолий худудлар археологик ёдгорликлари харитаси

ликларини қамраб олиб, иқтисодий жиҳатдан Тошкент минтақасига ва мумкин, муайян тарихий даврларда Чоч таркибиға кирган эди. Иккинчиси, Уструшона минтақасининг ўзи бўлиб, жуғрофий жиҳатдан бу ерда бир неча гуруҳ ёдгорликлар мавжуд. Улар энг катта сув манбалари Шўрбулоқсой, Хожамушкентсой, Мўғулсой, Тогобсой ва Сармишсойга боғланишган. Ҳар бир гурухда шаҳар ёки катта кишлеклар бўлиб, улар айтидан, катта дехқончилик мулклиги ёки рустаклар бўлишган. Уларниң атрофида кичикроқ манзилгоҳлар жойлашган.



Жанубий худудлар археологик ёдгорликлари харитаси

Кўргон ва қўргон гурухлари жойлашиш тизимиға киритилмай, Рўйхат охирида алоҳида берилади.

Сирдарё гурухи







Ўтган аср охирларида У.А. Алимов томонидан ўрганилган Сирдарё, аниқроғи унинг қадимги ўзанида жойлашган 11 ёдгорлик бор. Улар илк бор, 1984 йилда Сирдарё археологик отряди томонидан текширилган (Алимов, Сверчков, 1987). Мазкур худудда ёдгорликлар шубҳасиз, кўп бўлиб, уларнинг кўпчилиги тўла бузиб ташланган. Уларнинг қолдиқлари жумласига Нурота шаҳар харабалари ҳам кириб, у ҳам олиб борилган хўжалик ишлари оқибатида бузилган ва ҳозирда қабристонга айлантирилган.

1. Каттақизтепа. Сирдарё туманида жойлашган. Қишлоқнинг шимолий қисмида мустаҳкам арки аълодан ва шарқдан унга туташ ноаниқ худуддан ташкил топган. Арки аълонинг ўлчамлари 60x48 м, баландлиги 5 метрдан юқори. Ёдгорлик устидан сирланмаган сопол парчалари ва пишиқ гишт бўлаклари топилди. Санаси номаълум.

2. Пучктепа. Сирдарё шахрининг шарқий томонида жойлашган. В.Ф. Караваев томонидан аниқланган (Караваев, 1914 ҳаритага каранг). Ёдгорлик ўта бузилган. Сақланган қолдиқларининг ўлчами 75x53 м. Баландлиги 3 м. Айтишларича, ёдгорликни бузиш пайтида сопол парчалари ва мунҷоқлар топилган. Санаси номаълум.

3. Кўргонтепа. Сирдарё шахрида жойлашган. У тўғритуртбурчак шаклда бўлиб, ўлчамлари 94x74 м, баландлиги 3 м.гача. Шимоли-шарқий бурчагида 10 метр баландликдаги 45x40 ўлчамли арки аъло жойлашган. Ёдгорликда қабрисон жойлашган. Унинг устидан илк ўрта асрларга оид сопол топилган (Алимов, Сверчков, 1987, 135-б.). Ёдгорлик тури жиҳатдан кенг ҳовлили кўшксимон катта қишлоқ деб аталиши мумкин. Мумкин, у қишлоқ тузилмаларининг маркази (мулклик) бўлиб, унинг атрофида қишлоқлар жойлашган.

4. Учтепа. Уч тепалиқдан иккитаси Сирдарё сил касалликлари шифохонаси худудида жойлашган. Ҳар иккovi ҳам ўта бузилган. Биринчи тепаликнинг ўлчами 39x20 м, баландлиги 7 м. Иккинчисининг айланаси 20 м, баландлиги 3 м. Ёдгорлик В.Ф. Караваевнинг



харитасида қайд қилинган. Санаси номаълум.


5. Нурота шаҳар ҳаробалари. У Сайхунобод туманинг Нурота қишлоғида жойлашган. В.Ф. Караваев харитасида қайд этилган (Караваев, 1914, харитага қаранг). Бу христианлар қишлоғи Винкердни талқин қилиш жараёнида М.Е. Массон томонидан ҳам эсга олинади (Массон, 1934, 18-б.). Бу ерда В.А. Нильсен ҳам кичик ҳажмда изланишлар олиб борган (Нильсен, 1966, 213-б.). 1984 йилда Сирдарё археологик отряди томонидан ўрганилган (Алимов, Сверчков, 1987, 136-б.). 1987 ва 1989 йилларда шаҳар ҳаробаларида қазиши машилари ўтказилган (Грицина, 1996, 82-92-бб.). Ҳозирда ерларни ўзлаштириш натижасида ёдгорликларнинг катта қисми текислаб юборилган бўлса, қолган қисмида қишлоқ жойлашган. Фақат унинг анча баланд 7,5 гектарли қисми сақланиб, унинг ҳам устиди қабристон жойлашган. У Сирдарё кечуви яқинида, Шошнинг йирик шаҳри Бенкент йўлида жойлашган, ўрта асрлар Хушкет шаҳри сифатида талқин қилинади (Грицина, 1992, 36-41-бб.; унинг ўзи, 1996, 91-б.; унинг ўзи, 2000, 214-223-бб.).

6. Читтепа. Собиқ “Социализм” совхозининг 2-бўлими ерларида жойлашган бўлиб, ўлчамлари 66х63 м. Шимоли-гарбий ва жануби-шарқий бурчаклари баландроқ. Марказда айланаси 36 м, баландлиги 6 м.ли баландлик ажралиб туради. Санаси номаълум.

7. Киндиктепа. У ҳам ўша хўжаликнинг 2-бўлими ерларида жойлашган, баландлиги 3 ва 4 метрли икки тепаликдан иборат. Мумкин, бу мозор-қўргон бўлган, чунки уларда инсон фаолияти белгилари топилмаган.

8. Қалатепа. “Гулистон” хўжалигининг учинчи бўлими Учаоч жойида, Шўрқўлнинг жанубида жойлашган. У квадрат шаклда бўлиб, шарқий девори тутиб чиқкан. Ёдгорлик юзаси бузилган, марказий қисми пастак. Четларида, девор бўйлаб бир неча дўнгликлар кўзга ташланади. Тепа асоси 55x42 м квадратдан иборат, баландлиги 5 метргача. Шарқий томондаги дўнглик дарвозв ўрнини кўрсатади. уни Сирдарёнинг чап киргоклари бўйлаб ўтган карvon йўлидаги карvon-саройига ўхшатадилар. Ёдгорлик устидан топилган сопол идиш парчалари X-XII асрларга бориб тақалади (Грицина, 1992, 45-б.).

9. Номсиз тепа 1 (Улкан сайлиқ). У Гулистон туманининг Дмитрово қишлоғи четида жойлашган. Ёдгорликнинг ilk кўриниши



бузилган.бузилган. Уни 1990 йилда Сирдарё археологик отряди томонидан ўрганилган. Унинг сакланиб қолған қисми ўлчамлари 54x46 м, баландлиги 4 метрга яқин. Ёдгорлик устидан топилған соғуллар X-XII асрларга оид.

10. Мирзаработ. Оқолтин туманининг Мирзакишилоқ яқинидаги жойлашган. У сайёҳ ва тадқиқотчилар асарларида тез-тез тилга олинади (Массон, 1935, 18-21-бб.). Ёдгорлик икки: Мирзасардоба ва Мирзатепа қыслардан иборат. Иккинчиси карвонсарой қолдиги бўлса керак. Унинг айланаси 23 м, баландилиги 3 м. Санаси но маълум.

11. Яғочти. Сакланиб қолған сардоба. Яқинидаги айланадаги тепа бор. Сайёҳлар асарларида тез-тез тилга олинади.

Шўрбулоқ гурухи

Гурухнинг Ўзбекистонга тегишли худудида 16 ёдгорлик бор. Уларнинг орасида икки шаҳар ҳаробалари: Эски Ховос ва Нуртепа ажралиб туради.

12. Эски Ховос шаҳар ҳаробалари. Шу номли темир йўл бекати яқинидаги, сойнинг ўнг кирғоғида жойлашган. М.Е. Массон томонидан ёдга олинади (Массон, 1934, 16-б.). 1984 ва 1988 йилларда уни Сирдарё археологик отряди тадқиқ этган, 1988-1989, 2003-2004 йилларда у ерда қазишмалар ўтказилган (Грицина, 1990, 12-13, 15-16-бб.; Грицина, Иваницкий, Раҳимов, 2004, 61-64-бб.). Ҳаробалар худуди ўта бузилган. Ёдгорлик устидан кўплаб X-XX асрларга оид сопол ва тангалар топилған. Арки аъло ёдгорликнинг шимолигарбий қисмидаги жойлашган. Унга бир-биридан чим девор билан аж-

ратилган икки худуд (шахристон) туташади. Харобаларнинг умумий майдони 10 га, ундан якин 2 га арки аъло жойлашган. Ёдгорликдан олингандар асосида унда милодгача I асрлардан милодий XX асрларгача узлуксиз ҳаёт бўлган.

13. Талтепа. Эски Ховос харобаларидан 2 км жанубда, Карвон-сарой қишлоғи четида жойлашган. шарқдан фарбга томон чўзинчоқ шаклга эга. Ўлчамлар 62x40 м, баландлиги 6 м. Ҳозирда қабристон жойлашган. Ёдгорлик устидан топилгни сополлар асосида илк ва ривожланган ўрта асрларга оид. Турлари жиҳатдан қишлоқ манзилгоҳи сифатида ажратилиши мумкин.







14. Шўрбулоқсой Оқтепаси. Учтурган қишлоғидан 2 км жанубда, сойнинг ўнг қирғогида жойлашган. А.И. Билолов (Билолов, 1980, 37-б.), Жиззах (1986-1987 йиллар) ва Сирдарё археологик отрядлари (1988 йилда) томонидан ўрганилган. Чўзинчоқ шаклга эга бўйиб, жанубдан шимолга томон чўзилган. Ўлчамлари 80x45 метр, юкори майдони 35x15 м, баландлиги 8 метрдан ошиқроқ. 1988 йилдаги стратиграфик шурф материаллари VI-VIII асрларга оидлиги кузатилади (Грицина, Пардаев, 1990, 168-171-бб.). Коровуллик вазифасини бажарган кўшк хилдаги қишлоқ сифатида ажратилади.

15. Номсиз тепа 2. У сойнинг ўнг қирғоги Шўрбулоқсой Оқтепаси каршисида жойлашган. Чўзинчоқ шаклга эга. Ўлчамлари 25x21 м, баландлиги 2 м. Илк ўрта асрлар қишлоғи ҳисобланади.

16. Ховотактепа. Сойнинг ўнг қирғогида, Шўрабулоқсой Оқтепасидан 1 км жанубда жойлашган. Юкори қисми деярли тўла бўзилиб, фақат марказида шаклсиз 1,5 метрли қолдиги қолган. Ёдгорлик марказида қўйилган шурф V-VIII асрларга оид маълумотлар беради (Грицина, Пардаев, 1990, 171-172-бб.).

17. Нуртепа шаҳар харобалари. Сойнинг чап қирғогида, Ховотактепадан жануброқда жойлашган. Тожик археологлари томонидан очиб, ўрганилган. Арки аъло ва унга туташ мудофаа деворлари билан ўралган худуддан ташкил топган. Харобаларнинг умумий майдони 18 гектар. Кўплаб археологик қазишмалар натижасида олингандар асосида милодгача VII-VI асрлардан илк ўрта асрларгача саналаниши мумкин (Беляева, 1980, 470-471-бб.; Негматов, Беляева, Мирбобоев, 1982, 89-109 бб.; Негматов, Беляева, 1994, 23-27-бб.).

18. Лолатепа. Сойнинг чап қирғигида “Ховос” хўжалиги ерла-



рида, Ховос-Сармиш автомобиль йўлидан 2 км узокликда жойлашган. У икки айлана тепаликдан иборат. Улардан бирининг ўлчамлари $25 \times 22,5$ м, баландлиги 6 м. Иккинчиси биринчисидан 45 м жануби-гарбда жойлашган бўлиб, 15×12 м, баландлиг 2 м. X-XII асрларга оид қишлоқ хисобланади.

19. Беттасой Оқтепаси. У Шўрбулоқсойнинг ўнг ирмоғи, Кўриқсойнинг ўнг қирғоғида Кўриқ қишлоқғи яқинида жойлашган. У маҳобатли арки аъло ва унга жанубдан туташ кенг ҳовлидан иборат. Чўзинчоқ шаклдаги арки аъло ўзчамлари 56×47 м, юқори майдони 35×19 м, у асосидан баландлиги 14 м. Унга туташ майдонининг ўлчами асосидан 116×80 м бўлган. Майдоннинг юқори қисми 78×78 м. Ҳовлининг шимоли-тарбий томони қисман бузилган. Тахминан жануб томонининг ўртасида кенг узилиш жой бор. Ёдгорлик устидан топилган сирланган ва сирланмаган сополлар асосида у XI-XIII асрларга оидлиги кузатилади. Тепанинг асоси илк ўрта асрларга оидлиги ҳам эҳтимолдан холи эас. У кўшк типдаги йирик қишлоқ хисобланиб, унда ҳаёт ривожланган ўрта асрларда изчил бўлган.

20. Қаровултепа 1. Сойнинг чап қирғоғида, Кўриқ қишлоғининг жанубида жойлашган. Тепанинг ўлчамлари $26-21$ м, баландлиги 2 метр. Санаси номаълум.

21. Қаровултепа 2. У олдинги тепаликдан 50 м шимолда жойлашган. Унинг айланаси 20 м. Санаси номаълум.

22. Оқтепа. У Қушқанд ёзги маскани яқинида, Кичкина сойнинг ўнг қирғоғида, Хавос-Уструшона (Ўратепа) йўлидан 3,5 км шарқда жойлашган. Илк бор А.И.Билолов томонидан (Билолов, 1980, 44-б.) эслатилади. Жиззах ва Сирдарё хўжалик шартнома отрядлари томонидан ўрганилган. У икки айлана шаклдаги тепаликдан иборат. Шимолий тепаликнинг ўлчами 72×45 м, баландлиги 7,5 м. Жанубий тепаликнинг ўлчами эса, 46×32 м, баландлиги 4 м. Ўтказилган қазишмалар VI-XVIII асрларга оид материаллар бермоқда (Грицина, Пардаев, 1990, 172-176-бб.).

23. Оқтепа 1. Олдинги тепаликдан 0,4 км узокликда, Кичкина сойнинг ўнг қирғоғида жойлашган. У чўзинчоқ шаклда бўлиб, ўлчамлари 80×70 м, баландлиги 2 м. XI-XII асрларга оид қишлоқ сифатида қаралади (Грицина, Пардаев, 1990, 167-б.).

24. Култепа 1. Оқтепадан 1 км жанубда, “Кўшқанд”

хўжалигининг 1-чи бўлими худудида жойлашган. Ҳамма томони бульдозер билан қирқилган. Сақланган ўлчамлари 46×35 м, баландлиги 2 метрдан ошироқ. Санаси номаълум.

25. Мазорбоботепа. Чангаул қишлоғи яқинида жойлашган. Билолов томонидан қайд этилган (Билолов, 1980, 36-б.). Тепалик нинг ўлчамлари 68×58 м, баландлиги 6 м. VI-XVII асрларнинг қишлоқ манзилгоҳи ҳисобланади (Грицина, Пардаев, 1990, 165-б.).


26. Қоровултепа 3. Мозорбоботепадан ғарбда жойлашган. 1987 йилда Сирдарё археологик отряди томонидан тадқиқ этилган. Ҳозирда усти шудгорланган. Ўлчамлари: $18 \times 12,5$ м, баландлиги 2 метрга яқин. Сополлпр илк ўрта асрларга оид (Грицина, Пардаев, 1990, 165-б.).

27. Тупроқ ғорлар ва турар жойлар. “Кўшканд” хўжалигининг марказий кўргонининг жануби-шарқида, Жарсойнинг чукур тупроқ хандагида жойлашган. У ерда 65 ғор ва 20 дан ортиқ турар жой қайд этилган бўлиб, уларни ердан ковлаб, усти ёпиб қўйилган. Махаллий аҳолининг айтишларича, урушдан кейинги йилларда Кўшканд аҳолиси шу жойларда яшаган (Грицина, Пардаев, 1990, 168-б.). Бунга ўхшаш ғорлар Ўзбекистоннинг бошқа худудларида ҳам учратилади (Грицина, 2000, 184-186-бб.).

Хўжамушкент гурухи

Бу гуруҳ ёдгорликлари тадқиқ этилаётган минтақада энг кўп учратилади. Унда қарийиб 50 та археологик ёдгорлик бор. Улардан энг каттаси Култепа харобалари бўлиб, у Сабот рустагининг шу номли шаҳри, унинг маъмурий маркази бўлган.

28. Ҳонтепа. У Хўжамушкентсойнинг ўнг кирғоғида, Савот қишлоғининг шимоли-ғарбида жойлашган. У Сирдарё археологик отряди томонидан очиб, ўрганилган (Грицина, 1988, 34-б.; Грицина, Сверчков, 1990, 116-б.; Буряков, Грицина, 1989, 40-45-бб.; уларнинг



ўзлари, 2005). Ёдгорлик техника билан ўта бузилган. Унинг ўлчамлари 80x70 м баландлиги 4 м. Бу Сирдарё вилоятидаги энг ирик қадимги Уструшона шаҳар харобасидир (милодгача VI-III асрларга оид).

29. Сағанактепа. У сойнинг ўнг қирғоғида Хонтепадан 0,4 км жанубда жойлашиб, иккита бир-бирига кўндаланг чўзинчоқ тепалардан иборат. Бирининг ўлчамлари 42x10,5 м, баландлиги 1,5 метр, иккинчисинику – 32x16 м, баландлиги 2 метрга яқин. 1988 йилда ёдгорликда қазишма ишлари ўтказилган ва улар милодгача IV-III асрлар материалларини берган (Грицина, 1990, 20-21-бб.; Буряков, Грицина, 2005). У қадимги Уструшона қишлоқ харобаси ҳисобланади.


30. Сағанактепа 1. У олдинги тепалиқдан 0,35 км жанубда жойлашган. Тахминан жануб-шимол йўналишида. Унинг ўлчамлари 31x8 м, баландлиги 2 м атрофида. Тепа бўйлаб булдозер қазган хандак ўтади. 1988 йилда ёдгорликда қазишма ишлари олиб борилган ва улар милодгача IV-III асрларга оид материаллар берган (Грицина, 1990, 20-21; Буряков, Грицина, 2005) У қадимги Уструшона қишлоқ харобаси ҳисобланади.

31. Юмaloқтепа. У сойнинг ўнг қирғоғида, Савот қишлоғида жойлашган (Немцева, 1974, 10-б.; Грицина, 1992, 50-б.). Ёдгорлик ҳамма томондан булдозер билан қирқилган. Сақланган қисми ўлчамлари 66x65 м, баландлиги 13 м. Сополлари илк ўрта асрга оид. Қарохонийлар даври пишиқ ғишт бўлаклари ҳам учраб, улар ёдгорликда бу даврларда ҳам хаёт бўлганидан гувоҳлик беради. Ёдгорликни алоҳида турган кўшк ёки қалъа деб, ҳисоблаш мумкин.

32. Мўминтепа. Сойнинг ўнг, тик жарлик томонида Тукбой қишлоғида жойлашган. Чўзинчоқ шаклга эга, ўлчамлари 40x35 м, баландлиги 7,5 м. Сополлар XI-XIII асрларга оид. Кўшк тарзидаги ҳовли қишлоқ тураг жойи ҳисобланади.

33. Қорамачиттепа. Муминтепанинг жанубида жойлашган. Чўзинчоқ шаклга эга, ўлчамлари 65x50 м, баландлиги 7,5 м. Сополлар XI-XIII асрларга оид. Қишлоқ тураг жойи ҳисобланади.

34. Майтепа. Тукбой қишлоғининг жанубида, табиий тепа устида жойлашган. Шарки-ғарб йўналиши бўйича чўзилган. Жануби-шаркий бурчагида чиқиш йўлаги (пандус) кўзга ташланади. Ёдгорликнинг ўлчамлари 150x55 м, баландлиги 12 метрдан ортиқроқ. Со-




28




Q 9 M

29




4


0 2 10 m 30



5 31



1 0 5 25 M 32



1 0 5 25 M 33

пол сўнгги ўрта асрларга оид. Сўнгги ўрта асрлар Сабот арки аълоси деб талқин қилинади (Грицина, 1992, 50-б.).

35. Майтепа 1. Олдинги тепадан шимоли-шарқда жойлашган. Ёдгорлик чегараси аниқ эмас. Худуди учратилаётган сопол парчалари бўйича 7-9 гектар ҳисобланади. Баланд қисмининг шимолий киркимида XI-XII асрларга оид сопол парчалари учрайди. Ёдгорлик Саботнинг илк ўрта асрлар шахристони деб талқин қилинади (Грицина, 1992, 50-51-бб.).

36. Майтепа 2. У Майтепанинг фарбида жойлашган. Ёдгорликнинг ўлчамлари асоси бўйича 42x22 м, баландлиги 2 м. Унинг четида суғориш тармоқлари изи кузатилади. Сополлар сўнгги ўрта асрларга оид.

37. Майтепа 3. Майтепанинг қаршисида жойлашган. У баланд тепа ва унга туташ ўлчамлари 65x41 м, баландлиги 6 м.ли шимолий худудни эгаллаган. Сополлар сўнгги ўрта асрларга оид.


38. Майтепа 4. Майтепадан 0,5 км шимолда жойлашган. Ёдгорликнинг ўлчамлари 31x10 м, баландлиги 3 м. Бир неча сирланмаган ва этнографик сопол парчалари топилган.

39. Қоровултепа 4. Майтепадан 1 км жануброқда жойлашган. Шакли чўзинчоқ, ўлчамлари 25x25 м, баландлиги 6 м. Сопол парчалари XI-XII асрларга оид. Дехқон кўшки ҳисобланади.

40. Қоровултепа 5. Қорамачиттепадан 0,8 км жанубда жойлашган. Тепаликнинг ўлчамлари 47x25 м баландлиги 4 м. Сопол парчалари XI-XII асрларга оид. Қишлоқ харобаси ҳисобланади.

41. Култепа шаҳар харобалари. Сойнинг чап соҳилида, шу номли қишлоқнинг жанубида жойлашган. Н.Б. Немцева томонидан кайд қилинган (Немцева, 1974, 11-бет). Сирдарё археологик отряди томонидан 1985, 1987-1988 йилларда қазиш ишлари олиб борилган. Ўрта аср Саботига қиёсланади (Грицина, 1992, 29-34-бетлар; унинг ўзи, 1994, 40-49-бетлар; унинг ўзи, 2000, 18-80-бетлар; Буряков, Грицина, 2005). Ўлчамлари 110x110 м баландлиги 14 метрли арки аъло ва унинг атрофидаги худудни қамраб олган. Умумий майдони 50 гектардан ортиқ. Қазишма давомида олинган материаллар IV-XIII асрларга оид.

42. Номсиз тепа 3. Сойнинг чап соҳилида Култепа қишлоғидан фарбда жойлашган. Тепанинг ўлчамлари 18x12 м, баландлиги 3 метр. XI-XII асрларга оид қишлоқ харобаси ҳисобланади (Грицина,



1992, 52-бет).

43. Номсиз тепа 4. Сойнинг ўнг соҳилида Култепа шаҳар харобалари арки аълосидан жануби-шарқда жойлашган. Жануб томони булдозерда киркилган. Тепа ўлчамлари асосида 43x22 м, баландлиги 3 м. Устидан сирланмаган сопол паралари топилган.

44. Номсиз тепа 5. Култепа арки аълосининг шарқроғида жойлашган. Ўта бузилган. Сақланган қисми ўлчамлари 39x30 м, баландлиги 4 метрдан ортиқ. VI-XIII асрларга оид қишлоқ харобаси.

45. Номсиз тепа 6. Олдинги тепаликдан 0,3 км шимоли-ғарбда жойлашган. У айлана шаклда бўлиб, ўлчамлари 12x10,5 м баландлиги 1 м. Сирланмаган сопол парчалари топилган.

46. Номсиз тепа 7. Олдинги тепадан шимолроқда жойлашган. Ёдгорлик ўлчамлари 26x20 м, баландлиги 2 м. Сирланмаган сопол парчалари топилган.

47. Шоштепа 1. Сойнинг ўнг соҳилида, Култепа харобаларидан 2 км жанубда жойлашган. Хўжанд-Уструшона археологик отряди томонидан қайд қилинган (Негматов, Пулатов, Хмельницкий, 1973, 105-б.). Тепанинг устки юзаси ўралар билан бузилган. Айлана шаклдаги асоси ўлчамлари 80x45 метр, баландлиги 4 м. Илк ўрта асрлар қишлоқ харобаси ҳисобланади.

48. Шаштепа. Сойнинг ўнг соҳилида, Култепа шаҳар харобаларидан жанубда жойлашган. Хўжанд-Уструшона археологик отряди томонидан қайд қилинган (Негматов, Пулатов, Хмельницкий, 1973, 106-б.). Айлана шаклида, ўлчамлари 90x90 м, баландлиги 23 м. Бу минтақадаги энг катта ёдгорлик. Кўшк иншооти бўлиб, у бир вақтда қоровуллик вазифасини ҳам бажарган. У табиий баландлигда бўлмай, бевосита дарё ўзанида жойлашган бўлиб, ўта баланд ва унга лойик мудофаа тизимиға эга. Уструшона пойтакти Бунжикат шаҳри йўлидаги муҳим бўғинлардан бири ҳисобланади. Илк ўрта асрлар билан саналанади.

49. Номсиз тепа 8. Шаштепадан 1 км жанубда жойлашган. Унинг ўлчамлари 30x30 м, баландлиги 5 м. Тепанинг марказида чукур жарлик бор. Илк ўрта асрлар қишлоқ харобаси.

50. Қаровултепа 6. Олдинги тепадан жануброқда жойлашган бўлиб, улар ягона мажмуа бўлсалар керак. У чўққи тепа ва хандак билан бузилган ҳудудлардан иборат бўлган. Ёдгорликнинг ўлчамлари 64x48 м баландлиги 13 м. Илк ўрта асрлар кўшк

қишлоқ харобаси ҳисобланади.

